

УЛҒАЙИШ ФАЛСАФАСИ

Бугуннинг қаҳрамони ким?

Борлиқ жонлиқ жонсиз нарса-ҳодисаларга тўла. Уларнинг ҳар бири - бетакрор. Барчаси ўзига хос шакл-шамойилга, мазмун-моҳиятга эга. Нарса-ҳодисаларнинг турфа хислат ва сифатлари Азал қудрати билан яратилган. Бироқ одамлар ҳам уларни ўзгартиришга, ислоҳ қилишга ҳаракат қилишади ва бунда муайян самараларга эришишади. Масалан, улар гулнинг турфа хилларини яратишади, тошларга хилма-хил шакл беришади. Жонсиз темирларни “тил”га киритишади. Аммо борлиқнинг шундай ҳодисалари ҳам борки, одамлар уларга бевосита дахл қилишолмайди. Жумладан, кеча ва кундузни ўзгартиришолмайди. Ер ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланаверади. Шундан қоронғу кеча, ёруғ кундуз пайдо бўлаверади. Кеча ва кундузни бундан бўлакча тарзда ҳосил қилишга кишиларнинг қурбу қуввати етмайди. Чунки кеча ва кундуз қўл билан ушласа бўладиган гул ёки тош эмас. Уни темир сингари эритиб ёки лой сингари қориб ҳам бўлмайди. Бироқ одамлар буни тан олишмайди. Улар қўллари билан ўзгартиролмаган нарсаларини ҳам хаёлан бўлса-да, ўзгартиришади. “Давр ўзгарди”, “замон бошқача бўлди” дейишади. “Давр”, “замон” нима? Улар аслида кеча ва кундуз! Қуёшнинг чиқиши ва ботиши оралиғидаги вақт! Қуёшга эса ҳеч кимнинг қўли етмайди. Унинг жойини ҳеч ким ўзгартириб қўёлмайди. Демак, Қуёшнинг кўриниши Ернинг ҳаракатига боғлиқ вақт ўзгармайди-ю, одамларнинг ўзи аниқроғи, уларнинг онги ўзгаради. Бироқ улар ўзларидаги ана шу ўзгаришни вақтга - давр зиммасига “юклашади”. “Биз ўзгардик” дейишдан кўра «давр ўзгарди» дейишни маъқул кўришади. Аммо бу нотўғри ҳукм-хулоса учун уларни ҳеч ким суд қилмайди. Чунки тафтишчи вазифасини ҳам, даъвогар ролинини ҳам одамларнинг ўзлари бажаришади. Шунинг учун одамлар қандай бўлса, ҳаёт худди шундай бўлади. Жумладан, вақт-давр, замон ҳам уларнинг ўлчови, баҳоси асосида кўринади. Давр эса одамлар ҳаёти билан боғлиқ барча ижтимоий ҳодисаларни қамраб оладиган ҳодиса саналади. Бинобарин, улардаги ўзгаришлар туфайли ҳамма нарса ҳам бошқача бўлгандай туюлади. Аслида-чи? Аслида одамларнинг ўзи, уларнинг дунёқараши, бир-бирига муносабати, ҳаёт ҳодисаларига ёндашиши, хатти-ҳаракати, фаолияти муттасил ўзгариб туради. Одамларнинг феълу аъмолидаги ҳар бир янгиланиш эса барча соҳаларга ўз таъсирини ўтказди. Чунки ҳамма соҳа: қишлоқ хўжалиги ҳам, саноат ҳам, санъат ва адабиёт ҳам одамларнинг онги, қалбининг қуввати, қўлининг кучи туфайли ҳаракатланади. Табиийки, одамлар нимага кўпроқ эҳтиёж се-

зишса, шу нарсага кўпроқ эътибор қаратишади. Шунинг учун баъзан саноат кўпроқ ривожланса, баъзан санъат ҳайратланарли даражада юксалади. Масалан, Эсхил, Софокл, Эврипид трагедиялари XXI аср одамларини ҳам лол қолдиради. Улар эса эрамизгача бўлган бешинчи асрда яшаб ўтишган. Ваҳоланки, у замонларда одамлар поезд, самолёт, телефон, радио нима эканлигини билишмаган. Ҳозирги пайтда эса улар ҳамма фойдаланадиган одатдаги техника воситалари саналади.

Техниканинг янги-янги турлари яратилаётган, турмушни қулайлаштирувчи хилма-хил воситаларни кашф этиш авжланган бир замонда санъат ва адабиётга муносабат қандай бўлади? Табиийки, санъат ва адабиёт муносабат ҳам моддий манфаат топиш доирасида ҳаракатланади. Аниқроқ айтганда, санъат ва адабиёт пул-бойлик яратиш воситаларидан бирига айлантирилади. Чунки одамларнинг бутун фикру зикри ҳамма нарсадан, ҳар бир ишдан қандайдир моддий манфаат олишга қаратилган бўлади. Бундай кайфият ҳукмрон бўлган пайтда моддий манфаат илинжи кўнглининг барча истак-интилишларидан устун туради. Инсон табиатининг мана шу мураккаб, чигал жиҳатини гавдалантириш эса барча даврлар адабиётининг бош мавзуси бўлиб келади. Жумладан, Мустақиллик даври ўзбек адабиётининг қайси бир асарини олиб қарамайлик, у албатта шу мавзуга дахлдор эканлиги кўринади. Абдулла Ориповнинг шеърларидан тортиб Одил Ёқубовнинг “Бир қошона сирлари” драмасигача, Шукр Холмирзаевнинг “Динозавр” романидан тортиб Назар Эшонқуловнинг “Қора китоб” қиссасигача, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”идан Шодикул Ҳамронинг “Қора кун”игача инсон табиатидаги моддий манфаат илинжи ва кўнгли безовталиги ўртасидаги мurosасиз кураш ҳақида сўз юритилади. Тоҳир Маликнинг “Шайтанат”ини қўлма-қўл қилган омил ҳам замонамиз кишиларининг икки ўт орасидаги олишуви кўрсатилгани билан белгиланади. А. Йўлдошнинг “Катта ўйин” қиссасида ҳам шу кун кишиларининг мол-дунё ташвиши қуршовида қолган ҳаловатсиз қалбидаги тўфонларга эътибор қаратилади. Мустақилликдан кейинги йилларда яратилган асарлар аввало мана шу жиҳати - мол-дунё ортириш ғамига кўмилиб қолган одамларни бош қаҳрамон сифатида кўрсатиши билан аввалги замонлар адабиётидан ажралиб туради. Кишилар феълу аъмолидаги ўзгариш, ҳаммага тушунарли ибора билан айтганда эса давр бу муаммони ҳар қачонгидан кўра жиддийлаштириб қўйди. Ана шу жиддий муаммо киши-


лар онгу тафаккурига қандай таъсир кўрсатиши ва у қай йўлларга бошлашни кўрсатишга уриниш мустақиликдан кейинги йилларда эълон қилинган барча асарлар учун умумий мундарижа саналади. Мундарижа эса йўналишни ифода қилади. Адабиёт асарлари мазмунининг салмоғи унинг сўзида, инсон қалбини кўрсатишдаги ўзига хослигида, муаммонинг дабдурустдан кўринмайдиган мураккабликларига эътиборни жалб этишида намоён бўлади. “Ана шундай асарлар яқин ўтган йиллар ичида ҳам яратиладими?” деб савол бериладиган бўлса, “Ҳа” дейиш ҳар қандай ҳақиқатга тўғри келади. Чунки катта авлод адиблари, жумладан, Абдулла Ориповнинг шеърлари, “Соҳибқирон” драмаси, Одил Ёқубовнинг Амир Темур тўғрисидаги ва “Қалб кошонаси сирлари” драмалари, Шукр Холмирзаевнинг “Динозавр” романию “Булут тўстан ой” ҳикоялари янги давр руҳини, дунёқарашимиздаги ўзгаришлар жараёнини акс эттирадиган ўзига хос асарлар саналади. Назар Эшонқулнинг “Қора китоб”, Шодикул Ҳамронинг “Қора кун” қиссалари эса ўзбек адабиётида тамоман янги йўналишдаги асарлар яратила бошлангани билдиради.

Албатта, ҳар бир соҳада бўлгани каби адабиётдаги янгиланиш ҳам аввало ёш авлоднинг изланиш, интилишида кўринади. Зебо Мирзаева, Салим Ашур, Фахриёр асарлари бугунги ўзбек шеърлятидаги ўзгаришлардан далолат берса, Тўхтамурод Рустамовнинг “Капалаклар ўйини” романи, Исажон Султон ҳикоялари ўзбек насри ҳаёт ҳодисалари ва инсон дунёсини кўрсатишда илгари кузатилмаган янги йўлга кирганини билдириб туради. Ёш ижодкорларнинг шеър, дoston, ҳикоя, қисса, романлари билан аввалги даврларда яратилган асарлар қиёсланганда ҳам улар ўртасида жиддий тафовут борлиги сезилади. Ўтмиш замонларда битилган аксарият шеър, дoston, романлар ҳар қанча гўзал, жозибали бўлмасин, улар эндиликда бироз китобийдай таассурот қолдиради. Бу таассурот аввало уларда қаламга олинган воқеалар, муносабатлар бизнинг мавжуд турмушимиздан анча узоқлиги туфайли туғилади. Фарҳод-Ширин, Лайли-Мажнунлар ҳаёл одамлари бўлиб туюлади. Мавжуд ҳаётнинг ўзини, ундаги одамларни аниқ-тиниқ кўриш эса ҳар бир давр кишиси учун мароқли бўлади. Ҳозирги ёш ижодкорлар бугунги ҳаётимизни, замондошларимизнинг кундалик турмуш тарзини, фикр-ўйини, савия-саҳиясини кўрсатишга интилиши билан ажралиб туришади. Исмоил Шомуродовнинг “Байроқ” қиссасидаги мана бу ўринларда ҳаётимиздаги одатдаги манзара кўрсатилган деса бўлади: “*Балкон ичкараси ҳали айтилганидек, алламбалолар билан тўлдириб ташланган: бир чеккада чўлнинг селитрадан шишиб кетган тўрт қовуни ва беш тарвузи думалаб ётибди. Ўртада ярми йиғиштирилган, ярми ёйилиб ётган шолча.. Унинг ёзиб қўйилган, алақачон бир чеккаси чирий бошлаган қисмининг устида 6-7 кило олма тўкиб*

ташланган, уларни йиғитларимиз машинада қўшни тумандан нон олиб келишайтган пайтда, фойдали иш коэффициентини ошириш мақсадида, йўл устидаги хўжалик олмазоридан ўғирлаб келишган, аммо ҳеч ким шу пайтга қадар уни татиб ҳам кўрмаган, унутиб юборишган, холос. Қолаверса, уларни шу ҳолда ётишини кўрган кишининг иштаҳаси қайтади ва бир умр олманинг отини ҳам тутмайди. Бир бурчакда яна бир фойдали иш коэффициентининг натижаси ўлароқ анча-мунча ярми хом, ярми сасиган, ярми энди қизариб пишиб келаётган помидорлар сочилиб ётарди” (“Ёшлик” журнали, 2000 йил, 3-сон. 14-бет). Албатта, бу Қодирий ёки Қаҳҳор асарларидаги каби санъаткорона тасвир эмас. Бироқ “Байроқ” каби асарларда мавжуд ҳаётимиз манзараси, шу бугунги одамларимиз маданий-маънавий қиёфаси, ўзаро муносабатлари ошқора кўрсатилган, деса бўлади.

“Байроқ” сингари асарлар мавжуд ҳодисаларни ўз ҳолида маълум қилиши билан ўзига хослик касб этса, Исажон Султон, Тўхтамурод Рустамов каби ёш ижодкорларнинг асарлари инсон ички дунёсини бадиий тадқиқ этиши билан эътиборни тортади. Исажон Султоннинг “Todd” ҳикояси инсон умри мазмуни ҳақида ўйлантириши билан адабиётимизда шу йўналишда яратилган энг баркамол ҳикоялар (масалан, Х. Султоннинг “Умр эса ўтмоқда”си)га ҳамоҳанглик сезилади. Айни чоқда у янги сюжет, мулоҳаза-хулосаларининг салмоқчилиги билан ўзига хослик ҳам касб этади. Асирларни ҳар куни қирқ чақирим жойга югуртириб, ишга олиб борадиган шафқатсиз немис зобити Тодд уларга: “*Сенлар мени ёмон кўрасанлар, билман. Аммо ҳаёт мендан кўра бешафқатроқ, сенларнинг бу югуришингдан кўра миллион марта мураккаброқ. У сенга марра қайдалигини айтмайди, қай тарафга қараб йўналишни, қанча чақирим югуришинг кераклигини кўрсатмайди, дам бермайди. Барини ўзинг топасан, ўзинг ҳал қиласан..*” дейди (“Ёшлик” журнали. 2000 йил. 2-сон. - 4-бет). Қирғин-барот урушдан омон қолиб, турмушнинг турфа-туман машаққатларини бошидан кечирган Мамасиддиқ пишиқ, унинг ўғли охир-оқибат ҳаёт-шафқатсиз, миллион марта мураккаб эканига ишонч ҳосил қилишади. Мамасиддиқ пишиқнинг ҳаётини, унинг ўғлининг ҳикоясини қаламга олган муаллиф ҳам “*Билдимки, ҳеч бир фалсафа ҳаёт ҳикматини изоҳлаб бера олмас экан. Чунки ҳаёт ҳамиша ҳақ ва ранг-баранг, товланувчи, фалсафа эса унинг фақатгина сояси, бошқа ҳеч нарса эмас экан*” деган хулосага келади. Инсон кечинмаларининг бундай кутилмаган тарзда гавдалантирилиши эса ҳозирги ёш ижодкорлар ҳаёт ҳодисалари ва инсон дунёсини бадиий-фалсафий тадқиқ этишда адабиётимиздаги мавжуд анъаналарни изчиллик билан давом эттираётганидан дарак беради. Шунинг ўзи ҳам адабиётимиз улғайиш арафасидаги ўзгаришлар жараёнида эканини билдиради.





КЎЗМУНЧОҚ, КЎЗИДАН ДУНЁГА БОҚДИМ

ЯККА ФАРИШТА

Қарайман, юзингиз анжирнинг гули,
Киприклар ичида тузки юз рангда.
Хаёлга ботасиз тумандай оғир,
Сиз меҳрдан тўймаган банд.
Қушларнинг шохини узиб қўйгану,
Туғдай пир бекафан кетгандай ҳаёт.
Бир ширин уйқу йўқ, Сизга азизим,
Киприкка асалдан битмаган қанот.
Деворлар ковушин артиб қўясиз,
Қуюнлар уруғи кафтингизда тўқ...
Дарахтлар япроғин ҳар баҳор санаб.
Кўрдингиз ҳисобда олтин япроқ йўқ.
Шамолнинг думини кимдир уздими,
Ё отнинг ёлига осилди жийда.
Ё мингта қаландар зикр тушдими,
Сиз ётган уйнинг эшиги қайда?
Исода қўшнаш йўқ чалай десангиз,
Хинанинг гулидан туясиз талқон.
Юзингиз жаннату, лабнинг изи йўқ!
Айтингиз, мен Сизни ўпаман қачон.

* * *

Тошбитикли пешонанг қаттиқ,
Тошбитикли пешонам йиртиқ,
Биз худонинг лутфини пойлаб,
Минг дайдига бир ёқа тикдик.
Кунлар ўша. Фатволар ўша,
Бир қумғонда қуюн қайнайди.
Қизил олма ичида сароб...
Кўр қаландар кашкўлида, маст,
Мени пойлаб ёғ босар азоб.
Мурч гулига дардингни айтдинг,
Исриқни миниб бор, бозор.
Буғдой гулин рангини эслаб,
Тушларингда менда йўқ йиғиб,
Жуфт киприкнинг қонидан маржон.
Олиб кел — чи деган пайғамбар,
Фол очолмай, қайнатди қозон.
Сиз тугмангиз кўзини артиб,
Намозда ўқидим такбир.
“Нима қилдик тилни оғритиб
Тақдирчининг дафтари ғалвир...
Кунлар ўша, фатволар ўша”.

МУҲАББАТ

Сенинг сабогиндан гул ҳиди келар,
Сенинг сабогинда қор ранги бир хил.
Ажриқ гулларининг бандида ухлар,
Машраб туздонидан туз ичган кўнгил.
Юрак оққушларнинг патида ухлаб,
Тоғда чақмоқ билан қилганида жанг.
Дарахт санаб юрган қишлоқи каби,
Ишком бандларида туғилди оҳанг.
Қўшиқ тинглаб — тинглаб, қайнади қудуқ,
Барқут булут миниб бир бурқи сармаст.
Анор шарбатидан шовла пишириб,
Қизиган бошларни қилади аласт.

* * *

Туйинган юракни туйдилар,
Элақдан ўтказди фаришта.
Бир томчи ёмғирга айландим,
Кимлигим билинди бир пасда.
Тузланган балиқнинг кўзиди,
Ухлаган денгиздай бир сапчиб!!!
Кўр қирғоқ кўзига мурч сешиб,
Кийиндим “Валфажир” сурасин айтиб.
Бошимда қуёшнинг гуллари,
Юракда — муҳаббат, муҳаббат.
Ортимда чиринган занжиру,
Ўнгда тик камон қилар итоат.
Шафтоли гулидан чучвара тутиб,
Ютаяпман, тушимга киринг ҳар кеча.
Шусиз ҳам ҳолимга йиғлайди,
Елкамда ўтирган фаришта.

УЙҚУ...

Ёмғирни санадим, адашдим,
Ловия гуллари кўзойнак.
Чорбоғлар куртагин тафтани,
Ўқидим: “Бу олам гулга фарқ”.
Туянинг кўзидан сурмадон,
Сўрадим бўзлади бўталоқ.
Майсалар май бўлди, қирлар таробех,
Билмадим, бу қандай фироқ.
Қуюнлар бўғизга тош тикди,
Гунг шамол ёғини еди жим.
Тушингиз дарчаси ёпилди,
Мен Сизни кўрмайин йиғладим.

* * *

Мен излаб чарчадим, қани ўша бахт,
 Бу оддий ёғочку, шоҳлар кутган тахт.
 Саждам — чун келтирган Бухорий дарахт,
 Елкамда ўтирган фаришта.
 Бор, чақир эртага келади ёмғир.
 Эшик оч, мингта шайх менга мунтазир.
 Улар — ку бир салла, биз илоҳий сир —
 Елкамда ўтирган фаришта.
 Тож дейсан, бу ахир, сувялпизбоши.
 Сут дейсан, қарагин қақнус кўз ёши.
 Нур дейсан, шундай оши,
 Елкамда ўтиргин фаришта.
 Юр қишлоқ, кетамиз, пишади ўрик.
 Тош битик ризқ бўлур,
 Тасбеҳки ёстиқ,
 Елкамда ўтирган фаришта.
 Кел менга ясачи сўради мунчоқ,
 Бир тақиб чиқайми қуёш ботган чоқ.
 Кундуз кун чиққандай кўр бўлсин чироқ.
 Елкамда ўтирган фаришта.
 Тарновга буюрдим, сузиб келсин май.
 Шеърмайдан маст бўлсин Ҳотам Той
 Ловия гулига шивирлаб айтай
 “Елкамда ўтирган фариштам”.

* * *

Бу мавҳум дунёда бир жўмбоғ ўзим,
 Қазо соатимни бир худо билар.
 Гунглар даврасида сукутдан тўйдим,
 Менинг руҳлар билан сўйлагим келар.
 Қушлар бўғизи тор — у найларки ботил,
 Бугун кўксим вулқон — эртага сўнар.
 Оллоҳки дийдорингни сутда яширгин,
 Уни пирлар билан излагим келар.
 Тоат торларининг тутуни куйди,
 Новда рўпарамда болалаб турар.
 Музлар шарбатидан озурда бу жон,
 Энди гуллар билан ўйнагим келар.

СОҒИНЧ

Имомим Бухоро бағрида:
 Гужумлар гуллайди, буғдой ўқир шеър.
 Минора осмонга бўлади тиргак,
 Зарафшон зарранинг баҳоси — ку йўқ.
 Барибир Сизни қўмсаб йиғлайди юрак.
 Имомим Бухоро бағрида:
 Шолилар бўғзида дарёлар ухлар,
 Минг оҳанг туғилар қамишни қучсак,
 Кўприклар лашкарин белидан тутиб,
 Сизни қўмсаб — қўмсаб йиғлайди юрак.
 Имомим Нидо келди.
 “Бухоро бағрида Тарози палласи кўқдан туғилар
 Нолангни олтиндан қилсанг — да юрак,
 Бу тақдир, бу қисмат...”
 Барибир — да барибир,
 Бухорода туғилиб,
 Бухоро тупроғида ётмоқ ҳам керак!

ЙЎҚ, СИЗНИ...

Осмонни қаричлаб ўлчаса бўлур.
 Бир буғдой ҳукмидан минг омбор тўлур.
 Ҳотам Той изидан қибла кўринур.
 Лек Сизни ҳеч кимга бериб бўлмайди.
 Кўзмунчоқ кўзидан дунёга боқдим,
 Бир қултум сут ютиб музни уйғотдим.
 Қўлимга Худодай ёпишди елим,
 Йўқ, Сизни ҳеч кимга бериб бўлмайди.
 Дунё ғамдонида бир банди ўзим,
 Мен қачон йиғласам қўшнаё қолар жим.
 Нидо бер азонга сўз қўшиб айтдим,
 Йўқ, Сизни ҳеч кимга бериб бўлмайди.
 Туғлар сўровиким мени ёқдилар,
 Чап кўксим тутуни бирам муаттар.
 Тутундан сас чиқиб кўкни титратар:
 “Йўқ, Сизни ҳеч кимга бериб бўлмайди”.





КАРОМАТ

Тарихий ҳикоя

— Мавлоно! То — мирларингизда икки соҳибқирон қони оқмоқда. Наҳот, бу қон вужудингизда туғён урмаса? — деди Салимбек мингбоши.

Мавлоно Фахриддин пиёлага чой қуйиб ўйчан ни — гоҳини дастурхонга тикканча ўтирган отасига уза — тар экан:

— Соҳибқиронлар авлодидан шуҳрати соҳибқиронларникидан кам бўлмаган алломалар ҳам чиққан — ку, — деди табассум билан.

Фахриддиннинг илжайиши кўнглига ўтиришмаган тоғаси Насриддинбек жаҳл билан деди:

— Мавлоно! Бу кун омад фусункор кўзларини алломага эмас, ғайрат шижоати жўш урган чапани — табиат йигитга сузадирган, ой мисол оқ юзини оддий фуқарога эмас, насл — насабли, тож — тахт даъвогарига бурадиган кун. Фурсатни бой бермаслик керак.

Орага жимлик чўқди. Хонадондагилар нигоҳининг ўзига қадалганини ҳис қилган Фахриддин мадад сўрагандек мулла Муҳаммад Сиддиқ охундга термулиб шикаста овозда:

— Менда ҳукмдорликка на ҳою ҳавас, на иқтидор бор, — деди.

Мулла Муҳаммад Сиддиқ охунд Фахриддиннинг пишиқ гавдасига, кенг пешонаси, яноқлари бўртган юзига кўркамлиқ бахш этиб турган оқ — қора соқолига тикилганча қироатта мослашган овозда деди:

— Ўзингизни кўп ҳам камситаверманг мавлоно, юлдуз тўла осмон сирларини китоб каби ўқийдирган алломага осмоннинг кафтдек қисмига жо бўладирган мамлакат ташвишини гарданига олиш кўп ҳам оғирлик қилмас.

Мавлоно Фахриддиннинг онасиники сингари кў — кимтир кўзларига мунг чўқди.

— Мирзо Улуғбек фожиаси бутун бир мамлакат эмас, бир ўғил кўнглининг ҳам осмон сирларидан мураккаблигига далил эмасми? — деди бўғиқ овозда.

Хонага яна жимлик чўқди. Бу сафар узоқ чўзилган жимликни муаззиннинг азони бузди. Хонадагилар пешин намозига қўзғалдилар...

* * *

Бухоро тахтини аштархонийлардан тортиб олишда янги — мангитлар сулоласининг асосчиси Ҳакимбий ибн Худоёрхон оталиқ ўзининг ўта тадбиркорлигини намойиш этса — да, унинг авлодлари ҳукм —

дорлик бобида оталиқ каби тадбиркор бўла олмадилар.

Аштархонийларнинг сўнгги хони Абулфайзхон — нинг ўғли Абдумўмин номидан ҳукмдорлик қилган Ҳакимбий оталиқнинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий ҳам, унинг вафотидан кейин невараси Фозил тўрани хон деб эълон қилиб ҳукмдорлик қилган Дониёлбий ҳам Бухоро хонлигининг аввали куч — қудратини тиклай олмади. Раиятнинг норозилиги, шаҳар ва қишлоқлардаги тўхтовсиз ғалаёнлар туфайли Дониёлбий ҳукмдорлик жоловини қўлдан чиқарди. Буни сезган ҳоким ва беклар вилоятларни хонликдан ажратиб олиб, ўз — ўзича бошқариш пайига тушдилар.

Ҳижрий 1198 — мелодий 1784 йил. Мана, бир йилдан ошдики, Бухоро амири томонидан қўйилган ноиб ва амалдорлардан жафо чеккан Тошқанд халқи уларни ҳайдаб юбориб, маҳалла оқсоқоллари бошчилигида ўз ҳолича яшаб келади.

Тошқанд ва унинг атрофидаги шаҳар — қишлоқ аҳолиси нуфузли беклардан ҳоким сайламоқчи бўлади, аммо ҳокимликка даъвогарлар кўп бўлса — да, ҳозирча барча тан оладиган обрўлироғи топилгани йўқ.

Авлод — аждодлари Тошқанд, Сайрам, Туркистоннинг нуфузли бекларидан бўлган Султон Алибекнинг ўғли, мадраса мударриси мавлоно Фахриддин шаҳарнинг тўрт даҳа улуғлари томонидан бу лавозимга муносиб кўрилса — да, у ҳокимликка розилик бермаётир. Бу кун унинг қариндош — уруғ, яқинлари Султон Алибекникига мавлонони кўндириш умидида йиғилганлар.

Фахриддин оёқ оғриғи туфайли масжидга чиқа олмайдиган, ўзига ҳарф танитиб саводини чиқарган устози, мулла Муҳаммад Сиддиқ охундга шерик бўлиб уйда қолди.

Намоздан сўнг оёғини пўстин барига ўраган охунд:

— Мавлоно! Тўғриси сўзланг, саркашлигингизнинг боиси не? — деб сўради.

Фахриддин охунднинг ҳамдардлик билан боқсада, албатта жавоб талаб қилаётган сокин кўзларига қарар экан, ҳазил билан устозидин қутула олмаслигини англаб деди:

— Масжидга чиққанлар кечроқ келишади. Сан — далга чўғ солдириб қўйиб эдим. Менинг ҳужрамга чиқсак.

Муҳаммад Сиддиқ охунд Фахриддинга разм солди. Ёшлигидан ўз фикрини айтишга шошимайдиган шогирдининг ниҳоят ёрилишга аҳд қилганини англаб ўрнидан турди. Бутун ҳовлини қоплаган баланд,

яланғоч ишқомдан икки газча паст узун айвон буй — лаб бориб, икки табақали, ўйма нақшли эшиқдан мавлононинг ҳужрасига кирдилар. Устига қалин бахмал кўрпа ёпилган сандалнинг икки томонига ўтирдилар.

Фотиҳадан сўнг Фахриддин охунднинг орқасига ва ёнбошига юмшоқ болишлардан қўйиб сандал чўғ — хонасидан чойдишни олиб, пиёлага чой қўйиб узат — ди.

Сандал ичига оёғини чўзган охунд иссиқ чойни тез — тез ҳўплаб ичгач, роҳатланиб кўзларини юм — ганча ёнбошлади. Нақшланган кунгирадор тоқчаларга дид билан терилган уй анжомлари, юпқа — қалин китобларга, камалак рангидаги арақи шифтга кўз югуртди.

Фахриддин тоқчадан шойи қийиқчага ўралган китоб ва қоғозларни олиб сандал устига ёйди.

Охунд сал қаддини ростлаб китобга разм солди. Мирзо Улуғбекнинг "Зижи жадиди Кўрагоний"и. Савол назари билан Фахриддинга тикилди. Ниҳо — ятда хомуш тортган мавлоно китобнинг охирини очиб охундга узатди. Жуда авайлаб тутилганидан варақ — лари сарғайиб кетган бўлсада, ёзув ва шакллари яхши сақланган бетда катта — кичик юлдузлар тўла осмон — нинг бир қисми чизилган бўлиб, пастида бир қанча узундан — узун рақамлар келтирилган. Рақамлар ос — тида эса: "Бахт ёки бахтсизлик? Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар "омин" дерлар. Охири ба — хайр бўлсин" деган жумла ёзилган.

— Мирзо Улуғбек ўғли Абдулатифга қўшин тор — тишдан олдин мана шу китобнинг сўнгги варағида Мирзо Абдулазизнинг толиғномасини ҳисоблаган...

Мулла Муҳаммад Сиддиқ охунд қаддини тиклаб: — Хўш — хўш? — деди.

Унга яна чой қўйиб узатган Фахриддин гапини давом эттирди:

— Мирзо Улуғбек илми нужумнинг барча наму — дорларида¹ Мирзо Абдулазизнинг толиғномасини ҳисоблаган. Ҳисобларнинг ҳаммаси ҳам тасйири да — лил² ўқининг "кесувчилар"³ буржиги тушганини ан — глатгани учун у ғоятда ташвишланган. Бу воқеа са — фар арафасида бўлгани учун Мирзо Улуғбек бошида тақдир қиличи ялтирган фарзандини Самарқандда қолдирган. Аммо бу чора Абдулазиз тақдирини ўз — гартира олмади.

— Сизнинг фикрингизча... — деб гапининг қол — ганини овоз чиқариб айтишгада журъат этмай Му — ҳаммад Сиддиқ охунд Фахриддинга тикилди.

— Ҳа, — деди Фахриддин. — Оллои таолонинг марҳамати билан Моварауннаҳрдай улуғ юртнинг адолат тарозиси соҳиби бўлмиш Мирзо Улуғбек ба — дахлоқ ўғлига нисбатан қатъий чора кўриш ўрнига унга насиҳат қилиб, яратгандан инсоф тилашдан нари ўтмагани тангри газабини кўзгатиб, ўзининг да — локатига сабаб бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. Илло, қозининг хатоси бир ёки бир неча киши тақдирига таъсир этса, ҳукмдорнинг хатоси бутун юртни хароб этгусидир.

Фахриддинга бир оз тин бериш мақсадида сукут сақлаган охунд яна савол берди:

— Мирзо Абдулазиз ёшлигида қандай тарбия — ланган?

— Бобосининг буйруғига биноан Сароймулкхо — ним назорати остида тарбияланган Улуғбек ўғли Аб — дулатифнинг онаси Гавҳаршодбегим тарбиясига олиб кетилишини одатдаги ҳол деб қабул қилган бўлса — да, туғилганидан оқ соғлиғи ночорроқ бўлган Абду — лазизнинг Хиротга олиб кетилишига қаршилик қил — ган. Илм ва давлат ишлари билан банд бўлган Улуғ — бек Абдулазиз тарбиясига бошда вақт ажрата ол — маган бўлса — да, у вояга ета бошлагач, Мирзо билан жиддий шугулланган. Аммо афсуски, бу вақтда бу — тун сарой аҳлининг эркасига айланган Абдулазиз табиатига баъзи қусурлар сингиб улгурган эди...

— Назоратсиз қолган кезларда бу қусурлар ўз — ларини тўла намоён қилганлар, — деди бошини аф — сус маъносида сарак — сарак қилган охунд.

Фахриддин тахмондаги сандиқ устидан кўрпа — ларни олиб гилам устига қўйди. Сандиқни очиб, бир нечта катта — кичик тугун, китобларни олиб қўйгач, сандиқ тубидан шоҳига ўралган китоб олди. Ўқиладан — верганидан варақлари ҳилвираб кетган китобни очди.

— Маълумки, шаҳзодаларнинг оила қуришлари асосига ҳам давлат манфаатлари қўйилган. Мова — роуннаҳр дахлсизлиги учун Мўғулистон хони Увай — схон билан кураш — охир — оқибатда икки рақиб — нинг қуда тутиниши, яъни Мирзо Улуғбекнинг мў — гул маликаси Давлатхонимни ўғли Абдулазизга олиб бериши билан якунланган. Бу китоб Давлатхоним томонидан унинг кўрган — кечирганлари, эшитган — лари асосида ёзилган бўлиб, ярми табобатга бағиш — ланган. Мўғулистон кенгликларидаги озода оху каби эркин ўсган Давлатхоним эрка шаҳзоданинг инжиқ — ликларию, сарой ҳаётига кўника олмай кўп азоб че — кади. Вақт ўтиши билан бу ҳаётга кўникиб, энагаси Ю — Жаинг таъсири туфайли эрини саломатлигини тиклаш билан шугулланган. Мўгул, хитой, турк та — библарининг тавсиялари асосида муолажа қилиб, руҳияти турғун бўлмаган шаҳзодани даволашга де — ярли муваффақ ҳам бўлган.

— Нега энди деярли?

— Муолажани охирига етказиш учун парҳез ло — зим бўлган. Таъқиқларга одатланмаган Абдулазиз парҳезга риоя қилмай шароб ва маишатга ружу қўяди. Оқибатда муолажа ўз кучини йўқотган. Давлатхо — ним эса кўп йиллар қилган меҳнати эвазига Руқия бегим исми қизга эга бўлади. Бизнинг бобокалон — ларимиздан бўлмиш Султон Содиқ Олачохон ўғли Абдулазизнинг қизи Руқиябегимга уйланган.

— Султон Содиқ авлодидан хон чиққанми?

— Йўқ.

— Нега?

— Бунинг сабаби ҳам шу китобда ёзилган, — деб Фахриддин китобнинг ўртарағини очиб ўқий бош — лади.

"... — Ҳоқони саъид¹ вафотига бағишлаб ўтка — зилган маърақада кўзикканми, кенжа ҳазрат ойм — нинг² тоби қочиб қолди. Ҳазрат падаримизнинг³ топ — шириғига биноан мен узлуксиз ёнларида бўлдим.

Падари бузрук кунда хабар олиб турдилар. Ора —

1. намунадор — илми нужумдаги толиғни аниқлаш усули. (астроло — гик тушунча).

2. тасйири далил — далил дирекцияси (астрономик тушунча)

3. "кесувчилар" — наҳс юлдузлар. Қадимда мунажжимлар турғун юлдузларни бахтли ва наҳс (бахтсиз)га ажратганлар.

1. Ҳоқони саъид — Мирзо Улуғбекнинг отаси — Шоҳруҳ Мирзо.

2. Кенжа ҳазрат ойм — отасининг вафотидан олдин Улуғбек уй — ланган қиз.

3. Ҳазрат падаримиз — бу ерда Мирзо Улуғбек назарга тутилган.

4. Мирзо — бу ерда сўз Мирзо Абдулазиз ҳақида бормоқда.



дан бир ҳафта ўтиб кенжа ҳазрат ойим соғайганла — рида ҳазрат падаримиз келдилар. Ҳол — аҳвол сўра — гач, Мирзодан¹ сўз очдилар:

— Кейинги пайтларда яна ранги ўчиброқ юриб — дими?

Мен Мирзонинг парҳезга риоя қилмаётганидан шикоят қилдим.

— Нодон — да, нодон. Ўзининг қадрини — да, ўз — ганинг қадринида билмайди. Сизнинг меҳнатингизни Мирзо қадрламасада биз кўп қадрлаймиз. Не ти — лакларингиз бор?

Мен нима дейишга ҳайрон эдим.

— Ҳукмдорнинг амри вожиб. Тиланг тилагин — гизни, — деб қайта такрорладилар ҳазрат падари — миз.

Мен бир зум ўйланиб тургач, ўзимни кўп таш — вишга солаётган Мирзо тақдирини сўрашга жазм этдим.

— Биламан, ҳазратим! Сиз на ўзингизнинг, на ўзгаларнинг тақдир пардасидан мўралашни ёқтир — майсиз. Шундай бўлсада, ҳазратим, мен Мирзо тақ — дирдан ташвишдаман. Мен учун, ёлғиз қизим учун Мирзо тақдирининг нечоғли муҳимлиги сизга аён. Менга Мирзо тақдирдан хабар берсангиз.

Ҳазрат бир зум ўйланиб тургач, "хўп" деб қалам — ҳоғоз олиб алланималарни ёзиб — чизишга тушиб кетди. Ҳазрат ёзишга берилиб кетгач, мен кенжа ҳазрат ойим билан хайрлашиб Чиннихонадан ша — ҳарга, Кўксаройга қайтдим.

Бир ҳафтадан кейин кенжа ҳазрат ойимнинг ка — низи келиб тушликка таклиф қилинганлигим хаба — рини айтди.

Кенжа ҳазрат ойим билан тушлик қилиб бўлга — нимизда ҳазрати бузруквор кириб келдилар. Са — ломлашиб, ҳол — аҳвол сўрашгач, қўлларидаги ки — тобни очдилар.

"Зижи жадиди Кўрагоний"нинг сўнгги саҳифа — сига чизилган осмон шаклини кўрсатиб дедилар:

— Мирзонинг келгуси ҳаётига катта хавф таҳдид солмоқда. Унинг юлдузи бахтли уйдан¹ тобора узоқ — лашиб борадир.

Мен Мирзонинг ҳаётига касаллик хавф солаёт — гандир деган ўйда:

— Мирзога тайинлайсизми, муолажани қайтадан бошласак, — дедим.

Ўйга толган ҳазрати бузрук менинг гапимни эшитмадиларми:

— Мирзонинг касофати унинг барча яқинларига ҳам ургусидир. Ўғилдир, қиздир, Мирзо авлодидан хон чиқмайди. Кимиси хонликка даъво қилса, бу йўлда ажалга учрагусидир, — дедилар..."

Фахриддин ўқишдан тўхтаб Муҳаммад Сиддиқ охундга: "Бунга нима дейсиз?" деган маънода тикилди.

— Ахир сиз Мирзо Абдулазиз эмас, Султон Сид — диқ Олчакон ўғли авлоди саналасиз — ку? — деди охунд.

— Мен ҳам шундай деб ўйлар эдим, аммо аж — додларимиз тарихини ўрганишим бошқача хулосага келишимга, Мирзо Улугбекнинг "...Ўғилдир, қиздир, Мирзо авлодидан хон чиқмайди. Кимиси хонликка даъво қилса бу йўлда ажалга учрагусидир" сўзла — рини тўғри англашимга сабаб бўлди.

1. Бахтли уй — киши толеъининг бахтли ёки бахтсизлигига қараб ўнинчи ёки тўртинчи уй бахтли ёки бахтсиз уй дейилган.

— Хўш — хўш? — деди сабрсизлик билан охунд.
— Аждодларимиздан ўндан ортиги хонлик тах — тига ўтириш арафасида фожиали халок бўлган.

— Ажаб, ажаб, — деди Муҳаммад Сиддиқ охунд соқолини силаб.

— Шунга қарамай, мана бир неча йилдирки, илми нужумни ўрганаман. Биров учун эмас, ўзим учун, оиламиз, авлодларимиз учун. Қайси намудорда қисобламайин, бизнинг тақдиримизни белгиловчи юлдуз хайрли бурждан узоқлашса узоқлашадими, яқинлашмайди. Бу ҳолни кўра била туриб тож — тахтга интилиш фожиагагина олиб келади.

— Мирзо Улугбек замонидан буён қанча авлод ўтди?

— Йигирмага яқин.

Охунд қат — қат ажин босган пешонасини ти — риштирганча:

— Наҳотки аждодларимиз қилган гуноҳ илдири асрлар оша бизгача етиб келса, — деди.

Бир оз муддат ўтгач, ўзига — ўзи сўзлагандек:

— Ёмонликнинг илдири узун бўлади деганлари шумикан? — деди.

Фахриддин сандал устидаги қоғоз — китобларни йиғиштира бошлади.

Охунд сочилган фикрларини жамлаб Фахрид — диндан сўради:

— Хавф фақат сизга таҳдид соладирми?

— Оиламизнинг барча аъзоларига. Ҳатто қизим Давлатбахт тақдирини белгиловчи юлдуз ҳам хира пардага чулғанганча бахтсиз уй томонга силжимоқ — да.

— Бу ҳақда падарингизга сўзладингизми?

— Ҳа, кеча оқшом сўзлашиб эдик.

— Нима дедилар?

— Сукут сақламоқдалар.

Элбек қозикалон келиб уларнинг суҳбати бўли — ниб қолди.

* * *

Бу вақтда Шайхонтохур даҳа масжидида пешин намозидан кейин имом Саид Валихўжа маҳдум йи — гилганларга мурожаат қилмоқда эди.

— Ҳурматли жамоа! Бухорода ақлли, адолатли киши ҳукмдорлик қилмас экан, мамлакатда тинчлик, фаровонлик бўлмайди. Мана бир йилдан ортдики, турли — туман солиқлардан жафо чеккан Тошқанд халқи амир Дониёлбий ноибини Тошқанддан қувиб юборди. Маҳалла оқсоқоллари, понсодбошиларнинг саъи ҳаракати туфайли шаҳарда бир қадар осой — ишталик сақланиб турибди.

Бу осойишталикнинг омонатлигини ҳаммамиз ҳам сезиб турибмиз. Уруғлар орасида низо чиқса — чи? Маҳаллада, даҳалар орасида бўлиб турадиган ер, сув можаролари юз берса — чи?

Бир вақтлар биз каби Бухоро хонлигининг бир бўлаги бўлиб, аштархонийлар сулоласининг инқи — рози туфайли ўз хонликларини барпо этган кўқон — ликлар бу кун Хўжанд, Ўратепа устига қўшин тор — тадилар. Бириси куни улар бизнинг устимизга юриш қилмаслигига ким кафолат бера олади?

Мана, шу мулоҳазаларга кўра биз Шайхонтохур даҳа оқсоқоллари шаҳар аҳлининг бошини бирик — тириб, бу кунги мустақиллигимизни сақлаб қола ола — диган, тинч қаётимизни таъминлайдиган, бизга кўз

олайтирганларнинг тажаввузига қарши шаҳар му- дофаасини ташкил этиб, имкон бўлганда уларни ян- чиб ташлашга халқни отлантира оладиган киши шаҳ- римиз ҳоқими бўлсин деймиз.

Биз Султон Алибек сиймосида шундай кишини кўриб турибмиз.

Аҳли жамоа! Насли насаби улуғ соқибқиронлар Чингизхон, Амир Темурлардан бўлмиш Султон Алибек аждодларининг Тошканд учун қилган хизматларини ота – боболаримиз ҳамон гапиришади. Кўпчилиги – миз бир қисмини кўрганмиз ҳам. Султон Алибек аждодларининг кўллари Тошканд ҳимоясида ша- ҳид бўлганлар. Хоклари аждодларимиз хоки бўл- миш Шайх Хованд Тоҳур қабристонни тупроғига қўшилиб кетган. Руҳлари эса аждодларимиз руҳла- ри билан бирга бу кун – иншоолло, бизнинг хайрли ишимизга кушойиш тилайдирлар.

Биз Шайхонтоҳур даҳасининг илму дин, ҳунар аҳли Султон Алибекдан шаҳар ҳокимлигини ўз ил- кига олишини сўраймиз!

Одамлар орасидан "сўраймиз, сўраймиз" деган овозлар янгради.

Сўзга чиққан Кўкча, Себзор, Бешёғоч даҳа ва – киллари уларда ҳам шаҳар ҳокимлигига муносиб номзодлар бўлсалар – да, ақли – заковати, ғайрат – шижоати, жасорати бутун шаҳар аҳлига маълум ва машҳур Султон Алибекнинг шаҳар ҳоқими бўли- шига рози эканликларини изҳор этдилар.

Тошканднинг машҳур шайхи Шайх Хованд То – ҳур авлодларидан бўлмиш Мақсудхўжа эшон сўз олди:

– Бисмиллоҳир Раҳманир Роҳийм! Аҳли жамоа! Менинг фикри ожизимча, бўлажак Тошканд ҳоқими қисқа вақтда шаҳар атрофидаги қишлоқ ва овул- ларни ҳам ўз тасарруфига олмоғи лозим. Тўғри си- ёсат юритилса, Тошканд вақти соати билан серўт Чимканд, Сайрам, Туркистон атрофидаги яйловларда истиқомат қилувчи мусулмон – қозоқ биродарлари – мизнида бирлаштирган – Тошканд хонлигида ай- ланса ажаб эмас. Шу мулоҳазаларга кўра, шу он, шу дақиқалардан бошлаб қиладирган ишимизни, боса- дирган қадамимизни буюк мақсадларга мувофиқ қўймоғимиз лозим.

Уч кундан сўнг бу атрофдаги энг эътиборли қозоқ бийи Жонузоқбий неварасига тўй беради. Сайла – надиган Тошканд ҳокимини бу тўйга ташриф бую – радиган қозоқ, ўзбек бийларининг, овул, қишлоқ оқсоқолларининг назариданда ўтказиб олсак, бўла – жак ҳокимнинг келгусида қилиши лозим бўлган иш- ларини ҳийла енгиллаштирган бўлармидик дейман.

Йиғинда иштирок этганларнинг барчасига Мақ – судхўжа эшоннинг таклифи маъқул тушиб, ҳоким – нинг номи Жонузоқбийнинг неvara тўйидан сўнг юртга маълум қилинадиган бўлди.

Ўша куни ҳаммадан олдин уйга шошилган На – сридинбек кела солиб:

– Бек оғам норасмий бўлсада, ҳамма томонидан эътироф этилган Тошканд ҳокимига айланди, – деди.

Бу хабардан Фахриддиннинг ташвишланганли – гини отаси елкасига тушадиган ҳокимлик масъу – лиятига йўйишган Салимбек мингбоши, Абдурах – монбек, Элбек қозикалон ва бошқалар қилинажак ишлар хусусида гаплашиб ўтиришиб, тун ярмидан ўтганда тарқалдилар.

Кейинги куни ишлар юришиб кетди. Шайхон – тахурликлар ҳоким саройининг таъмирлаш ишла – рини бошлаб юборганликларини айтишиб, Султон Алибекни олиб кетдилар.

Султон Алибек кун бўйи саройда бўлиб, кечки пайт уйга кўтаринки кайфиятда қайтди.

Кечқурун Султон Алибекнинг Шайхонтоҳурга ташрифидан хабар топган Кўкча, Себзор, даҳа ва – киллари эрталаб унинг ҳузурига келдилар. Масла – ҳатлашиб, нонуштадан сўнг Султон Алибек Шай – ҳонтоҳур орқали Чигагой дарвозага борадиган бўлди.

* * *

Чошгоҳга яқин Тошканднинг Чигагой дарвоза – сидан икки меш қимиз ортилган эшакни ҳайдаб ориқ, қотмадан келган чувак юзли, сийрак соқол – мўй – ловли киши кириб келди.

Дарвоза ёнида тўпланиб турганлардан ёшроғи:

– Бобо, мешлардаги нима? – деб сўради.

– Минг дардга даво – қимрон.

– Туширинг, ичайлик.

– Пул бўлса бас, ич беармон.

– Ўх – хў, бобо шоир ҳам экан – ку, – деб девор томондан бир гуруҳ кишиларни эргаштирганча ба – савлат, кўркам юзига оқ – қора соқол – мўйлови ярашган, салла ўраб, белига қилич осган киши ҳам яқинлашди.

Чол тўпланганларнинг кийимларига, кўтаринки кайфиятларига қараб:

– Бугун шаҳарда байрамми? – деб сўради.

– Тошканд мустақил бўлди. Бугун бу ерга бў – лгуси ҳоким келади. Бобо қимронингиз икки меш – гина экан, шу ерга тушираверинг, ичиб юборамиз.

Чол катта – кичик кўчалардан шу томонга кела – ётган одамларга назар ташлаб, икки йигит ёрдамида мешларини туширди.

Мешлардан бирининг оғзига боғланган ипни бў – шатар экан, сўради:

– Ким ҳоким бўлади?

– Султон Алибек.

– Ким?

– Қулогингиз оғирроқми, Бешёғочлик Султон Алибек.

Чол бўшашганча ўтириб қолди. Йигит мешнинг қимрон оқа бошлаган чала ечилган оғзини кўтариб сўради:

– Бобо, тобингиз қочдимми?

Чол тасдиқ маъносида бошини қимирлатди.

– Ундай бўлса сиз пулини олаверинг, мен қим – рон қуяй, – деб йигит ёғоч косаларга қимрон қуйиб бера бошлади.

Ичкаридан, ташқаридан келувчилар кўпайди. Пе – шин бўлиб – бўлмай қимрон тугади. Шу пайт "йўлдан қоч", "келди – келди" бўлиб, ўн беш – йигирма отлик қуршовида оқ от минган Султон Алибек кўринди.

Чол эгар устида келишган гавдасини тик тутиб ўтирган Султон Алибекка қараб овоз чиқариб деди:

– Ҳали ҳам ўша – ўша. Соч соқоли оқарган бўлсада кучдан қайтмабди.

Султон Алибекнинг уст – бошига разм солди. Чо – пон устидан жундан тўқилган енгил қора чакмон кийиб, белини қўш белбоғ билан боғлаган. Бошида симобий салла.

Чол бошидаги қаландарлар кулоҳини қўлига олиб,



ўз эгнига назар ташлаб пешонаси тиришди. Ялан – гоч баданга пахталик нимча устидан кийилган ёқаси яғир, гулхандан сачраган чўқлардан этаги илма – тешик, ҳиди анқиб турган, чала ошланган қўй терисидан укувсиз тикувчи томонидан тикилган пўстин.

Султон Алибек минган оқ отга қаради. Қиммат – баҳо эгарли – асл тулпор.

Четроққа боғланган ўз эшагига қаради. Қўтир бўйинини навниҳол қайрағочга ишқаётган, баҳорга етмай болалайдиган бўлсада, хўжайини қатори очдан ўлмастик учун овулдан шаҳарга, шаҳардан овулга юк ташишга маҳкум тўрт оёқли жонивор.

Авзойи бузилган чол мешларни тахлаб, эшак боғланган ерга борди. Устидаги хуржунга мешларни солаётган эди, ҳамон қўтирини қайрағочга ишқаётган эшак юриб кетди. Тўлиб – тошган ғазабини кимдан олишни билмай турган чол эшакнинг дўмпайган қорнига тепди...

Чол узоқ вақт атрофида уймалашаётган одамлар билан гоҳ тўхтаб, гоҳ юриб алланарсаларни қизгин муҳокама қилаётган Султон Алибекка кинали назар ташлаб турди. Одамлар ва Султон Алибек кўринмай қолгач, эшагига миниб овулига қайтди.

Чол эшакни боғлаб овулнинг олди бойи Сарсенбойнинг хизматкорлар учун тиккан ўтовлари қаторидаги ўз ўтовига кирди. Ерга ёйилган похол устидаги намиққан кигизга ўтирди. Шундагина талалаган қорни кун бўйи туз тотмаганини эслатди.

Чол иссиқ уйга қайтган Султон Алибекни, ҳали ҳам ҳусн – малоҳатини йўқотмаган ўша Суюнч бекнинг Султон Алибек истиқболига чиқиб: "Яхши бориб келдингизми бегим?" дейишини тасаввур қилди.

Чол бу манзарани тасаввур қилмаслик учун кўзларини юмди, фикрлари чалкашсин учун бошини ўтов керагаларига урди. Эшилиб – тўлғонган чол елкалари силкиниб – силкиниб йиғлади. Йиғи билан дарди аримади, ғунажак бўлиб бўрига ўхшаб увлади...

Гарамдаги янтоқдан эшакка солиб, Сарсенбой чиқарган бешбармоқнинг шўрвасини бахам кўришга чолни айтгани келган хизматкор бу ғалати увлашдан ажабланиб сўради:

– Кўке, соғмисиз?

Жавоб бўлмагач, ғужанак бўлиб етган чолнинг олдига борди.

Чол оғзидаги бор – йўқ олти тишини шиқирлатганча, хизматкорга қоронғида чақнаган кўзларини тикиб:

– Йўқол! – деди.

Келбати одамга ўхшасада, ўтовдан эшитилган увлаш, ғужанак гавдадан кўтарилган бошдаги чақноқ кўзлар, остки лаби осилган қийшиқ оғизда шиқирлаган тишлар орасидан чиққан "йўқол!" хизматкорга бўрини эслатиб, у қўланса ҳидли бу ўнгирсимон ўтовдан отилганча чиқиб кетди...

Ниҳоят, эшилиб – тўлғонишдан тўхтаган чол остидаги кигизнинг ярмини устига ёпганча: "...ўшанда иш чапасига кетмаганда ҳозир Султон Алибекнинг ўрнида мен бўлармидим", деб ўтмишдаги воқеаларни эслай бошлади...

дан тинкалари қуриган Кичик жуз қозоқларининг хони Абулхайрхон ўзларини рус тобелигига олишни сўраб 1730 йили Уфага элчилар юборди. 1732 йили Кичик жуз Россияга қўшиб олинди. Русларнинг қилич – милтиқлари зарбини тотиб кўрган жунгор – қалмиқлар энди ўз талон – тарожини Ўрта жузга қаратди. Семекехон бошлиқ Ўрта жуз қозоқлари ҳам рус ҳукуматидан паноҳ сўрашди. Кичик жуздада, Ўрта жуздада ўз бошлиқларининг қароридан норозилар, қони ва дини бошқа руслар билан бир давлат фуқароси бўлиб яшашни истамовчилар кўп эди. Улар ўз хонларига қарши чиқдилар. Шунда Абулхайрхон рус қўшинларини чақиртириб, ундайларнинг адабини беришга киришди. Оқибатда норозилик оммавий тус олиб, Абулхайрхон ўлдириди.

Руслар Ёйиқ¹, Иртиш дарёлари соҳилига истехкомлар қуриб, черковли шаҳарлар бунёд этишгач, эътиқодли мусулмонлар у ерлардан кўчиб машриққа томон силжий бошладилар. "Бу кун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса индинга русларнинг қадами бу ерларга етиб келади" дейишиб, Ўрта жуз ерларидан ўтишиб, Бухоро хонлиги худудига етдилар.

Ўшандай кўчганларнинг бир гуруҳи эрта баҳорда бекнинг рухсати билан хушҳаво Сайрам яқинига қўнди.

Узоқ – яқиндаги овул оқсоқоллари келганлардан ҳол – аҳвол сўраш, янгилеклардан хабардор бўлиш учун отлана бошлашди. Қўнганларнинг кўкиш кўзли, сугга чайилгандай оқ юзли, маллатоб майин сочли қизларининг таърифи чор атрофга ёйилди. Оқсоқолларга ҳамроҳлик қилишни истовчилар кўпайди.

Адай² уруғи бошлиғининг ёлғиз ўғли Аблай ҳам оқсоқоллар билан келди. Улуғларнинг суҳбати қизиғанда ташқарига чиқиб, овул этаги томон юрди. Кичик тепалик ёнида вужудига роҳат бахш этаётган баҳор қуёшига тобланиб турар экан, тепалик ортидан мис кўзаларда сув олиб келаётган қизлар чиқиб, Аблайдан унча узоқ бўлмаган сўқмоқдан овул томонга ўтишди.

Бири – биридан сулув қизлар ичида қизил кўйлак устидан сирма белли бахмал нимча кийган, ёзилган қалдирғоч қаноти мисол қошларга теккизиб, оқ юзнинг оқлигини янада бўрттирадиган ҳаворанг гулли рўмол ўраган сулувда бор эди.

Бодом қовоқлар остидан боққан мовий кўзларнинг бир нигоҳи Аблайнинг қалб қалъасини ихтиёрсиз забт этган бўлса, сулувнинг нималардир деб қиқирлашган қизлар қатори атайлаб қайрилиб қарагандаги иккинчи нигоҳи – забт этилган қалъага ўт қўйди.

Шу куни навқирон Аблай қизларнинг гўзаллиги бобида ўз тасаввурининг нақадар қашшоқлигини ҳис қилди. Шу куни Аблай не еб – ичганини билмади. Шу куни Аблай қай аҳволда уйга келганинида англамади...

Ўша кундан бошлаб кундан – кунга Аблайнинг тоби қочиб, ранги сомондай сарғая бошлади. Эр йигитнинг дардини билгувчи "табиб"лар Аблайнинг дардини аниқлашди. Дарднинг давосинида Аблайнинг онасига айтишди.

Ёлғиз ўғли кипригига қўнган гардни тили билан артгувчи она эрини ишга солди. Адай уруғининг бошлиғи – ота оқсоқолларни маслаҳатга чақирди.

1. Ёйиқ – Урал дарёсининг қадимги номи.

2. Адай – қозоқларнинг бир уруғи номи.

Маслаҳат пишиб, олис йўлдан озиб — тўзиб келган бовурларга холис ёрдам сифатида ўн қўй, саккиз сигир, тўрт туя олиб бориладиган бўлди.

Ориятли уруғ бошлиғи ўн қўйни оз деб яна ўнин қўшиб ҳайдатиб, саккиз бузоқни сарсон қилмайлик деб сигирларга қўшиб мўратиб, тўрт туяни бўкир — тириб, шитоб ҳайдаб, оғизларини кўпиртириб қиз овулига етдилар.

Ўтовда қимиз — қимрон ичишиб нафасларини ро — стлашгач, келишдан муддаоларини айтишди.

Кўпни кўрган қизнинг отаси:

— Худо берган қизимиз бор экан, келибсизлар. Умид билан келган шоҳда, гадода — бош устига, — деб дастурхон ёзди. Қазиларга қарта қўйди. Мартабали меҳмонларга мол сўйилди. Калла пишириб келтирилди. Суюмли таом — бешбармоқ ейилди.

Меҳмонларнинг ёши улуғи:

— Бизга не дейсиз? — деди.

Мезбон одатга кўра:

— Қизнинг кўнглини онаси билади. Онасидан сў — райлик, — деди.

Эшикка яқин ўтирган йигит бойбичани чақириб келди.

Аблайнинг отаси бошига қўш рўмол ўраб, пешонасини тангиган аёлнинг ажинсиз силиқ ман — глайига, жаноқи олмадай қизил яноғига, сарвдай тик қоматига қараб кўнглидан: "онасига қараб қизини ол" деган гапда ҳақиқат бўлса Аблайимнинг диди чакки эмас" деган фикрни ўтказди.

Она салом бериб, қуйироққа ўтиргач, нигоҳи билан ер чизиб гап бошлади:

— Тулпор отни ҳар кимда мингиси, кимхоб тўнни ҳар кимда кийгиси келади. Насиб қилган минади, насиб қилган кияди. Сулув қизда шундай, харидори кўп бўлади, аммо ҳаммасига эмас, бировига насиб қилади.

— Бизнинг йигит — отнинг фақат тулпорини ми — надиган бели бақувват, кийса тўннинг фақат ким — хоби ярашадиган ўта кўркам, ақли тиниқ йигит. Адай уруғининг фахри, — деди келганлардан бири.

— Хўш, бойбича сен не дейсан?

— Не дер эдим, булар қизимизга оғиз солган еттинчи овул одамлари. Олдингиларга берган жа — вобни бераман. Қизимизнинг эрки ўз қўлида. Кўн — глини топган олади.

Меҳмонлар бир — бирига қарашди.

— Кўнглини билиб беринг бўлмаса?

Бойбича шарақлаб кулиб юборди.

— Қизиқ қозоқ экансизлар. Бизда қизнинг кўнгли "қиз қувди"да билинади. Йигитингиз "қиз қувди"га тайёргарлик кўраверсин. Қирқимдан¹ кейин сайил бўлади. Ўша сайилда "қиз қувди"да бўлади. Қизимиз ҳам қатнашади. Қизга етган муродига етади. Етма — ган биздан эмас, ўзидан ўпкалайди.

Бу мулоҳазага ҳеч ким зъғироз билдира олмади. Удум ҳам шуда. Келганлар кўтаринки кайфиятда бўлмасада, умидлари узилмай қайтишди.

* * *

Янги кўчиб келганларнинг сайили Сайрам ат — рофидаги барча ўзбек — қозоқнинг байрамга ай — ланди. Мезбонларнингда, меҳмонларнингда сайла рота тайёргарлик кўрганлари билинди. Уч кун да —

вом етган сайилнинг биринчи куни ёш — қари, ном — дор — номсиз бахшилар, полвонлар ўз санъатларини, ҳунарларини намоёйиш этишди. Иккинчи куни шундай кунларга деб умид билан от боқиб, от совутганлар муродларига етишди. Отнинг насли, полвоннинг асили аниқланадиган улоқ — кўпқари бўлди. От чо — пиб, улоқ талашиб, ёшу — қарининг чери ёзилди.

Ниҳоят ҳамма орзиқиб, ҳаяжонланиб кутган учинчи кун келди. Эрта тонгда асл — тулпорлар ювиб таралди. Тулпорларнинг белига узун — калта узан — гилар дол ташланиб, кумуш қошли эгарлар урилди. Йўрттирилиб оёқлари ёзилгач, озроқ ем берилиб ем — ланди. Эрта тонгдан сайил майдонига тўп — тўп бў — либ ҳар овулнинг эркак аёли, бола — бақраси кела бошлади. Тўп — тўп бўлиб майдонга ҳар овулнинг йигит — қизлари тулпор, чўбир миниб кира бошлади.

Майдонга тикилган ўтовлар атрофи қиз — жу — вонлар билан гавжум. Бу ўтовлар харидори кўп су — лувлар учун тикилган бўлиб, янгалар атрофда ўра — лашаётган ёш — ялангни ҳайдайдилар.

Таомилга кўра "қиз қувди"нинг қизиги, қизлар — нинг энг сулуви кейинга қолдирилди. Суюнч бекач нафақат ўз овулининг, балки бутун Сайрам бекали — гининг олди сулуви бўлганлигидан, алоҳида ўтов олган ҳам, энг кейинга қолган ҳам у бўлди.

Суюнч бекач умидида келганлар орасида икки йигитни алоҳида тилга олмай бўлмайди. Иккисида йигирма — йигирма икки ёшларда, иккисида ўта кўр — кам. Иккисинида ақл — фаросат, куч — қудрат бобида худо хўп сийлаган. Биринчиси адай уруғи бошли — гининг ўғли Аблай бўлса, иккинчиси Сайрам беги — нинг ўғли Султон Алибек. Аблай тарафдорлари жан — гари адай уруғининг полвон йигитлари бўлса, Сул — тон Алибек тарафдорлари унинг қўл остида хизмат қилувчи қилич — милтиқли сара навкарлар. Шу боис Аблай тарафдорлари қолган харидорларни четга су — риб қўйган бўлсаларда, Султон Алибекка тишлари ўтмади. Ниҳоят, янгаларда талабгорларнинг икков қолганларини кўришиб, қуръа ташлашди. Биринчи бўлиб қиз қувиш Аблайга насиб этди.

Ниҳоят пешин бўлиб, навбат Суюнч бекачга етди. Ўтовдан янгалар, қизлар қуршовида тўлин ойдаи бў — либ Суюнч бекач чиқди. Суюнч бекачни билган, таъ — рифини эшитган, қиз устида бўлаётган можаролардан хабар топганлар бекач кимга насиб қилар экан, деб тушликнида унутишди. Нафақат тушликни, балки ун — данда зарур намозини қазо қилишиб, бекач томонга тикилишди. Укаси бошлиқ овул йигитлари бекачга уч отни рўпара қилишди. Бекач ҳар бир отнинг ол — дига бориб, юганидан ушлаб от бошини бир — икки силкиб, кўзига тикилгач, отасининг қора байирини танлади.

Пойга бошланадиган жойда тўрт келинчак бекач ва Аблай олдида икковдан бўлишиб, икки рўмолни тортишиб тўсиқ ясадилар. Бекачнинг отаси ва овул оқсоқоллари фотиҳа беришиб, бошлашга ишора қил — дилар.

Олдидаги рўмол туширилиб, бекач отига қамчи босди. Атрофдагиларнинг, бекачнинг ҳаяжони ўтиб, ўйноқлаб турган тулпор қанот ёзган қадирғоч ми — сол учди.

Олдидаги рўмол туширилмасданок Аблайда отига қамчи босди. Келинчаклар ушлаб турган рўмол Аблайнинг белига ўралиб қолди.

1. Қирқим — баҳорда қўйларнинг жуни олинган фасл.



Адай овули йилқилари уюрида етакчилик қилиб юрган айғир олдига от туширмас эди. Аблай минган айғир елдай учди. Марранинг ярмига етмай Аблай отининг тумшуги бекач отининг қуйруғига тенг — лашди. Ортга қараган бекач отига устма — уст қамчи босди...

Қамчи Аблайнинг юз — кўзига урилгандай бўлди. Қиз қўлида қамчи кўтарилганда Аблай унинг юзи — дан, кўзларидан "узр, удумимизда" қабилдаги маъ — нони излади, аммо топмади. Аблай бўшашди. Адай овули олди отининг бекач нигоҳи билан иши бўл — мади. У бекач кўзларидаги Аблайни бўшаштирган нафрат ўтини кўрмади. От бошини кўтариб бекачга қарамади ҳам. Айғир олдидидаги Қорабайирнинг ҳил — пираётган думинигина кўрарди. Бу эса айғир учун иснод эди. Айғир олға интилди. Тумшуги қорабай — ирнинг тўшига тенглашди. Яна бир зўр берса бас, қорабайирга етади. Шу пайт бекач бечора отнинг тумшугига қамчи билан солиб қолди. Беозор мусо — бақада бундай муомалани кутмаган айғир қорабай — ирдан четланди. Унинг жаҳли чиқди. Олға интилди. Айғирнинг жаҳли Аблайгада ўтиб, отини қорабай — ирга яқинлаштириб, қўлини қиз томон чўзди. Бекач кўрдик, аҳвол чатоқ. У уст — устига қўли белига етган Аблайнинг юзига қамчи тортди. Бошга урилган зарба кўзга теккан бўлсада, Аблайнинг кўз олди қамчи зар — бидан эмас, "фаросатсиз галварс экансан — ку" маъ — носини англатувчи киноя аралаш нафрат жам — ланган нигоҳдан қоронғилашди. Аблай қучоғидаги қизни қўйиб юборди. У отни ўз ҳолига қўйди. Қор — нини эзиб келаётган узангиларнинг бўшашганини вазифанинг удаланганига йўйган айғир секинлади. Қорабайир марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди...

Аблай ўз овули йигитлари тўпига яқинлашиб, уларнинг қимирлаётган лабларини, афсус, ғазаб, ар — мондан турли ифодаларга кираётган юзларнигина кўрди. Унинг ақли қулоғига қуйилаётган сўзларни идрок этмасди. Аблайнинг аҳволини англаган йи — гитлар уни холи қолдиришди...

Йиғилганлар келин — қизлар ўтовга олиб кириб кетган Суюнч бекачнинг чиқишини узоқ кутишди. Ниҳоят бекач ўтовдан чиқди. Кўндаланг қилинган отга қарамай минди. Рўмол туширилгач, отга энгил қамчи урди. Келинчаклар рўмол туширилишини сабр билан кутаётган Султон Алибекка нимадир деб ҳа — зил қилишгач, рўмолни туширишди. Султон Алибек минган от ёйдан отилган ўқ каби бекач томон учди.

Аблай марра ўрталарида Султон Алибекнинг бе — качга етиб олганини, бекачнинг Султон Алибекка қараганини, сўнгра икки отнинг бир отдай, икки ча — вандознинг бир чавандоздай марра томон келаёт — ганларини, иккаларининг марра чизигини бирдай кесиб ўтганларини кўрди...

Аблай назарида олам қоронғилик қаърига шў — нғиди...

Аблай овулига қайтди.

Аблай бир неча кун ўтовдан чиқмай бағрини ерга бериб ётди. Одамлар айтгандек она ер Аблай қал — бидаги армонли севгини ўзига олмади. Вужудини ёндираётган юрак тафтини пасайтира олмади...

Тун ярмида ташқарига чиққан Аблай Суюнч бе — кач овули томонга қаради. Овул тепасидаги ўн саккиз кунлик ой Суюнч бекач тусига кириб Аблайни им — лади. Аблай отланиб ўн саккиз кунлик ойли овулга

йўл олди. Безовталаниб, вовуллаганларича орқаси — дан қолмаётган овул итларини эргаштириб, тонгга қадар ўша атрофда юриб, тонг отгач ўз овулига қай — тди. Бу ҳол кетма — кет бир неча кун давом этди...

Ўша маъшум кун тонгга қўй — эчкиларини қирга ҳайдаган чўпон:

— Тунда итларни акиллашиб, одамларнинг уйқу — сини бузиб юришингни бас қил. Энди бу овулда Су — юнч бекач йўқ. Бекач кетди, — деди.

Устидан бир челақ совуқ сув қуйиб юборилгандек сергак тортган Аблай:

— Қанақасига йўқ? Қаёққа кетди? — деб сўради.

Чўпон чўл бағрига сингиб кетаётган қўш отликқа ишора қилиб:

— Кеча овулда бекнинг ўғли кўринган эди. Бе — качни олиб қочди шекилли, — деди.

Аблай оти бошини қўш отлик кўринган томонга бурди. Адай овулининг олди оти бу гада вазифани удалади. Аблайни қўш отлик — Султон Алибек би — лан Суюнч бекачга етказди, аммо...

Ташвишланишиб Аблайнинг овулига қайтишини кузатиб турган йигитлар унинг қочқинлар изидан тушганини кўришиб отландилар. Улар Аблай изидан юришиб, чошгоҳга яқин унинг оти боғлаб қўйилган саксовулзорли кичик сайхонликка етишди. От яқинидаги саксовул соясида қўл — оёғи жун арқон билан чандиб боғлаб ташлаб кетилган Аблай ётарди.

Йигитларнинг бири ҳаяжонланиб:

— Султон Алибекни бу ерда шериклари кутиб турган эканда, — деди.

Атрофдаги изларни синчиклаб текшириб чиққан овулнинг йигит оғаси:

— Бу ерга уч отлик келиб, йўлни икки отликқина давом эттирган, — деди.

Аблайнинг қўл — оёғини ечаётган йигит ясама му — лойимлик билан:

— Сени ёш боладай йўргаклаб ташлаб кетиш — дими? — деди.

— Оғзига сўриб ётгани сўрғичда солиб кетиш — мабди — да, — деди бошқаси...

Шу куни биринчи марта қўли ечилиб, оёғи ечил — маган Аблай йигитни туртиб юбориб, ғужанак бў — либ, тишларини гичирлатганча бўрига ўхшаб увла — ди...

* * *

Чол ўтовнинг тешикларидан кираётган совуққа юзини тутган кўйи босиб — босиб ув тортди.

Қўра томондан қўйлар дупури эшитилиб, сергак бўрибосар итлар ўтов ёққа бошларини буриб ис — тар — истамас ҳуришди.

Иригиб ўрнидан турган чолнинг «Итларда мени бўрига тенг кўришмади. Мен кимман: чиябўриман — ми, тулки?...» — деган ўй хаёлидан ўтди.

«Нима фарқи бор? Қай бири бўлсамда, ҳайвон — ман. Инсон эмас — ҳайвонман...»

Чолнинг кўзлари ёнди. Қўллари мушт бўлиб ту — гилди.

«Шу кўйга тушишимга Султон Алибек сабабчи... Ҳайвонларда ўз рақибларидан қасос оладилар. Мен — чи? Турқим инсонсифат бўлсада, қалбим, яшаш тарзим ҳайвонларники каби — ку. Менда қасос оламан.»

* * *

Султон Алибек икки кун қўрғон деворида бўлиб,

оқсоқол ва усталар иштирокида бузилган ерларни таъмирлаш, айрим ерларда деворни яна давом эттириш режасини тузишга раҳбарлик қилди. Қўрғон таъмири учун зарур бўлган маблағ миқдори ҳисобланди. Даҳаларга мутасаддилар та – йинланиб, маблағ йиғиш ишлари бошлаб юборилди.

Кеч ҳорғин қайтган Султон Алибек ўзини кутиб меҳмонхонада ўтирганлар ёнига кирмай, ички ҳовлига ўтиб кетди. Бир оздан кейин ичкаридан чиққан Фахриддин отасининг тоби қочиб қолганини маълум қилди.

– Совуқ ўтганидан, – деди Султон Алибекка ҳамроҳлик қилган Элбек қозикалон. – Кечки пайт аёзда жар ёқасидаги девор қолдиқлари устида кўп ўтирдилар. Қайноқ шўрва ичиб, иссиқ ўраниб ётса ўтиб кетади.

Султон Алибекнинг маҳрамига айланган Абду – раҳмонбек эса:

– Бек оғамнинг кайфияти қўрғон девори устида катта – кичик қовоқларда қимрон улашган қария – нинг қимронидан ичгадан кейин ўзгарди, – деди.

Йиғилганлар кўнгиллари гаш тортиб тарқалдилар.

* * *

Жонузоқбийникига отланган Себзор, Кўкча, даҳа вакиллари Султон Алибекни Лабзақда қарши олдилар. Мақсудхўжа эшон, Салимбек мингбоши, Элбек қозикалон, Насриддинбек, Абдурахмонбек ва бошқа Бешёғоч, Шайхонтоҳур даҳа вакиллари ҳамроҳлигида келган Султон Алибек тўпланганлар билан саломлашиб, кеч қолганликлари учун узр сўради.

– Бир оз тобим қочиброқ қолди.

Йиғилганлар Султон Алибекнинг бир кечада сарвайиб кетган юзи, киртайиб қолган кўзларига ташвишланиб боқдилар.

– Табибга кўриндингизми? – деб сўради себзорлик Қудратилабой.

– Жонузоқбийникида бўладиган йиғин аҳамиятини ўз саломатлигиданда муҳим деб билган Султон Алибек табибга кўринишга розилик бермади, – деди Султон Алибекнинг аҳволидан астойдил ташвишланган Мақсудхўжа эшон.

Султон Алибек ўзини кучлаб кулди.

– Ҳозир касал бўладиган пайт эмас.

Унинг гапи Салимбек мингбоши, Насриддинбек, Абдурахмонбек сангариларга мойдек ёқиб: “Тўғри, тўғри айтдингиз, бек оға” дейишган бўлсаларда, кўпчилик Султон Алибекнинг аҳволидан ташвишланиб лабларини тишладилар.

Тошкандан ўн чақирим масофада, Чимқанд йўлининг ўнг томонида жойлашган Жонузоқбий овули таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Овулдаги ўтовлар сони икки бараварга ортиб, барча ўтовларга янги кигизлар ёпилиб, гулдор гиламлар тўшалган. Тақдир азалдан тошканликлар тақдирига туташ Жонузоқбий овули бу кун узоқ – яқиндан меҳмон кутади. Қон – қариндошлар билан бирга, улар каби Жонузоқбийнинг юрагига яқин қадрли меҳмонлар Тошканддан ҳам келишади. Тошканддан келадиган меҳмонлар яна шуниси билан ҳам қадрлики, уларнинг ичида Тошканд атрофидаги ўзбек, қозоқ элининг бошини қовуштириб, иккисинингдан манфаатларини ҳимоя қиладиган, иккисинида икки кўзидай

авайлаб асрайдиган ҳукмдор келади. Келадиган ҳукмдор номининг Жонузоқбий маъракасида эълон қилиниши Жонузоқбий учун, бутун қозоқлар учун катта ҳурмат, катта эҳтиром. Қозоқ – сийлаганни сийлайдиган халқ. Қозоқ – ўзбекдай меҳмондўст, оқибатли халқ. Тошканддан хабар келгандан бери Жонузоқбий овулидагилар кўз юмганлари йўқ. Атроф теварақдаги овуллардан янги ўтовлар келтирилиб меҳмонлар учун жой ҳозирланди. Ўзбек йилқи гўштини суймайди деб семиз қўй, таналар танланди. Хизматта эпчил сермулозамат йиғитлар шайланди. Қовун – тарвуз, хўл – қуриқ меваларданда бирмунча гамланди.

Ниҳоят “келди – келди, чоп – чоп” бўлиб, тошкандликлар келишди.

Мақсудхўжа эшон билан маслаҳатлашилиб, катта тепаликка қадрли меҳмонлар учун тикилган кенг ўтовга ўзбек ва қозоқнинг эл устида юрган бий ва бойлари саралаб киритилди. Ўтов тўрига Султон Алибек ўтказилиб, ўнг томонидан Мақсудхўжа эшон бошлиқ ўзбек, чап томонидан Боймаҳамбетбий бошлиқ қозоқ бийлари жой олишди.

Фотиҳадан сўнг ҳол – аҳвол сўрашишдан бошланган гап қизигандан қизиб, Тошканднинг мустақил бўлишига, мустақил Тошкандга Султон Алибекнинг ҳокимликка лойиқ кўрилаётганига етди.

Қозоқларнинг улуғ бийи Боймаҳамбетбий:

– Тошкандликларнинг бу хайрли ишни бизнинг олдимиздан ўтиш учун пайсалга солганларининг ўзи бизни ҳурматлаганларининг, қадрлаганларининг белгиси. Тошкандлик биродарларимиз ҳокимликка биз билмайдиган одамни сайлаганларида биз уларни қўллаб – қувватлаган бўлар эдик. Биз биродарларимизга ишонамиз. Улар юрт бошига ёмон одамни йўлатмайдилар. Султон Алибекни биз ҳам биламиз. Адолатли, жасур киши сифатида биламиз. У бизнинг кўнглимиздагидай инсофли, иймонли ҳукмдор бўлишига ишонамиз, – деди.

Мақсудхўжа эшон “ишонамиз, ишонамиз” деб бошларини қимирлатаётган қозоқ бийларига бир – бир қараб чиқиб, Боймаҳамбетбийга тикилганча:

– Бу кун Тошкандни мустақил деб эълон қилиб Султон Алибекни ҳоким қилсагу бириси кун Тошканд мустақиллигига Бухоро ёки Қўқон хони кўз олайтирсачи? Бу ҳолга қозоқ биродарларимиз қандай қарайдилар? – деди.

Ўтирган барча ўзбек – қозоқ бийлари бир қимир – лаб олдилар. Айрим қозоқ бийлари оғизларини гапга жуфтлаб Боймаҳамбетбийга тикилдилар.

Ҳозиргача афти тундлашиб ўтирган, вақти бевақт ўринли – ўринсиз сўзлайвергани учун “бедаана” лақабини олган кичик жуз бийларидан Эрназарбий:

– Тошканднинг янги ҳокими чорвадан олинандиган солиқни қанча қилиб белгиламоқчи? – деб сўради.

Султон Алибек қаддини ростлаб:

– Мусулмонлар диёрида барча ишлар шарият аҳкомлари асосида олиб борилмоғи зарур. Тошканд ҳам бундан мустасно эмас, – деди.

Яна сўзлашга оғиз жуфтлаган Эрназарбий биқинига қаттиқ туртган бийга ўгирилиб:

– Ҳа, ўзинглар – ку сўрай олмайсанлар. Сўрайдиганни сўраганида қўймайсанлар, – деб яна Султон Алибекка ўтирилди.



— Биздан йирилган солиққа қўрғон девори тик — ланса, қўшин тўпланса, улардан қозоқларда баҳра — манда бўладиларми?

Султон Алибек тез — тез терлаётган юзини рў — молчага артганча:

— Аввало Тошқанд устига келадиган ёвни ўз — бек — қозоқ ботирлари очиқ майдонда қарши олади — лар. Мабодо дўппи тор келиб қолса қўрғон девори устида қўрғон ичидаги бола — чақа, мол — ҳолларини ҳам бирга ҳимоя қиладилар, — деди.

Шундан кейингина юзи ёришган Эрназарбий Боймаҳамбетбийга қараб:

— Бойке, энди сўзлай беринг, — деди.

Боймаҳамбетбий жилмайганча қўлидаги қимронли гулдор ёғоч косани дастурхонга қўйди.

Бутун ўтовдагиларга бир қур назар солиб, сий — рақ соқоли юзини силаб, қисик кўзларини Султон Алибекка тикканча:

— Тошқанд устига офат магрибдан ёки маш — риқдан келсада, у қозоқларни четлаб ўтмайди. Тош — қанд мустаҳкам, тошқандликлар кучли бўлса ёв та — жовуз қилишга журъат эта олмайди. Бас, шундай экан, Султон Алибек Тошқанд халқига бош бўлиб, тадбиркорлик билан, иймон, инсоф билан адолатли ҳукм юритса, қозоқнида элим деб ўзбек билан тенг кўрса, биз у лозим кўрган ишни амалга ошириш йў — лида молимизнида, жонимизнида аямаймиз, — деди.

Ўзбек бийлари Мақсудхўжа эшоннинг бирмунча ялонғочроқ саволига қозоқларнинг улуг бийи қан — дай жавоб бераркан деб нафасларини ичларига ютган бўлсалар, ўзбек — қозоқ биродарлигининг аслида қай даражада эканлигини ойдинлаштирадиган дақиқа — ларда қозоқ бийлари ўз улугларининг жавобини шундай ҳаяжонланиб кутган эдилар.

Улуг бийнинг жавобидан кейин ўтовда эпкин эс — гандек бўлди. Уюшган оёқларинида қимирлатмай ўтирган қозоқ бийлари енгил тортишиб, оёқларини ёзиб, бемалолроқ ўтиришди.

Султон Алибекнинг ҳорғинлик акс этган юзи ёришиб, кўзлари чақнай бошлади.

Мақсудхўжа эшоннинг Боймаҳамбетбийга тикил — ганча қотган кўкиш кўзлари устидаги чимирилган қошлари яна ўз ўринларига тушиб, кенг юзига одат — даги мулойимлик инди.

Ўзбек бийлари бир — бирига “олинг — олинг” дей — ишиб, дастурхондаги ноз — неъматларга қўл урди — лар.

Жонузоқбийнинг ишораси билан бир йигит бар — кашда пиширилган қўй калласини олиб келиб Сул — тон Алибекнинг олдига қўйди. Қозоқ таомилени яхши биладиган Султон Алибек ўткир пичоғи билан кал — ланинг кўзларини ўйиб олди. Бир кўзга тил ва қулоқдан ҳам қўшиб Мақсудхўжа эшонга тутди. Ик — кинчи кўзни тил ва қулоқ билан Боймаҳамбетбийга тутганча:

— Раиятнинг аҳволидан доим хабардор эл — юр — тнинг арз — додини, орзу — истагини ҳокимга, ҳоким — нинг фармонларини раиятга етказадиган кўз — қулоқли, ўткир тилли бўлингиз, — деди.

Ўтовдагиларнинг нигоҳи ўзига қадалганини ҳис қилган Мақсудхўжа эшон чакмони ичидаги олача чопони устидан боғланган белбоғини ечиб қайтадан белини қаттиқ боғлаганча:

— Қолган умримни оллога тоат — ибодат қилиш

билан ўтказмоқчи эдим. Бу кунги сизнинг марҳа — матингиздан кейин қарорим ўзгарди. Мустақил Тошқанднинг равнақи йўлида сиз бошчилигингизда кучим етганича хизмат қилмоққа бел боғладим, — деди.

Султон Алибек эшонга миннатдор боққанча у то — монга сурилмоқчи бўлган эди, негадир афти буж — майиб, кўксини чангаллади. Султон Алибекнинг аҳ — волини англаган эшон унинг билагидан ушлади.

— Не гап?

Султон Алибек “жим” дегандек қараб, Бойма — ҳамбетбийга ўтириди.

Султон Алибекдаги ўзгаришни сезиб — сезмаган бийлар ҳам Боймаҳамбетбийга тикилдилар.

Йигиннинг силлиқ ва сермазмун ўтаётганиндан хурсанд бўлган бий ва бойларнинг иштаҳасини Бой — маҳамбетбийнинг:

— Султон Алибек ҳушидан кетди, — деган гапи чиппа бўғди.

Бийлар бек томонга интидилар.

Мақсудхўжа эшон “табиб, табиб чақиринглар” деди. Бийларнинг бир қисми ташқарига отилишди.

Келган табиб Султон Алибекнинг томир ури — шини санаб, кўз қорачигини кўриб:

— Заҳарланган, — деди.

Боймаҳамбетбий турган ерига чўкди.

— Заҳарланган? Бўлиши мумкин эмас!

— Бек юзининг ўта сарғайиб, кўз қорачиқлари — нинг кенгайиб, томир уришининг сусайгани шун — дан дарак беради, — деди табиб.

— Бекнинг юзи келганидаёқ сарғайган эди, — деди улуг бий ҳаяжонланиб.

— Тўғри. Эрталабданоқ бекнинг юзи сарғайган, тоби қочган эди. Бу ҳақда бек уйида ҳам, Лабзақда ҳам сўзлаган эди, — деди Мақсудхўжа эшон.

Шу пайт хиёл кўзини очган Султон Алибек оғзидан уни ўраб турганларнинг ҳушёрроқларинигина эшит — ган:

— Уйга олиб боринглар, — шивири учди.

Султон Алибекни Мақсудхўжа эшон, Боймаҳам — бетбий бошлиқ ўзбек, қозоқ бийлари уйига олиб ке — лишди.

Султон Алибекнинг ёниб бўлаётган ҳаёт шами сўнги бор лип — лип қилаётганини англаган эшон билан улуг бий бараварига:

— Ўғли борнинг ўрни бор. Ўрнингизга ўғлингиз бор, — дейишди.

— Йўқ... Уни ўз ҳолига қўйинглар...

Мақсудхўжа эшон билан Боймаҳамбетбий бир — бирига қарашди.

Шу дақиқаларда кўкраги бир — икки кўтарилиб тушган Султон Алибек:

— Хўжалардан сиёсатга аралашиб катта бўлган йигит... — деганича гапини тугата олмади. Кўкраги яна кучсиз бир — икки кўтарилиб тушдида, оғзидан қон келди... Бекнинг оғзини артган улуг бий эшонга қараб бошини чайқади. Мақсудхўжа эшон дуо ўқиб, фотиҳа қилди. Жон таслим қилган Султон Алибек — нинг очик қолган кўзларини юмди...

* * *

Тун. Шайхонтоҳур қабристонидаги хон авлод — лари сағаналари қаторидан яқиндагина дўмпайган қабр пойида қора кийимли кимса тиз чўккан.

Қўрғон деворида сени кўрганимда қасос олишнинг мавриди келганини англадим. Кичик қовоққа заҳар солиб, заҳарли қимрондан сента куйиб узатдим. Сен бетимгада қарамай қимроннинг ярмини ичиб яна йўлингга кета бердинг. Мен эса қулашингни кутиб сени узоқдан кузатиб турдим. Йўқ, ўша кун мен сенинг қулаганингни, ажал чангалида гужанак бўлиб инграганингни кўра олмадим. Эртаси кун ярим тундаёқ эшигинг олдида бўлдим. Уйингдан сенинг ёлғиз ўғлингни "отам!" деган фарёди эшитилмади. Отланиб Жонузоқбийникига кетдинг. Рангингни заҳиллашганидан мақсад яқинлигини англадим. Жонузоқбийникига бордим. Узоқ, жуда узоқ кутдим. Ниҳоят, ниҳоят кутилган онлар етиб, сени кўтариб олиб чиқишиб, уйингга олиб кетишди. Аравадан тушираётганларида кўзинг кўзимга тушди. Фалабадан мағрур қовоққа ишора қилдим. Сен эса беҳол кўларингни юмдинг. Нега, нега ўшанда қасос алангасида ёнмадинг? Лоақал "номард қотил!" деб сўкмадинг? Атрофингни ўраб олган одамларга айтиб ўлдиртириб юбормадинг?.. Қалбим ўртанганча мен яна кутдим. Орзиқиб кутдим. Ниҳоят уй ичидан чиққан "беги — м — м" деган фарёдни эшитдим. Аммо бу фарёд қалбимга мен кутган сокинликни бахш эта олмади...

Мана йигирма кундирки, юрагимни афсус, армон ўртайди. Вужудингни ёндирадиган қасос ўтиляшса бўларкан, аммо меники сингари афсус ва армон билан яшашнинг имкони йўқ экан.

Нима бало, кек ва армон сингдан юракка таъсир қилмайдими, қовоқдаги ўша кундан қолган қимроннинг ҳаммасини ичсамда, ҳамон ҳаётман...

Сен инсон бўлиб яшадинг, инсон сифатида дафн этилдинг!

Ўғлинг инсонлар орасида бир инсон каби яшамокда.

Мен қандай яшадиму, қандай ўлим топмоқдаман? Ўғлим қандай ўлим топди?..

Эртасига Султон Алибек сағанасига келганлар сағана пойидаги мурдани кўриб ҳайрон қолдилар.

Қарияни бу ерда ҳозир бўлганлар танимасаларда, Мулла Муҳаммад Сиддиқ охунд, Мақсудхўжа эшон, Абдурахмонбек, Фаҳриддин унингга қорача юзининг заҳиллашиб кетгани, белидаги қимрон юқи қовоқдан, мурданинг Султон Алибек қабри пойида жон таслим қилганидан ўлими сабабини англагандай бўлдилар...

* * *

Марҳум Султон Алибек номини айтолмай жон берган Юнусхўжа — собиқ Шайхонтоҳур даҳаси ҳокимининг ўғли мустақил Тошканднинг ҳокими деб эълон қилинди. Файратли Юнусхўжа Султон Алибек томонидан бошланган ишга бош бўлиб, қўрғон деворини таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Бу — хоро ва Қўқонга юборилган тинчилар янги амир Шоҳмуроднинг қўшин билан юришга чиқишига рағбати йўқлигини, Норбўтабийнинг эса ҳамон Хўжа билан Ўратепани ўзига тоъбе қила олмагани хабарини келтирдилар. Фурсатни ванимат деб билган Юнусхўжа ҳокимият фаолияти учун зарур бўлган маҳкамалар ишини йўлга қўйди. Азал — азалдан даҳалар орасидаги жанжалларга сабаб бўлиб келаётган

ер, сув можароларини ҳал қилди. Вақф ерлардан келадиган даромадлар ҳисобини олиш учун масжид ва мадрасаларга иймонли, инсофли кишилардан муассадилар тайинланди. Мадрасалар учун қўшимча вақф ерлар ажратди. Бозор, кўча ва карвонсаройлар билан шуғулланишга имкон топди. Баҳор, ёз ўтиб қилинган ишлар ҳам кўзга кўриниб қолди. Мақсудхўжа эшон, Боймаҳамбетбий ва даҳа, овул, қишлоқ бекларининг саъи ҳаракатлари натижасида ҳоким ҳазинасига пул — мол ҳам туша бошлади. Салимбек мингбоши навкарлари билан ҳоким саройи қошидаги иморатга келиб жойлашгач, Юнусхўжанинг ҳокимлиги ҳар жиҳатдан тўқис бўлди.

Отасининг охири маъракасини ўтказиб, ташвишлардан бир қадар фориғ бўлган Фаҳриддин мадрасагада бормай илм билан шуғуллана бошлади. Илму нўжум турли намудорларининг қиёсий таҳлилига бағишлаб рисола ёза бошлади.

Фаҳриддиннинг бу тинч ҳаёти узоққа чўзилмади. Орадан кўп ўтмай ҳоким Юнусхўжа саройга чақиртирди.

Сал кам уч йилдан буён шаҳар бўйлаб юрмаган Фаҳриддин сарой атрофидаги ўзгаришлардан ҳайратга тушди. Сарой тўла таъмирланган. Сарой пешидидаги Фаҳриддиннинг хотирасига ярим вайрона ҳолича муҳрланган навкарлар турадиган узун отхонали иморат янги қурилгандай. Саройнинг ўнг ва сўлига маҳкамалар учун иморатлар қурилиб, улар кириб — чиқувчилар билан гавжум.

Фаҳриддин бир вақтлар Халил Султон, Юнусхон, Султон Маҳмудхон, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг излари тушган текис тарошланган тош йўлдан юриб қуролли соқчилар қўриқлаётган сарой дарвозасига етди. Олдиндан огоҳлантирилган соқчилар бошлиғи Фаҳриддинни сарой маҳрамининг хонасигача кузатиб қўйди. Маҳрам Фаҳриддинни аён ва амалдорлар ўтирган хоналардан бирига олиб ўтиб, серҳашам хонада тўхтади. Тўрдаги эшикдан кириб кетиб, бир лаҳзада қайтиб чиққан маҳрам Фаҳриддинни таклиф қилди:

— Сизни ҳоким ва эшон ҳазратлари кутмоқдалар.

Фаҳриддин олдинги хонадан соддароқ безатилган чоқроқ хонага, афтларидан қизгин суҳбат излари ўчмаган Юнусхўжа ва Мақсудхўжа эшон ҳузурига кирди.

Саломлашиб, ҳол — аҳвол сўраш тугагач, Мақсудхўжа эшон мадрасаларнинг моддий аҳволини яхшилаш йўлида қилинган ва режалаштирилган тадбирларга тўхталиб, Фаҳриддиндан қачон ишга қайтмоқчилигини сўради.

Фаҳриддин ҳоким томонидан қилинган ва қилинаётган ишлар кўламининг кенглигидан ҳайратланганини изҳор қилди. Бу кунги Тошканд қиёфасида эл — юрт учун мустақилликнинг, диёнатли киши раҳбарлигининг аҳамияти намоён бўлганлигини айтиб, энди ишлайдиган замон келган бўлсада, ўзининг мадрасада ишлашга рағбати йўқлигини билдирди.

Юнусхўжа Султон Алибекнинг Тошканд ҳаётида тутган ўрнига юксак баҳо бериб, Фаҳриддинга ҳокимлик ҳудудида хоҳлаган иши билан шуғулланиши



мумкинлигини айтиб, бир неча лавозим ҳам таклиф этди.

Ҳокимнинг чақиришдан мақсади шу эканда деб ўйлаган Фахриддин ҳокимгада, эшонгада чуқур мин — натдорчилик билдириб қайтишга ҳозирланган эди ҳамки, Мақсудхўжа эшон сўраб қолди:

— Бизнинг эшитишимизга қараганда сиз отан — гизнинг ўлимини олдиндан каромат қилган эмиш — сиз?

Фахриддин эшоннинг устози мулла Муҳаммад Сиддиқ охунд билан қилган суҳбатидан хабар топ — ганини англаб:

— Бу каромат эмас, илми нужумнинг маълум усуллари ёрдамида инсон толеъини аниқлаш, — деди.

— Яратган ҳукмида бўлган инсон тақдирдан фол очиш гуноҳ — ку, — деди эшон.

— Яратганнинг ўзи ушбу сир — синоатдан хабар — дор бўлгудек ақл — заковат берган бўлса бандасида не гуноҳ — деди Фахриддин.

— Савобли ишларга ишлатиш учун берилган ақл — заковатни гуноҳ ишларга сарфлаш — гуноҳ, — деди Мақсудхўжа эшон.

Юнусхўжа Фахриддиннинг авзойи бузилганини кўриб гапга аралашди.

— Азаддан ҳукмдорлар саройида мунажжимлар бўлиб, улар катта ишларни бошлаш учун хайрли соатларни аниқлаб берган эканлар. Сиз ҳам ўша усуллардан хабардормисиз?

— Бу у қадар қийин иш эмас.

— Ундай бўлса сиз бизнинг қошимизда бўлсан — гиз. Ҳазинамиз бу йил бўлмасада келгуси йил куч — лироқ қўшин тузиб, бизга эмас, Бухорога бож — хи — рож тўлаётган Сайрам, Чимканд, Туркистонга қўшин тортишга имкон берадиган бўлади. Сиз юриш учун саодатли онларни аниқлайсиз.

— Ҳазратим, — деб Фахриддин Юнусхўжани энди кўраётгандек унга қаттиқ тикилди. — Чимканд, Сай — рам, Туркистонни Бухоро илқидан жанг билан эмас, музокара йўли билан олмоқ зарур. Зеро, зўрликнинг охири — хўрлик. Сизнинг Чимканд устига қўшин тортишингиз Бухоронинг Тошканд устига қўшин тортиши учун сабаб бўлгусидир.

— Бекор гап! Амир Шоҳмурод лашкарбошиликка лаёқатсиз. Зулм — зўрликка қарши ҳукмдор эмиш.

— Ана шунинг учун ҳам ундан чўчимоқ даркор. Сиз Чимканд аҳлига зўрлик қилмоқчи бўлсангиз, Бухоро амири ихтиёрида сизнинг қўшинингизга бас келадиган қўшин, қўшинга бошчилик қиладиган сар — карда йўқ дейсизми? Тошканд ҳокимининг босқ — инчилик мақсадида ўзга ўлкаларга қўшин тортган

они — ҳалокатининг бошланган онлари бўлур, — деди Фахриддин.

Гапга Мақсудхўжа эшон қўшилди.

— Сиз мадрасада сабоқ беришга рағбатим йўқ деб, уйда Тошканд ҳалокатини ҳисоблаш билан машғул бўлаётирсиз шекилли?

Фахриддин эшонга ўтирилди.

— Тошканддек қаддини энди тиклаётган ўлка — нинг Бухоро ёки Қўқон ҳужумига баҳона бўлгудек қадам босган онларининг — ҳалокат онлари бўлиши илми нужумсиз — да маълум.

Юнусхўжа кулиб юборди.

— Узр, мавлоно, — деди ҳоким. — Биз сиз кел — масингиздан шу мулоҳазани қилиб эдик. Гап айла — ниб яна ўша мавзуга қайтгач, сизнингга қўйингизга қўл солиб кўрдик.

Мақсудхўжа эшон жилмайди.

— Мавлоно, — деди ўрнидан туриб Юнусхўжа, — Сизнинг ақл — идрокингиз Тошканд мустақил — лигига, тараққиётига хизмат қилмоғи лозим. Ишла — рингизни тугатиб, янги ойдан девонахона ишларини ўз илкингизга олсангиз.

* * *

Мирзо Абдулазиз авлодлари ҳақида Улуғбекнинг башорати беистисно рўёбга чиққанидек, сўзлаша — ётганида фаришталар “омин” деган эканми, мавлоно Фахриддиннинг Тошканд ҳокимлиги тақдири ҳа — қида айтганлари каромат бўлиб чиқди.

1794 йили ҳукмдор Норбўтабий, 1799 йили бек — лар беги Хонхўжа бошлиқ Қўқон қўшини Тошканд ҳудудига бостириб кирди. Икки бора ҳам жанг бў — либ, қўқонликлар мағлуб бўлдилар.

Вафот этишган Мақсудхўжа эшон, Боймаҳамат — бий, мавлоно Фахриддин каби маслаҳатчиларсиз иш тутган Юнусхўжа эришилган ғалабалардан руҳланиб Қўқон устига қўшин тортди.

1801 йили Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, Пунгон қишлоғи яқинида жанг бўлди. Тошканд қўшини мағ — луб бўлиб, жанг майдонидан зўрға омон чиққан Юнусхўжа Тошкандга келиб, кўп ўтмай вафот этди.

Отаси ўрнини эгаллаган тўнғич Муҳаммадхўжа ҳам, ўртанча ўғил Султонхўжа ҳам бошланган та — наззулнинг олдини ола олмади.

1807 йили Қўқон ҳукмдори Олимбек Норбўтабий ўғлининг укаси Умарбек бошлиқ қўшин Тошкандни фатҳ этди.

Шундай қилиб, 1784 йили барпо этилган муста — қил Тошканд ҳокимлиги 1807 йили барҳам топди.



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:

Муҳаммаджон УЗОҚОВ 1956 йили Фарғона вилоят Ўзбекистон туманининг Пахта бўстон қишлоғида туғилган. Оилали, икки ўғил, бир қизи бор. СамДУнинг механика — математика факультетини 1979 йили тугатган. Физика — математика фанлари номзоди. Математика ўқитувчиси. Миллати қирғиз. Ўзбек тилига ёзади.

Фароғат МУСУЛМОН қизи

МАНГУЛИККА ЙЎЛ

*Ёғий айтар: бу йўлдан қайтгин,
Сенга шеърлар бўлолмас паноҳ.*

Сиз шунчаки кўнги сўрайсиз,
Сиз шунчаки ташлайсиз нигоҳ.
Ҳатто, бугун сўнг дамимда ҳам,
Сиз шунчаки қилмоқдасиз оҳ.
Кўксингизни кучар қанчалаб,
Мангуликка тўсин нафратлар.
Наҳот, энди қабрингизгача,
Тарк этмаса сизни ғафлатлар.
Руҳингизни вайрон этмасми,
Менга тутган гуноҳларингиз.
Тусмоқдаку кўзларингизни,
Йиққан жаңда – куллоҳларингиз.
Ортингиздан эргашмас ҳеч вақт,
Тиғингиздан садпора жоним,
Ҳатто бир кун сачраган кўкка,
Учқун бўлиб ҳар зарра қоним,
ғуруримни асло унутманг,
Тутмагайман каслар қўлига.
Ҳаёт ва Ҳақ оралигинда,
Йўлим туташ тоғлар йўлига.
Керак бўлса мен Ватанимнинг,
Эртасиман, кўз қорасиман.
Уйғоқ юрак салтанатининг,
Энг исёнкор фуқаросиман.
Сизни мағлуб этмоққа қодир,
Баҳодиру, Алпим, шеърларим.
Маҳшар куни бошим узра нур,
Паноҳ бўлиб келар шеърларим.
Сиз шунчаки кўнги сўрмассиз,
Сиз шунчаки солмассиз нигоҳ.
Шеърларимга дил бериб шунда,
Сиз шунчаки қилолмассиз оҳ.

НОДИРА

Мен сўз билан фалакка етдим,
Мен сўз билан тикландим, қалқиб.
Гоҳи осмон, гоҳ тупроқлигим,
Айтолмаган сўзимдан балки.



Баъзида яхши шеърнинг сифати бадиий тасвир воситалари иштироки билан белгиланди. Туйғуни ифодалаш услуби, шаклий янгилик кўзга яққол ташланадиган ўзига хослик ҳисобланади.

Бироқ бу хусусиятларнинг фақат ўзигина шеърнинг мукамаллигини таъминлай олмайди.

Ифода усули ўз йўлига. Бу шоирнинг маҳоратига боғлиқ, Бироқ шеъриятда ифодаланган нарсанинг ўзи нима эканлиги ҳам муҳим. Асарнинг гоёвий етуклиги, бадиий тафаккур кўлами, фалсафий–эстетик дунёқараш масалаларининг у ёки бу тарзи шоирнинг даражаларини кўрсатади!

Фароғат Мусулмон қизининг янги шеърларини ўқиганимда кўнглимдан шундай фикрлар кечди.

Йўлим туташ тоғлар йўлига!

*Нигоҳлар гардиган поклагай оллоҳ,
Миллатнинг кунига яраса Аёл!*

*Мен сўз билан фалакка етдим,
Мен сўз билан тикландим, қалқиб!*

Назаримда миллатимиз шаъни шавқатини баралла куйлаётган янги бир овоз эшитилаяпти.

Мен Фароғатга ўз йўлига собитликни тилайман.

Рустам МУСУРМОН

Ёлғон сўзлаб дўст–ёр бўларлар,
Менга афзал бегоналигим.
Малол келмас менга сўз учун,
Даллилим, девоналим.
Сўздан паноҳ топган кунимдан,
Бошимдаги ёмғирлар тинди.
Ахир, йиллаб бедор ухладим,
Тўлғониблар уйғонай энди.
Болам, қайтиб ярамни очма,
Қўп ютганман ичга додимни.
Ўзим ёзган шоҳ байтлар, ҳатто,
Она, Ватан, Озодлик, мана –
Аксидан қирқ томирим ёнган.
Унутмагил, болам, бу сўзлар,
Юксак турар ҳар қандай шондан.
Топтатмагин, асрагин, сенга,
қолдиргайман қон билан ёзиб.
Бир кун ўлсам, ором ухларман,
Шу сўзларни кўксимга босиб.



ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ

Тарихий қиссаларни ўқиб

Мустақиллик элимиз ва юртимиз тарихидаги олам — шумул воқеа бўлди. Мана шу истиқлол боис дунё бизни таниди. Мамлакат ичкарасидаги ҳаёт ҳам тубдан ян — гича мазмун касб этди. Маънавият масалалари: мил — лий қадриятларимизни тиклаш, илм — фан, адабиёт ва санъатга эътибор янада кучайди.

Тарихимизда мана шундай миллий мустақиллик йўлида ўз жонини фидо қилган жуда кўплаб миллий қаҳрамонларимиз бор. Спитамен, Алп Тегин ва Му — қанна, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди, Торобий ва Нажмиддин Кубро, Номоз каби жасур қасоскорларнинг номларини бугун халқимиз алоҳида меҳр билан ёдга олади. Зеро, улар асрлар бўйи қонини тўкиб, жонини бериб келганлар. Миллий мустақиллик шароитида яшаш эса бизга насиб қилиб турибди.

Халқимиз бундай озодлик курашчиларини ҳамиша ёдида тутган ва севган. Ижодкорлар эса уларни олқ — ишлаб, турли шаклларда куйлаб келишган. Бундай та — рихий қаҳрамонларнинг мураккаб ҳаёт йўлларини ва курашини ўрганиш, бадиий тадқиқ этиш, уларнинг му — борак номларини келажак авлодларга етказиш, ай — ниқса, бугун сўз санъаткорларининг олдида турган долзарб масалалардан биридир. Ана шундай фидойий инсонлар тақдирини бугунги авлодга ўрнак қилиб кўр — сатиш, уларда ўз ўтмишини, Ватанига ва унинг жасур ўғлонларига қурмат ҳиссини уйғотишга хизмат қила — ди.

Ҳозирги ўзбек адабиётида тарихий прозанинг бу мавзусига бағишланган бир қанча асарлар яратилди. Айниқса, тарихий қиссачилигимизда бу борада та — лайғина ишлар амалга оширилди.

Миркарим Осимнинг “Ўтрор”, “Искандар ва Спи — тамен”, “Темур Малик”, “Маҳмуд Торобий”, Ш. Иса — хонованинг “Интиқом”, Зоҳир Аъламнинг “Бухоро — даги биринчи номоз”. Исфандиёрнинг “Қасамёд”, М.Тошпўлатовнинг “Беором тўлқинлар” ва Насрулло Қобулнинг “Ёғий” каби тарихий қаҳрамонлик мавзу — идаги қиссалари шулар жумласидандир. Бу қисса — ларда аждодларимизнинг Ватанпарварлиги, миллий мустақиллик учун кўрсатган қаҳрамонлиги, мардлиги, акс эттирилган.

М.Осимнинг “Ўтрор” қиссасида Мовароуннаҳр ва Туркистонни бирлаштириб турувчи Ўтрор қалъаси ха — лқининг мўғул босқинчиларига қарши мардона ку — раши тасвирланади. Ўрта Осиёни икки йилда босиб олишга улгурган Чингизхон қўшинларига бу қалъани эгаллаш учун олти ой курашишига тўғри келди. Асарда душманга қарши қаттиқ жанглари олиб борган ўтрор — ликларнинг жасорати ва уларга бошчилик қилган Инолчиқ образи ўзининг ёрқин бадиий ифодасини тошган.

Инолчиқ навкар ва мулозимларини қадрайди, халқ орасидан чиққан лашкарбошиларни қурмат қилади. Буни давлатни бошқаришнинг энг яхши ва маъқул усули деб билади. Шу сабабли жуда катта ютуқларга эришади. Дунёни илигида ушлаб турган Чингизхон Инолчиқнинг маҳоратига қойил қолиб, уни ўз қўши — нига катта мансабга таклиф этади. Инолчиқ буни ўз ватанига хиёнат деб билади. Асар сўнгида қаҳрамон

Чингизхон қўлида ваҳшиёна ўлим топади.

Адибнинг “Темур Малик” ва “Маҳмуд Торобий” каби тарихий қиссалари ҳам “Ўтрор” даги сингари ўт — миш аждодларимизнинг мўғул босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашлари, Ватан ҳимояси йўлида ҳар қандай қийинчиликларга тайёр инсонлар: Темур Малик ва Торобий каби жасур юрт ҳимоячилари сиймолари акс эттирилган асарлардир.

“Искандар ва Спитамен” тарихий қиссасида эса македониялик Искандар Зулқарнайнга қарши кураш — ган Спитамен бошлиқ ватадодларимизнинг миллий озодлик учун олиб борган кураши қизиқарли бадиий алвҳаларда ўз аксини топган. Спитамен ўз атрофига юртдошларини тўплаб, душманга қақшатқич зарба — лар беради. Искандар қутилмаган бу зарбалардан ган — гиб қолади ва жиддий талофатлар кўради. Қисса яку — нида Спитамен енгилади ва хотини томонидан ўлди — рилади. Асарда қаҳрамон тақдири шундай фожеали якун топса — да, у халқимиз қалбида ҳамон яшаб кел — моқда.

Худди шу мавзуга бағишлаб ёзувчи Исфандиёр ҳам ўзининг “Қасамёд” қиссасини яратди. Ҳар иккала асарда ҳам Спитамен қаҳрамонликлари бугунги ав — лодга ўрнак бўларли тарзда, тарихий материалларда қайд этилган фактлар у ёки бу кўринишда, бир би — рини такрорламаган ҳолда ўз аксини топган.

Ш. Исахонованинг “Интиқом” қиссаси миллий мустақиллик учун мўғулларга қарши курашган қаҳ — рамон Жалолиддин Мангуберди ҳаётига бағишлан — ган. Жалолиддин яшин каби тез келаётган Чингизхон қўшинининг олдини тўсиб, унга жиддий зарарлар ет — казади. Давлат ишларини олиб боришда оқилона усул юритади, халқ орасида жуда катта қурмат ва олқиш — ларга сазовор бўлади.

Ёзувчи қисса якунида Жалолиддинни бор дунё — сидан айрилган, душманидан енгилган бўлса — да, қал — бида ўч алаңгаси сўнмаганини, юртини озод кўриш истаги борлигини ва келажакда унинг ҳимоясига жо — нини фидо қилишга тайёрлигини қаҳрамони нутқи — дан бериш билан унинг тақдирини бугунги авлодларга ўрнак қилиб кўрсатади.


Араб истилоси даврига бағишланган М.Тошпўла — товнинг “Беором тўлқинлар” ва Зоҳир Аъламнинг “Бу — хородаги биринчи номоз” тарихий қиссаларида ҳам ўз она тупроғини, халқини ташқи душманлардан қимоя қилиш учун курашган жасур юрт ўғлонларининг му — раккаб ҳаёт йўллари ёритиб берилди.

Шунинг учун ҳам жамият ҳаётида халқ ўтмишини жонли бадиий лавҳаларда, реал тарихий шахслар об — рази воситасида қайта тикловчи тарихий бадиий асар — лар алоҳида аҳамият касб этади. Ўз ўтмишимизни му — каммал билган ва буюк аждодларимиз, миллий қаҳ — рамонларимизнинг ҳаёт йўлларини батафсил ўрган — ган тақдиримиздагина бугунги миллий мустақили — гимизга тўла маънода ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Қобил КЎБАЕВ,

Гулистон Давлат Университети
катта ўқитувчиси.

Абдуқайом ЙЎЛДОШ



қисса

ТИМСОҲНИНГ КЎЗ ЕЎШЛАРИ



*Йигит... Йигит билан қанча ишим бор!
Аммо қиз йигитни шундай суярди —
Ки, гоҳ термуларди ҳазин, беозор,
Гоҳ қўлларин маҳкам ушлаб қўярди...*

Усмон Азимов

I

...Билмадим, ё умр ўртаси аталмиш тепаликчани бир пасда ошиб ўтасола уфқдаги (балки оёқ остида — дир — жонга ишонч борми) манзил шакл — шамоёй — илини ғира — шира илғай бошлаганингдан сўнг шун — доқ туюладими, ё чиндан — да кўп тушунчалар ара — лаш — қуралаш бўлиб кетган давримизда замин ўз ўқи атрофида тезроқ айланиб, қуёш эса Ер гирдида ил — дамроқ ҳаракат қилмоқдами ишқилиб, сўнгги беш — олти йил ичида вақт жуда — жуда шошиб ўтаётган — дай — у, мен ҳеч нарсага улгурмай қолаётгандайман. Ваҳоланки, аслини олганда, ойнаванд қафас ичидаги олмахон янглиғ тиним билмайман — ҳазил гапми, нақ тўрт жойда ишлайман — а! Ахир ҳали машинам йўқ, ҳовлим йўқ...

Бироқ, шукрки, гап камина хусусида эмас. Йўқса ўпка — гинамнинг ўзи бир аравага юк бўлишига шубҳа йўқ. Гап маош миқдори бўйича учинчи ўринда ту — рувчи ишхонамда одатдаги "бўл, ҳа, бўл!" у, бош кў — тармай ишлашлар оралиғида мен бирров кўз таш — лашга улгуриб — улгурмай қолганим бир воқеа бора — сида.

Мен Н. газетаси таҳририятига ҳафтасига икки кун келардим: чоршанба — компьютердан чиққан мақолалар гранкаларини ўқирдим, жума — саҳифа — ларни. Газета, назаримда, кейинги пайтларда урчиб кетган ўртамиёна нашрлардан бири бўлиб, савия ҳам шунга яраша, инчунун, баъзида бирон — ярим жузъ — ийроқ имло хатоси ўтиб кетсаям биров билиб, бошқ — аси билмай қолаверарди.

Икки ёнбошидаги алмисоқдан қолган, эшикларсиз икки шкафи қоғоз ўрамларига тўла каталақдек хо —



надаги бир яримта стол (каминанинг столи хо-нага сизмагани боис шартта ўртасидан арраланиб ташланиб, етишмагай қолган оёқлар ўрнига қоғозга ўралган гишт кўйилганди) атрофида уч киши ўти-рардик. Беўхшов семириб кетган, йўлакка чиқиб кел-саям, салгина ишласаям дарров ҳансираб, юрагидан шикоят қилаверганидан элик ёшлардаги, лекин му-дом тилику дилидан тушмайдиган ҳасрат онг ила ву-жудини оғулаб улгургани сабаблими янада қарим-сиқ кўринадиган, нимаси биландир пайкалда узи-либ қолдириб кетилган, кун уриб, саримсиқ тусга кирган, ичи пишиб кетган каттакон қовунни эсла-тадиган Саломат опамиз бўлим мудираси, ўзлари-нинг таъбирлари билан айтганда, "истаршой кор-ректор" эдилар. Мен ва университетни бултур би-тириб келган Муниса оддий мусаҳҳиҳлар эдик. Бироқ, ёшимни ҳисобга олибми, ёинки кечаги толиба билан бир сафда туришни эп кўрмаганимданми, мен ўзим-ни "ўртанча мусаҳҳиҳ", қизни эса "кичик мусаҳҳиҳ" деб атардим.

Аёл кишига ярашмаган тарзда қорин қўйиб юборгани учун тили заҳаргина ходимлар томонидан (ажабки, бу журналистлар бутун мақтов-мадҳия, тилидаги болларини мақолаларга тўкишиб, ортиб қолган нишхўртларини гийбатларга сарфлашарди) чекка-чеккада "абадий иккиқат" ёки "хроник хо-миладор" унвони билан тилга олинадиган мудира-мизнинг иш самараси сал пастроқ эди. Опа, со-ғлигини эринмай кавлаштираверишдан чарчаган ма-ҳаллари, маош чўғининг пастлигию, нарх-наво оло-вининг баландлигидан шикоят қилиб, оҳ-вой қилишга ўтса бас, бу аниқ рақамлардан иборат далил-дас-такларга тўла дийдиё жилғаси кечга довуру тўлиб оқавериб-оқавериб нақ уммонга айланарди-да, сизни ҳам ютиб юборишига бир баҳя қоларди. Ус-тига устак, бирон ходим андаккина беписандроқ са-лом берган ёхуд мақоласини хушламайроқ тутиб кет-ган бўлса худо урди деяверинг — опа бу шўрлик-нинг ижод намунасини тўппа-тўғри маънода та-гига босиб олганча одатдаги машғулотию давом эт-тири-иб ўтираверарди. Опа бундай пайтлари ме-тин қояга айланарди — бечора ходим ёки масъул котибнинг жон аччиғида ялиниб — ёлворишлари, ҳат-токи пўписалари зигирдак таъсир қилмасди. Таби-ийки, ечим беҳад қадимий усулда бўларди: озгина қанд-курс, печенье, тўрттагина қайноқ сомса ва ёки юмшоқ феъл, қачон пенсияга чиқишини интизорлик билан санаб юрадиган бош муҳаррир — гарчанд шундай қўшни хонада ўтирган бўлса-да — шахсан ўз қўли билан ёзиб юборган илтимоснома. Шундаям опа эгардан тушгиси келмай бир чақиб оларди — гоҳ совға конфетни аввал шошилмасдан оғзига со-либ кўргач, афтини буриштирганча сифатдан но-лишга ўтар, гоҳ сомсани совуганга чиқарар, ижи-килашга ҳеч баҳона тополмаганда эса "шеф"нинг нима учун бу мақола зарурлиги ҳар томонлама асослаб берилган ярим қоғозча илтимосномасини қизил ручкада эринмай тузатиб чиқаркан, ўзи ман-суб бўлган эски "корректур мақтаби"нинг афзал-ликларини мадҳ этишга тушарди.

Мана шу жараёндан сўнггина жафокаш ма-қола гувоҳлар иштирокида ўқиш учун менинг доғ босган яримта столимга ўтказиларди. Масаланинг дастлабки кўринишда ҳал бўлиши бизнинг оғзи-мизга ҳам у-бу егулик олиб келиши сабаблими, бу-нақанги текин томошалар чоғи бир туким қилт эт-

май, унсиз хайрихоҳлик ила ишимни давом эттира-верардим. Ахир дўхтирлар опахонимизга таомдан озгина тийилиб юришни маслаҳат беришган, биз сингари ҳақирларнинг эса қорни беш-у, бири му-дом бўш...

Бу дунёда кимнинг кўнгли нимага суст кет-майди дейсиз. Айтайлик (ўтлаб кетганим учун узр-у, шу бир гап келиб қолди-да), табиат ҳам бир кўзу, ҳам бир оёқдан қисган ҳамсоям бўларди. Шу йи-гитча денг, қачон қишлоққа борсам оқсоқланиб ол-димга чопиб келардию, гилай кўзларини пирпи-ратганча: "Мен Ҳиндистонга бораман!.. О, Ҳиндис-тон, Ҳиндистон!" дерди гердайиб, баайни гап қўшни овул хусусида кетаётгандай. Бирон ўн йил ушбу ваъдани эшитавериш, тоза безор бўлгач, ахийри пи-чинг қилдимки: "Нима, у ерга боргач кўчада ўтириб, кўчада ухлайдиган қоравой тиланчилар сонини бит-тага оширасизми?". Шунда денг қўшним ҳеч қандай иштибоҳсиз, гўё икки карра иккиям, иккени иккига қўшсаям натижа тўрт бўлишини мактаб боласига уқтираётгандай қатъият ила маълум қилиб қолди: "Мен Ҳиндистонга бориб қўшиқ айтаман... Мана бундай... — Шундан сўнг палағда овозда хониш бошланди: — "Машал, тў наи..." Бу соҳадан ҳар қанча йироқ бўл-сам-да, барибир чидаб туролмай қўшиқни бўлдим ва пайровни жуфт қилишга уриндимки: "Ўҳ-ҳў, зўр-ку! Бу дейман, жўра, мабодо Ҳиндистонга бориб қол-сангиз бутун профессионал қўшиқчилари ишсиз қолиши аниқ!". Шунда қўшним илжайиб туриб, ўзини уялгандай тутишга уринаркан, камтарлик ила нои-лож тан олдики: "Ҳа, энди, бизам жа унча инсофини еганлардан эмасмиз, ҳаммаси бўлмасаям, бирон беш-ўнтасининг ўрнини босармиз"...

Хуллас, Саломат опамизнинг ишдан бўш вақ-тлари — аёнки, бу муддат бир иш куни давомида энг камида етти ярим соатни ташкил этади — жон-дили билан бериладиган машғулоти мунажжимлар башпоратию туш таъбирлари эди. Ҳар қалай, газе-танинг доимий эзма муаллифларидан бири, ёши ет-мишни қоралаб қолгандирки мудом йилтир калласи қимирлаб, дол жисмиям қалтирабгина юрадиган, бироқ фаҳми ожизимча ўзи анчагина зукко, таҳр-ририятга ташрифининг аксар вақтини бизнинг хо-намизда, ийиғи чиқиб кетган курсида кўзлари юмиб олганча, бешиктерватардай тебранибгина ўтказадиган Калоний домла опамизни бежиз "муаббира", яни туш таъбирловчи аёл, деб атамасди.

Опанинг столи устида, стол тортмаларида, шак-шубҳасиз қалингина сумкасида доим ўн-ўн бешта таъбирнома китобчаларию ҳафталик ёки кунлик му-нажжимлар башпорати битилган газеталар бўларди. Шу билан бир қаторда мудирамизда фавқулода са-лоҳият зуҳур этганини тан олмасдан илож йўқ эди: опа истаган мавзуда истаганча вайсаб ўтириш ёинки егулик тамадди қилиш асносида ҳам китоб-газета варақлашни ва ўзига лозим маълумотни бир зумда топа олишни удаларди.

Дастлаб — бир йилча муқаддам — ишга кел-ган кезларим опанинг ҳадеб қайси мучал остида ту-рилганимнию кўрган тушларимни ижикилаб суриш-тиравериши асабимни бузарди. Йўқ, бора — бора кў-никиб кетдим. Ҳатто, очигини айтсам, бир гал ту-шимда каттагина, муздай бир илонни кўриб келга-нимда опа менга тузуккина бойлик ваъда қилганида одатдагидай ишонқирамай кулиб қўя қолгандим. Ле-

кин, худонинг каромати билан худди шу куни таҳририят ходимларига мукофот улашилиб қолиндию, мендек меҳнат дафтарчасисиз, шартнома билан ишлаётган муваққат ходимга ҳам энг кам ойлик маошининг икки баробари миқдорида ёрдам пули бериб юборишдики, беихтиёр "шу туш деганларида ҳам бир сир – синоат бор – ов" деганча ҳайрат бармоғини тишлаб қолавердим. Яна денг, беадад яйраб кетган, мисоли ўз чўнтагидан пул санаб бергандай димоғи шишиб кетган опанинг қистови ила у киши тутган газетани олиб ўқисам, менинг буржим остида туғилганлар айнан шу куни молиявий омадга учрашлари аниқ – тиниқ қилиб ёзиб қўйилган. Ана шундан кейин ҳам бунақанги ёқимли башоратларга ишонмай кўринг – чи...

Аҳли ижодкор борки омаднинг, хушxabарнинг гадоси. Балки мутлақ тасодифан, балки – яна ким билади дейсиз – биз англаб – англамаган қандайдир илоҳий қонуниятлар асосида амалга ошиб қоладиган бундай башоратлар чоғи киши ҳаттоки яққол кўриниб турган номутаносибликларга – да унчалик аҳамият бериб ўтирмайди. Мисол учун, опанинг бертиним қутқуларига учиб, башоратномаю таъбирномаларга салгина ружу қўйганим дастлабки кезлар айнан бир хил мазмундаги туш, дейлик, уч манбада уч хил шарҳланишига, учта баобрў газета эса каминанинг бурждошларига келаётган ҳафта учун бир – бирдан мутлақо фарқланувчи уч хил башорат чоп этишаётганликларига гувоҳ бўлдим, кўнгилда уйғонган иштибоҳни, сал пардалироқ тарзда бўлса – да, опа билан ўртоқлашдим (У пайтлари биз муносабатлари самимийроқ тарздаги опахон – ухахон эдик, ҳали бу унвоңларимизга истехзо чоғишиб улгурмаганди). Аммо ўз машғулоти дунёдаги ягона ва мутлоқ ҳақиқат сифатида қабул этидиган мудирамиз пинак ҳам бузмади – да, бамисоли борча боласига кўп ширинлик ейишнинг зарар эканлигини ўқтираётган тоқатли тарбиячидай бир газетани қўлига олиб лутф этдики: "Буниси – бу жиҳатдан ёндашган". Сўнг қўлимда турган иккинчи газетага ишора қилиниб, ташхис шу заҳоти қўйилди: "Униси – у жиҳатдан". Шу сўзларнинг ўзида – ноқ учинчи газета тақдири қандай ҳал бўлишини тушиниб олдим. Албатта, камина ҳали бу соҳада сирли "жиҳат"ларни илғаб оладиган даражада саводхон эмасдим ва, табиийки, шу заҳоти қўйилиб келган саволларни ирод этиш учун оғиз жуфтладим. Бироқ, худди ўзидай кекса ва лиқилдоқ курсига омонат чўккан қўйи чой симириб ўтирган тақирбош домла Калоний ногоҳ кўзларини очганча, менга диққат – эътибор ила тикиларкан, бамисоли шундай оддийгина нарсани билмаслигимдан афсуслангандай бош чайқаб қўйди. Сўнг қалтироқ қўлини юқори кўтариб, менга бош, шаҳодат ва ўрта бармоғини намойиш қиларкан, беҳад мулоим товушда сўради: "Буларни кўряписизми, ўғлим?". Мен дарҳол бош ирғадиму, мўъжиза кутаётган ёш боладай жониқиб, жойимда тинч ўтиролмай қолдим. Домла янада майин овозда давом этди: "Мана шу уч бармоғим – опангиз назарда тутаётган уч жиҳат. Энди натижани қаранг..." Мен кўзларимни катта – катта очганча, нафас олишгаям журъат етолмай, "учлик"ка термулиб қолдим. Шунда домласи тушмагур... бош бармоғини иккала бармоғи орасидан ўтказди ва ўша нарсани бурнимга олиб келиб тақаганча пихиллаб кудди: "Мана натижа..." Қарасам, оғзини кафти билан

маҳкам ёпиб олган опа овозини чиқармасликка уринаяпти – ю, аммо улкан гавдаси силкиниб – силкиниб кетаяпти. Лавлагим чиқиб, ташқарига отилдим... Боплади лекин домла Калоний...

Ваҳоланки, камина бу масалаларда анчагина материалист – моддиюнчи эдим. Дейлик, ҳаддан ташқари кўп овқат есам тушимда аллақандай қўрқинчли уруш – жанжалларни кўриб чиқишим ёки аксинча, оч ҳолимда ухласам тушимда лаззатли таомлар аён бўлишига кўникиб қолгандим (албатта, ёшлик йилларидаги... рўёлар бундан мустасно). Шу боис, мисол учун, тушдаги ўлимнинг воқелиқда қувончга айланишига, тушдаги денгиз соҳили ўнгда меҳмон бошлаб келишига, тушдаги узук ўнгда айрилиққа эврилишига, тушдаги майсазор ҳаётда гийбатлару миш – мишларни болалатиб юборишига, умуман, бундай боғлиқлик мавжуддигига ақлим бовар қилмайди. Лекин кимлардир астойдил меҳнат қилиб бу тарздаги таъбирномаю башоратномаларни яратаётган ва кимлардир уларни мук тушиб ёдлаётган, наинки ёдлаётган, балки уларга оғишмай амал қилмоқда экан, яъни кулфат хабари бўлса қўрқа – писа ўша кулфатни кутаётгир ҳамда баъзи ҳолларда бунга эришаётгир ҳам экан, ҳай, майли – да, нимаям дердик, янги замон оҳанжама – сида айтадиган бўлсак, талабга яраша таклиф мавжуддиги ҳар томонлама мақбул иш бўлиб кўринадир...

Мендан уч ойча кейинроқ ишга кирган Муни – санинг ўзимизга тушунарли лаҳжадаги яна бир унвони "читчик" бўлиб, бу дегани қиз асл матнга қараб туриши, камина эса гранка ёхуд саҳифани шариллатиб ўқиб кетаверишим лозимлигини аңлатади. Очиғи, буниям қистириб ўтиб кетай, ҳар нечук, мақтанчоқлик бўлиб туюлмас (мақтанчоқлик бўлганда – чи, ахир замон ўзгарди, энди одам ўзида борини кўз – кўзлашнинг эплаши керак деган гаплар оралаб қолганига анча бўлди – ку), мудирамиз ҳар турли башорат – машоратларга қанчалик жонжаҳди билан ёпишганлардан бўлса, мен ўз ишимга шунчалик қаттиқ киришганларданман. Ҳали айтганимдай, вақт шусиз ҳам зипиллаб ўтиб кетаётгир, буёқда яна учта иш оғзини очиб кутиб турибди, бундай пайтлари одам наинки бекорчи валақлашларга фурсат топади, балки астойдил ишлашга мажбур ҳам бўлади. Илло, менинг вақтимни истаган кас ўғирлаши мумкин, аммо ҳеч ким менинг ишимни қилиб беролмайди. "Аввал иш, кейин миш – миш!" – мана менинг шиорим. Пухта ўқилган, имло хатоларидан холи ҳар бир катта – кичик матн менинг юмушимни енгиллаштиради, холос. Айниқса фурсатни ўзингдан ҳам қизғаниб турганинда бундай талабга қатъий риоя қилиш ҳам профессионаллиқнинг бир кўриниши – да. Мен эса профессионалман, тўғрироғи, ўзи мутлақо амал қилмаса – да, бош муҳарримиз баъзан – баъзан эшилиб ёзганидек, ихтисослашганман.

Балки шу сабабдир, кечагина университет аудиториясидан чиқиб келган гўр қизча иш суръатимга етолмай аввалига мени анчагина қийнади, тузуккина таъна – дашном эшитиб, анчагина қизариб – бўзарди ҳам. Ёдимга тушиб қолди, мухтасарроқ айтиб берай. Бир куни қарасам, қизи тушмагур "ҳўкиз" сўзини қаттиқ "х" билан ёзиб қўйибди. Жон – поним чиқиб кетди. "Қани, уч марта "ҳўкиз" деб айтинг", – дедим.



Қиз ноилож айтди. "Хўш, бош ҳарфи юмшоқмикин ёки қаттиқми?" — дедим тишимни тишимга қўйиб. Қиз ўйланди, ўйланди, ахирри журъатсизроқ тарзда, қўрқа — писа: "Қаттиқ эшитилаётгандай..." — деган бўлди. Шунда ўзимни босиб туролмадим. Заҳарли илжайдим — да: "Хўкизнинг бирон нарсаси қаттиқ бўлса қаттиқдир, аммо ўзи юмшоқ "ҳ" билан ёзилади, тамом — вассалом. Ҳайронман, беш йил нимани ўқитишган!" дея узиб олдим. Қизнинг бўлари бўлди. Юзининг шолғоми чиқиб, қўллари қалтираб кетди. Ўзи одатим бор: ишни менинг кўнглимдагидай қилолмаётган одамни кўрсам пичинг гап қилмасдан, кесатмасдан туролмайман. Танқид бора-сида териси юпқалардан чоғи, Муниса бунақа пайтлари қочиб жой тополмай қолар, қўрққанидан қалтираб — титраб кетарди. Назаримда, хуружни давом эттираверсам қиз бечора пиқиллаб йиғлаб юборишдан ҳам тоймасди. Аммо алам, чорасизлик зўридан жиққа ёшга тўлган кўзларга ортиқча қараб ўтирмасдан: "Отасининг қизига енгилроқ иш йўқмиди?" дея тўнгиллаб охирги зарбани берардим — да, яна маттни шариллатиб, айтиш мумкинки, ҳузур қилиб ўқишда давом этардимки, худо ҳаққи, бировдан яққол устунлигини ҳар бир ҳужайранга қадар аниқ — тиниқ ҳис этиб турган бундай сурурли онларда ўзингни ўзинг беҳад яхши кўриб кетаркансану, қўйиб беришса, ўзингни ўзинг яловоришга ҳам тайёр бўларкансан...

Йўқ, ҳар тугул, тиришқоқлиги ҳам бор экан шекилли, луғат — пуғат, махсус адабиётларни қарай қарай қиз ахирри мен талаб қилган даражага етай — етай деб қолди.

Ўрни келиб қолди — ёв, кичик мусаҳҳиҳамизнинг чимхўрлиги хусусида ҳам андаккина тўхталиб ўтай. Э худо, сиз чумчуқ дастурхондан ушоқ чўқилага — нини кўрганмисиз? Баайни шундай. Ўзи денг, жисмиям ушоққина эди — да. Яна эсимда қолгани: ингичка бармоқлари шу қадар нозик эдики, қаламни сал қаттиқроқ қисса бас, улар дув тўкилиб тушадигандек эди. Озгин қиз — жувонларга нисбатан ғайирлигини яшириб ўтирмайдиган Салима опа ҳам тан бериб, қизнинг бармоқларини "пианиночини — ки" деб юборганди бир гал... Қисқаси, икки ярим — уч соат мобайнида бир дақиқа ҳам тин олмасдан босим ишлаганимиздан сўнг томоғим қуруқшаб, овозим бўғила бошлардию, шунда мен Саломат опа инқиллай — инқиллай, лапанглаб юриб дамлаган чойдан бир пиёла ичиш, товон сифатида ундирилган ширинликми — сомсадан озгина тановул қилиб олиш учун ўн дақиқалик танаффус эълон қилардим. Одмигина кийиниши бизнинг давримизнинг сипо ўнинчи синф қизларини эслатадиган Муниса илдам бориб пиёлаларни ювиб келар, чой сузиб берар, аммо ўзи сира биз билан эмин — эркин ўтириб овқатланмасди: нари борса битта печенье ёинки яримта қатлама сомса ерди, холос. Тасаввур қила — япсизми, оғизни каттароқ очсангиз иккитаси сиғиб кетадиган қатлама сомсанинг ярмини!.. Тамом. Астагина раҳмат айтиб орқага силжирди — да, қўлига илинган биринчи қоғозни диққат билан ўқишга тушиб кетарди. Яхши ишлаган — яхши ейиши ҳам керак — да. Аччигим чиқиб у — бу десам багтар қизариб кетадиган Муниса айбдорона жилмайганча эрталаб овқатланиб келганини рўқач қилиб тураверар, сўнг яна ўзини мутолаага андармон этарди. Бундай сўровни давом эттиришим қиз учун оғирроқ кечиниши савқи табиий ила ҳис этганим бо —

исми, индамай қўя қоладиган бўлдим.

Ҳар қалай, салобатли эркакман, узоқроқдан кўрган одам мени корректор эмас, камида — бўйнимдан тушмайдиган бўйинбоғнинг ўзи, эҳ — ҳе, нималарни ваъда этмайди! — бўлим бошлиғи деган тусмолга борса керак, шундай экан, мендан ("Ва — жоҳатимни кўриб..." деганларидай) ийманаётгандир десам, йўқ, опахоним ҳам қизнинг доимий чимхўрлигини айтиб адо қилолмасди. Ва ҳар гал паризод буржи остида туғилган қизлар бундай хусусият албатта хос бўлишини таъкидлаб ўтишни унутмасди. Боқувдаги совлиқдай шишиб кетган му — дирамизнинг синчалақдай нозик ходимасига нисбатан олдиндан чиқариб қўйган ҳукмига ғашим келибми, — қулф солинган оғиз кимга ёқмайди, ахир! — бир сафар ўхшатиб бир пайров қилишга уннаб кўрдим: "Қишлоғимизда Михлибой гушпи деган одам бор. Мақтов деса ўзини томдан ташлайди. Мабодо бирон маърақадами — тўйдаки энди ҳаммага овқат улашилган маҳал бир — икки киши кўпчиликка эшиттириб: "Михлибой акамиз бунақа овқатни сира емасдилар — ку, бекор сузибсизлар — да", — деб қолса бас, ўлғудай оч ўтирган бўлсаям, бу акамиз: "Туври, туври, мен бундайчиқин овқат жемайман, қорни — мам тўқ эди", — деб тураверади маъсумона илжайиб..." Бироқ томдан тараша тушгандай беўхшов ушбу муқоясам орқали не демоқчилигим ўзимга — да ноаёнлиги боисми, эришарим мудоаюим шу бўлдики, Муниса бир қизариб олди, ҳеч нарса тушунмаганлиги бепарво кўзларидан шундоққина билиниб турган опа бўлса чапиллатиб сомса еявериб давом этди.

Кийинишдаги одмилигидан ташқари, фикримча, Муниса жуда унақанги кўзга "яроқ" этиб ташланадиган, кўрганинга ич — этингни жимирлаштириб юборадиган хусндор қизлардан эмас эди. Ёш, табиийки, ўн сақкиздан ошган, либослар ҳам ҳали — гигақа — ёмон эмас — у, кўзни ўйнатадиган даражада эмас — да, тақинчоқлар йўқ ҳисоби, упа — элик таъсири ҳам сезилар — сезилмас. Фақат қизнинг катта — катта кўзлари одамга жуда самимий, фикри ожизимча, андаккина гусса аралаш ма — йинлик билан боқардики, ўлай агар, салгина фаҳм — фаросатдан қисилмаган исталган эркак қаршида маъсума, ишоновчан бир қушча турганини дарҳол ҳис қилар — қўяр, инчунун, айнан ушбу таассурот туфайли Мунисага нисбатан ёмонроқ хаёлга бориш имконияти деярли йўққа чиқарди. Янглишмасам, сингиллар, андаккина ғариблиқда ўсган сингиллар акаларига шундай қарайдилар: ҳам топиниб, ҳам жигари эзилиб...

Таассуфлар бўлсинки, мен руҳшунос олим эмас, бор — йўғи филология факультетининг сиртқи бўлимини тугаллаган оддий корректорман, холос. Бас, шундай экан, билимсизлигим мени маълум даражада масъулиятдан соқит этса — да, бу мавзуда ортиқча тафсилотлару хусусий мулоҳазаларга оид чизгиларга берилмасдан, воқеанинг қуруқ баёнига ўтсам.

II

Адашмасам, қизи тушмагур шигир — пиғир ҳам ёзиб юрарди чоғи, бир — икки сафар хонага эшикни тақиллатиб ўтирмасданоқ ошиғич кириб келганимда унинг мук тушганча алақандай қўлёмаларни ўқиб ўтирганининг шоҳиди бўлгандим. Муниса қоғозлар —

ни апил — тапил йиғиштириб сумкасига тиққан, бу эса улар шахсий байтлар битилган дафтарлар деган ишонч аралаш тахмин уйғотарди кўнгилда. Аммо менинг яна бир ақидам; бировларнинг машғу — лотиға бурун суқмаслик. Бекорчи экан, миясига келган нарсаларни ёзавермайдами “конфет сўриб ўтири — иб”. Асосийси: талабим даражасида ишлаб турса бас — да.

Муниса ҳафтада бир — икки марта гоҳ ши — ринлик, гоҳ қуймоқ пишириб келиб қоларди. Уй — ники барибир уйники — да: мазасиям, тўйимлили — гиям бошқача бўлади. Биз мақтаб — мақтаб ердик, муаллифнинг ўзи бўлса одатдагидек тотиниб кўярди, холос. Шу билан бир қаторда бировники барибир бировники — да: минг беминнат бўлгани билан кўн — гилнинг туб — тубида хижолатпазликми, андиша — гами ўхшаш бир туйғу ора — сира ямирлаб кўяёт — гандек: айниқса, осонми ҳозирги даврда... Эҳти — молки, айнан ушбу ҳиссиёт боисдир, мен йўқ пай — тларимда мудирамиз уёқ — буёқдан гап кавлашти — риб кўрган шекилли, бир куни Муниса цехга кет — ган маҳал опа оқ — вой ила ёзғиришга тушиб кет — дики, қиз бечора анави савил қолғур ўқишига икки йил киролмаган экан, охири учинчи йили бир амал — лаб илинган экан, мана, битирганига ҳам йилдан ошибди, демак, жами кўшиб ҳисоблаганда ёш са — вил ҳам йигирма олтига бориб қопти. Бу ичимдаги топ қиздан эса — кўғирчоқ ўйнаб юрган болакай — дай — бир садо чиқмасмиш, яна денг, озгина топ — ган — тутганиниям алақайси тупканининг тубидаги қишлоқда яшайдиган уйидагиларга кўшқўллаб олиб бориб тутармиш ёки танишларидан бериб юбо — рармиш. Хуллас, қани эди, йўллари боғланиб турган бу қизнинг бахти очилиб кетса... Равшанки, мен дар — ҳол бу тилакка жон — жон деб кўшилдим, “Баҳонада тўйиб тўй еб оламиз”, дедим. Шунда опа гапни баттар чувалаштирди, узоқ — узоқларга улоқиб келди, Му — нисанинг туғилган ойи ва йилини дастак қилган кўйи қизнинг умри аввалига оғир кечиши қонуний ҳол эканлигидан огоҳ этиб менга тасалли берган бўлди. Ва ниҳоят алқиссага ҳам етиб келинди: ху — дога шуқр, эрга тегса ҳаммаси яхши бўлиб кетар — кан, муҳими — оила қуриб олишда экан. Шунга, мабодо бирон мучали кўйми, йўлбарсми бўлган, ило — жи топилса ўқотар буржида турилган сўққабош ўр — тоғими — жиянимми ўз пешонасига битилган ик — кинчи ярмини излаб юрган бўлса, икки ёшни уч — раштириб дегандай... Буям бир савоб — да...

Хом сут бандамиз, ахир: бировнинг ғам — таш — виши ҳеч қачон юрагимизни астойдил жизиллат — майди, сал — пал қитиқлаб ўтади, холос. Камина — нинг ҳам даставвал кўнглига келган мулоҳаза шу бўлдики, ҳа, афтидан, Мунисага осон эмасга ўх — шайди — ҳар куни мунақанги илмоқли минғир — минғирларни эшитиб ўтираверишнинг ўзи бўлмаса керак...

Сўнг, опани бир амаллаб гапдан тўхтатдим, жуда — жуда истаб турган бўлсам — да, — худо ҳаққи, рост! — бу масалада ёрдамим тегиши даргумон эканлигини ётиги билан тушунтиришга уриндим: очигиға кўчсам, опахон, кейинги пайтларда иш шу қадар кўпайиб кетдики, юз қадам наридаги анави жойга бориб келишга вақтни қизғанадаганин бў — либ қолганман, бироқ, бундан ташқари, асосийси, менинг танишларим, дўст — биродарларимнинг ба — риси ўзим қатори ўттиздан ошган — қирқни қора —

лаган, деярли бариси оилали эркаклар бўлиб, ки — чик мусаҳҳиҳамизга эса, менинг фикримча, ҳали уйланмаган навжувон йиғит муносиб... Аммо бу ҳолат ҳам асосийси эмас. Асосийси шундан иборатки, никоҳ шартномаси, ҳисоб — китобга асосланган оила сингари замонавий тушунчалар ҳаётимизга дадил — лик билан кириб келаётган айни кунларда мен ёр — биродарларимга, ука — жиянларимга тавсия этаёт — ган номзод хусусида кўпдан — кўп маълумотларга эга бўлишим лозим. Дейлик, биринчи навбатда уй шароити, моддий аҳволи, ана ундан кейин кутила — ётган келажаги, қолаверса, пропискаси... Шулар ҳа — қида иложи борича батафсилро — оқ сўйлаб бер — сангиз, токи мабодо қизиқиб қолиб, сўраб — суриш — тиришга тушишса, “али” деб турганларида мен бе — малол “бали” деб оғизларига урсам.

Тахмин қилганимдай, бу борада етарли маъ — лумотларга эга эмас экан, мудирамиз нима дей — шини билмай қаловланиб қолди. Яхшиям биров — нинг олдида мум тишлаб қолишни асло ёқтирмай — диган опамизнинг бахтига ғийбатимиз қаҳрамони қайтиб келиб қолдию, шу билан гап — сўзимиз ўз — ўзидан барҳам топди.

Очиги, ташвишларга ўралашиб бу гурунғ сал ёдимдан кўтарилиб кетган экан, бунинг устига Му — нисадан гап суғуриб олиш ҳам осон кечмаганими, иш — қилиб, орадан бирон ойлар чамаси вақт ўтгач, яна қизни цехга юборган мудирамиз боз ушбу мавзуга қайтди ва ўзи тўплаб улгурган маълумотларни ет — казишга ошиқди. Аён бўлдики, қиз радиода ишлай — диган бир дугонаси билан ижарада тураркан. Оилада уч фарзанд эканлар, учаловиям қиз экан. Иккита катта опа турмушга чиқиб кетган, супрақоқти Му — ниса шаҳарда ризқини териб еб юрибди. Табиийки, алақайси тупканининг тубидаги овулдан пойтахтга шоира бўламан деган ниятда келинган. Ота пенси — яда, бунинг устига қулоғи оғир. Она бир марта ин — сультни бошдан кечирган: эс кирар — чиқарли, ёш боладан фарқи йўқ. Иккала опа бир этак бола таш — вишларига андармон, инчунин, улардан кўмак йўқ ҳисоби. Шу боис Муниса иложи борича уйга ёрдам беришга уриниб, гоҳ топганини ўзи обориб турар — кан, гоҳ таниш — билишлардан бериб юбораркан, ило — ота — онанинг битта пенсияга кун кўришининг ўзи бўлмайди — да. Яхшиям сал ҳаракати бор ота ориқ кўйми, молми сотиб олиб, семирғириб сотаркан. Аммо буям кўп фойда келтиравермаскан — биринчидан, ем қиммат, иккинчидан эса умрини оддий ўқитув — чиликда ўтказган содда ота даллолларнинг аёвсиз қўл силташларига чидай олмасдан аксар ҳолларда қўй ё молини арзон — гаровга бериб қайтаркану, сўнг ўз қилигидан ўзи кулиб юравераркан. Энди про — писка масаласига келсак, ўйлаганимдай, қиз ўқиш — ни битирган пайтиёқ шаҳарда яшаш муддати ҳам тугаган ва ўз қишлоғига бориб қайддан ўтиб келган. Моддий аҳволими? Ҳавас қилгулик эмас. Ҳалиям ра — диога “Баҳор келди...” ёинки “Зумрад қиш...” қаби — лида чучмал бадиянамо сценарийлар ёзиб, ҳар не — чук, ижара пулини чиқариб тураркан. Шигирлари — ми? Беш — олти газета — журналларда чиққан экан, аммо уларнинг ҳам аксарияти бир сўм қалам ҳақи тўламаган, бориб сўрашга эса қиз андиша қилган. Китобми? Қай бир нашриётда уч — тўрт йилдан буён бир жимитдай тўпламчаси ётган экан, лекин қачон китоб ҳолида чоп этилиши номаълум экан. Ҳар қалай, босилмаслиги аниқроққа ўхшайди — зеро,



Мунисанинг маблағ ёки ҳомий топиши эҳтимоли... тахминан қирқ саккиз миллиондан бир чиқар... Ке-лажаги? Бу ҳақда аниқ бир нима дейиш мушкул. Таниш — бишлилари ҳам ўзи қатори: шоиру шоир-чалар, қалам тишлаб юрган романтиклар. Равшанки, кино — театр, дискотека деган жойларга борилмай-ди...

Хуллас, шунақа гаплар.

Нимаям дердим, очигига кўчганда, маълумотлар одамни руҳлантриб юборадиган даражада эмасди, ҳатто аксинча эди. Ахир бундоқ нимжон кўрсаткичлар билан бирон нимага умид боғлаш мушкул иш — да...

Ҳай, майли бир заифа юрган бўлса юрибди — да. Бировга зарари тегмаса. Мабодо бу дунёда мўжиза деганлари чиндан ҳам бор бўлсаю, бир куни шу мушфиқанинг пешонаси ярқираб кетса эҳтимол мен биринчи бўлиб дўппимни осмонга отарман. Бироқ мен ҳаёлий саробга эмас, реал воқеийлик — кагина ишониб яшайдиганлар тоифасидан эканлигимни ҳали қистириб ўтиб кетгандим чоғи.

"Сичқон сигмас инига..." деганларидек, шу ҳолида яна бизга пишириб келган егуликларини майда чайнаб ўтирарканман, баъзан ҳадеб мендан ҳайи-қавермасин, шу қизгаям бир оғиз ширин сўз айтиб қўяй деган ниятда бир — икки оғиз жуфтлардим — у, аммо мия қурғурга сира жўяли бир фикр келмай, бунинг ўрнига нари борса "Фалон сўз қандай ёзилади?" дея дўқ ургандай тарзда навбатдаги имтиҳон — саволни беришдан нарига ўтмасдим. Йўқ, ҳар тугул, бир гал жуда ўхшатиб пиширилган қуймоқни ҳузур қилиб паққос туширарканман, беҳада ийиб кетдим, қишлоғимиздаги ўша Михлибой гушти айниқса нотаниш одамларга ҳузурланиб, камоли до — нишмандлик ила берадиган бир саволни такрорлаб юбордим: "Ўғри қариса сўфи бўлади, бўри қариса — чи?". Қиз ажабтовур саволимга жавобан пешонасини тириштириб анча ўйланди, сўнг гуноҳ — корона жилмайганча шаҳар берганини тан олди. Опа ҳам жавобни билмаслигини бўйнига олди. Жавоб эса ўтакетган даражада бачкана ва бемаъни, яъни "Нима қиларди, ўлади — да", эди. Буни Михлибой гушти бошларди, тишининг оқини кўрсатмасдан, ўта жиддий айтарди. Лекин биз кулавериб ётиб қолардик. Мен эса аввал бошданок саволни ҳазиломуз оҳангда эмас, зўрма — зўракироқ тарзда берганлигим боисми, жавобим янада беўхшов чиқилиши англадим, "Кейин айтаман, яна бир ўйлаб кўрингизлар", дейиш билан қутулдим.

Шу билан ўзимни қизга нисбатан ҳурматимни издор қилгандай ҳис этдим, яна юмушларимга андармон бўлиб кетдим. Зеро, азал — азалдан аён ҳақиқат борки, биз ҳатто жуда — жуда истаган тақдиримизда ҳам барча — барчани бахтиёр эта олмай-миз.

Бироқ, ҳамishaгидек, опа бошқача фикрда экан. Тўғриси, бекорчи одамдан бундан бошқа ниманиям кутиб бўларди.

Бир куни сал эътибор бериб қарасам, опа Мунисани қийин — қистовга солганча туш тафсилотларини эринмай сўраб — суриштирапти. Бунга унчалик аҳамият бериб ўтирмадим, албатта. Аммо бу машғулот кейинги мен ишга борган кунлари ҳам узлуксиз давом этаётганини илғагач, айниқса сўровлардан безиллаб қолган қизнинг сесканиш алаш изтиробли қиёфаси бот — бот назаримга туша —

вергач, ахири ноилож сал зингил солиб кўрдимки, опа миясига нимадир маҳкам ўрнашиб қолган бе — корчи аёлларга хос ўжарлик ва қатъият билан Мунисанинг онгига ҳам ниманидир тиқиштиришга жон — жаҳди билан ҳаракат қилмоқда эди.

Шунда тузатилган нусхани асл нусха билан солиштиришни бас қилдим — да, без бўлиб устоз — шогирднинг суҳбатига қулоқ солиб ўтиравердим. ҳа, шубҳасиз, опа нимагадир қатъий аҳд қилган эди. Ва бу қатъият ўзига хос кўринишда намоён бўлмоқда эди. Столига турли газета — журналлардан, китоблардан қирқиб олинган тимсоҳ суратларини тўлдириб ташлаган Саломат опа зўр бериб... мана шу сўхтаси совуқ жониворни ташвиқ қилмоқда эди. "Э, одамнинг ҳар нарса бўлгани маъқул!" дедим ичимда фикрини. Айниқса эртаси куни мен ўтирадиган стул ортидаги деворга, шундоққина Мунисанинг кўзи тушиб турадиган жойга бу лаънати махлуқнинг бир қулоқ рангли сурати ёпиштириб қўйилганини кўрганимда сесканиб кетдим, жоним бўғзимга келгудай аҳволимда опага аччиқ — тизиқ гап қилишдан ўзимни тийиб туролмадим. Зеро, сувдан лапанглаб чиқиб келиб, ялтираб турган баданини кўз — кўзла — ётгандай сизга бақрайиб қараб турган улкан тимсоҳнинг кўринишиёқ ҳар қандай одамнинг этини жунжиктириб юборарди. Бунинг устига, етти — саккиз яшарлик чоғларимда, Мирзачўлнинг қоқ киндигида, айни саратон кечаси далада, кичкинагина пашша — хона ичида пашшаларга таланганча нафасим қисилиб ётганимда бирваракайига бир сариқ илон оёғимга ўрмалаган, бир қурбақа эса кўкрагимга сакраб чиққанида юрагим ёрилиб кетгудай кўрққанману шундан буён бу тасқара совуққонларнинг номини эшитиб қолсам бас, лабимга учуқ тошиб, эгим ўз — ўзидан учаверарди. Тимсоҳ эса, менинг қатъий ишончимга кўра, айнан қурбақа билан илоннинг қовушуvidан ҳосил бўлган ёвуз мавжудот эди... Опа эътирозимнинг аввалини эшитар — эшитмаёқ бир гап билан оғзимга урди: "Э, ухахон, қаллавараммисиз нима бало, неча марта айтганман ахир: тушида тимсоҳ кўриб чиққан қиз шу куниёқ ўзининг шаҳзодасини учратади. Бу синовдан ўтавериб — ўтавериб қонунга айланиб қолган гап". Ноилож тилимни тийдим — у, аммо отдан тушсам — да, эгардан тушгим келмасдан пичинг гап қилдим: "Айнан кимларда синовдан ўтган экан бу шаҳзодаларга айланадиган тимсоҳлар, билсак бўладими?". Опа менсимасдан лаб бурди: "Миллион — миллион одамларда. Қолаверса, масалан, менинг ўзим ҳам кечаси тимсоҳни кўриб чиққанману, эртаси куни поччангизни учратиб қолгандан ҳеч бир ўйлаб ўтирмасдан шартта этагига ёпишиб олганман — қўйганман". "Ҳа, — дедим ўзимни тан бергандай тутишга уринганча, — сиз шаҳзодангизни учратганингиз аниқ. — Сўнг салгина бўл — саям аламдан чиқиш қасдида мингирлаб қўшиб қўйдим: — Афсуски, ҳамма қурбақаларам маликаларга айланавермайди — да, юраверишади шаҳзодаларни жонларидан тўйдиришиб..."

Булар ҳали ҳолваси экан. Икки кундан кейин келсам опа Мунисага бир китобни ҳижжалаб ўқиб ётибди. Муңдоқ муқовасига разм солсам, ўқлоғдай — ўқлоғдай ҳарфларда "Туш кўраётган одам ўзини қандай тутиши керак?" деб ёзиб қўйилибди. Э худо, тушни ухлаётган одам кўрмасмиди, ухлаётган одам эса ярим ўлик билан баробар эмасми, шундай экан, қандай қилиб салкам мурда ҳам туш кўриши, ҳам ўзини бо —



шқариши мумкин?! Курақда турадиган гапми шу? Сал инсоф ҳам керак — да энди...

Қарасам, устоз машғулотга астойдил шўнги — ган. Индамадим. Фақат бир қулоғим билан эшитиб қолганим шу бўлдики, кранни очиб қўйиб ухланса сувнинг шовуллаши киши тушига дарё — денгизлар бўлиб кираркан, уларда эса тимсоҳ Геналар уёқдан — буюққа сузиб юраркан.

Энсам қотганини илғади шекилли, Муниса бе — зовталаниб мен томонга қараб — қараб қўяверди. Баттар хўмрайганча жойимга ўтирдиму, столим — даги тўртинчи саҳифа латифаларини баланд овозда ўқий кетдим. Қиз, афтидан, меъдасига урган маш — гулотни бас қилишга баҳона топилганидан суюниб кетиб жон алпозда қаршимдаги стулга ўтдию, латифаларнинг асл нухасини қўлига олди.

Ёмон жаҳлим чиққан экан, тўрт соатдан кўп — роқ вақт мук тушиб ишладим. Саҳифалар вақтида келмай қолганда эса атай кўзимга муҳимроқ ва маъқулроқ кўринган мақолаларни икки — уч мар — талаб қайталаб ўқийвердим. Хуллас, қиз хомлаб қолди: кўзлари қизариб кетди, ранги эса кўкарди. Ўзим — нинг ҳам бўларим бўлди: томоғим қуруқшаб, бошим гувиллай бошлади.

Ниҳоят, қишлоқ хўжалигида маҳаллий ўғит — нинг фойдаси ҳақидаги зерикарли ва узундан — узоқ мақолани шартта ярмида тўхтатдим, қизга тик қараган қўйи яна ўша ҳамқишлоғим Михлибой гуппи одатда нотаниш кишиларга бениҳоя донишманд қиёфада, салмоқлини туриб айтадиган саволни бердим: "Хўш, совқотсангиз нима қиласиз?". Эсимда қолгани шу эдики, бу саволга то "жон олов — жон эр" ёки "жон олов — жон хотин" тарзида жавоб бўлмагунча акамиз мийиғида илжайганча, минг қўйли бойдай яйраб ўтирардилар. Бир муддат менга анқайиб қараб қолган Муниса ўйланиб турди — тур — ди — да, ниҳоят хижолатомуз кулимсираб, ҳадик аралаш: "Курпа уртаймиз — да", деди. Ҳа, "кўрпа" эмас, "курпа" деди. Энди мен ажабланиб мудира — мизга қарадим. Опа бажонидил изоҳ берди: "Шева бу, "кўрпа ёпинамиз" дегани..." Чин сўзим, буна — қанги лаҳжани илғари сира эшитмаган эканман. Шу билан бир қаторда мени бу галати сўз бирик — масининг оҳангими, андаккина чучиклик аралаш — ган ширин талаффузими, ишқилиб, нимасидир мафтун этди — қўйди. Аммо мен ҳиссиётларимни сездириб қўймай деган хавотирда дарҳол энгаш — диму, гўнгни қандай тайёрлаш лозимлиги хусуси — даги қимматли маслаҳатни баланд овозда ўқий кет — дим...

Аёл киши бир нарсага астойдил киришмасин экан. Эрталаблари Муниса кириб келар — келмас, на салом бор ва на алик, опанинг биринчи тағдор саволи "Хў — ўш?" бўларди. Қиз бечора аянчлироқ жилмаяр, қисинар, ўзини қаерга қўйишни билмай қолар, юзи ливулар, ахйири бир амаллаб бош чай — қаган бўларди — да, ўзини юмушга урарди. Шунда опа баттар авж оларди: баайни кимдир арпасини хом ўриб келгандай пишиллаб уҳ тортар, хўрсинар, олдидаги қорозларни мақсадсиз нари — бери сурар, столиғиғи жойидан силжитар, сўнг йиғ — ламсираган алфозда нолишга тушиб кетарди: "Э худо, бунинг нимаси қийин ахир, шундоқ ётиб, шундоқ ўйласанг бас, киради — қўяди..." Бу тарздаги сериддао шиква — шикоятлар шу қадар асабимни ўйната — диган бўлдики, охир — оқибат мен ҳам: "Ўша отинг ўчгур тимсоҳни бир марта тушда кўриб чиқиш ро —

стан ҳам шунчалар қийин ишмикин?!" дея ўзимча қиздан ўпка — гина қилиб қўядиган бўлдим. Айниқса, назаримда, айбдорлик ҳиссию изтиробдан бир бур — дагина юзи аянчли равишда буришиб кетадиган Муниса "букюртма" тушни кўролмаётганидан эмас, айнан опанинг саволига "йўқ" деб жавоб беришдан юрак олдириб қўйганини тусмол қиларканман, чин гап, юрагим туздек ачишиб, қизга раҳмим келиб қоладиган пайтларим ҳам бўларди. Буюқда эса Му — ниса хонада йўқ маҳаллари опа мени қийин — қис — товга олишини қанда қилмасди: "Сизам гапиринг — да энди мундай бир эркакка ўхшаб". Эркакка ўх — шаб гапириш (ахир, "Тушингда тимсоҳни кўриб чи — қасан, тамом — вассалом!") деб дўқ уролмасам) қандай бўлишини сира тасаввур қилолмаганимдан сўнг ахири бир куни қизимиз пишириб келган юмшоқ — қина қуймоқларни маза қилиб тановул қилаётган — ним маҳал дабдурустдан тимсоҳ терисини мақтаб кетдим: "Сумкасини айтинг... Шунақа пойабзал билан йиғлаб кўришади... қайишнинг додаси..." Ниҳоят сал ўзимни босиб олгач, ҳар тугул қовун тушириб қўй — мадимми деб кўз қиримни ташласам, йўқ, баайни ўзи ҳақида илиқ гап эшитаётгандай опа ишшай — иб — яйраб ўтирибди, Муниса бўлса яна бир қўл — мадан паноҳ топган...

III

Ниҳоят, ниҳоят насиб этди ўшандай кун! Гар астойдил йиғласанг сўқир кўздан ёш чи — қар деб бежиз айтишмаган — да.

Аниқ ёдимда бор, хосиятли жума куни эди. Яна денг, ўтган чоршанбада гап тополмасдан туйқусдан тимсоҳнинг ўткир — ўткир тишларини мақтаганим ҳам эсимда. Галабанинг эгаси кўп бўлади, аммо охир — оқибат эришилган ушбу ютуқда ўзимнинг ҳам ҳиссам борлиги хусусидаги фикр каминага мойдай ёқиб, кўнглимнинг бир чеккасига мустаҳкам ўр — нашиб олди.

Рутубатли хонамизда сичқон дори ва чирий бош — лаган қоғоз иси анқиб турарди. Биз, бир — биридан мутлақо безор бўлган икки ҳамхона, тақдирнинг қайси ўйноқи шамоли бизни бу торгина хонага қамаб қўйганига ҳайрон бўлгандай гаранг, тунд алфозда мум тишлаб ўтирардик. Муниса эса кечикаётганди. Мен ҳатто қизга сал қаттиқроқ гапириб қўйсам — микин деган хаёлларга ҳам бораётган эдим.

Худди шу маҳал нечукдир эшикнинг иккала та — вақаси ҳам ланг очилиб кетди ва хонага ёпирилиб кирган илиққина қуёш нурлари, соф ҳавога чул — анганча остонада Муниса пайдо бўлди.

Ҳа, воқеа содир бўлган эди!

Мен бешарм қуёш нурлари юпқа қўйлаги ос — тидаги қоматини кўз — кўзлаб турган қизга бир қарашдаёқ ҳаммасини тушундим. Гўё елкасидаги зил — замбил юкдан халос бўлгандай қиз қаддини мағрур ростлаб турар, кўзлари чақнар, юзи ло — вуллаб ёнар, бу туриш — турмушда ҳар кунги Му — нисани эмас, камида ўн йилга яшариб кетган, бах — тиёр, қувончи ичига сиғмаётган, айни етилган, агар таъбир жоиз бўлса, диркиллаб турган навжувон қизни кўриш мумкин эди.

Мен ҳали шу кунга довур бахтиёрлиги бунча — лар ошқора барқ уриб турган қиз зотини учратма — гандим...

Ҳатто ҳафтафаҳмроқ Саломат опа ҳам барисини тушунди ва беихтиёр ҳайқариб юборди:

— Бўлдими?



Қиз фақат бош ирғаш билан кифояланишга уринди — ю, аммо ич — ичидан босиб келаётган шодон кулгусини яширолмайд қолди.

Худойим — эй, қиз бола яйраб кулгани маҳал бу қадар чиройли бўлиб кетмас — я!..

Стул тарақлаб кетди: олти пуддик вазнини унут — ган мудирамиз ўрнидан отилиб турган эди. Опа қўлларини кенг очди, учиб келган Муниса бу улкан қучоққа сингиб, эриб кетди гўё. Шунда мен... му — дирамизнинг кўзларида ёш кўрдим! Қарасам, қиз — нинг ҳам пиқиллаши эшитилаётгандек. Бунақанги сентиментализмга, элбурутдан хайрлашувларга қўшилиб ўтириш эркак китига ярашмайдиган иш бўлиб кўришди менга. Шу боис сирғалиб хонадан чиқиб кетдим.

Қайтиб келганимда бурни қизарган Саломат опа зўр бериб китоб титкилар эди. Муниса эса ниго — ҳини мендан яширганча саҳифанинг асл матнла — рига мук тушиб ўтирарди.

Томоқ қириб қўйгач, худди ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдай хотиржамлик билан ишга киришдим.

Матнни ўқияпману, тез — тез хаёлим бошқа жойга кетиб қолади. Худого шукр, қайсар тимсоҳ ахийри тушга кирипти, отасига минг раҳмат ўша тимсоҳ — нинг. Аммо энди бу ёғи нима бўлади? Олдимда ҳамон ҳаяжонланиб, нозик бармоқлари титрабгина ўтир — ган манави қушчанинг аҳволи не кечади? Наҳот шаҳзода деганлари шундай тўппа — тўсиндан хо — нага кириб келса — да, ўзини, айтайлик: "Салом. Мен — шаҳзода..." деб таништирса. Ақл бовар қилмай — ди. Ё аввал қизни кино — пинога таклиф этарми — кин? Қизиқ... Мен, мисол учун, "мурдалар чалғи ушлаб турган" қўрқинчли ёхуд одамлар пашшадай қирилиб кетадиган жангари фильмни томоша қилаётган шаҳзодани тасаввур этишга уриндимку, қулиб юборишдан ўзини базўр тийдим. Бироқ ха — ёлпарастлик — корректорнинг биринчи душмани. Олдинги устунни қайта ўқиб, иккита оддийгина ха — тони ўтказиб юборганимни кўргач, барисига ту — пурдимку, бор диққатимни саҳифага қаратдим.

Ҳар қандай, ҳатто ташқаридан қаралганда ўта зерикарли туюладиган машғулотнинг ҳам ўз ички оҳанрабои бордай назаримда. Гарчанд кўп танқ — ид қилиб турсам — да, оддийгина ўроқда сип — сил — лик, ажойиб кетмон дасталари ясаётган маҳаллари тўлиқиб, ҳаяжонланиб кетадиган, ҳатто олдидаги одамни унутганча мингирлаб хиргойи қилиб юбо — радиган Михлибой гушти мисоли мен аста — секин ўз ишимга шўнғиб кетдим. Балки шу сабабдир, қаршимда муштдайгина бўлиб ўтирган, етовимда ишлаётган қизча менинг берилиб ўқиётганларимни эшитмай қўйганини савқи табиий ила ҳис қилароқ, ҳайроналик аралаш ғазаб отига минганча аста — се — кин ўзимга келган кўйи машғулотимнинг онгни сархуш этиб қўйгувчи жодусидан қутула борар — канман, Мунисанинг ҳайкалдай қотиб қолганини кўрдим. Шу заҳоти, ҳали аламли қаҳр отига қамчи урмасимдан бурун асла воқеликни англаб етгандай бўлдимку, миямда нимадир чирсиллаб кетди.

Илло, эшик тақиламоқда эди.

Тақиллаганда ҳам анчайин назокат ва эҳтиёт — корлик ила, тўхтаб — тўхтаб, ҳар сафар уч марта — дан, баайни "Мен кел — дим... Мен кел — дим..." де — яётгандай. Айни чоғда ушбу йўқловда қандайдир таниш оҳанглар шарпаси — да бордек эди — ю, бироқ

зориқиб кутиш ҳаяжони бу туйғуни супуриб таш — лаб, ўрнига илинжли ҳаяжон ҳамда "Қани, нима бўларкин..." қабилидаги қизиқиш кўчатларини ал — лақачон экиб, етилтириб, парваришлаб улгурганди.

Гўёки хонадагиларнинг нафас олишгаям журъат этолмай жойларида ҳайкалдай қотиб қолишганла — рини илрагандай баногоҳ эшикнинг бир тавақаси оҳиста очилиб аввал... — ёраб, унутиб бўладими бу лаҳзаларни! — йилтир бош... сўнг тўрлаган тор пе — шона, сийрак сарғиш қош, сўппайган бурун кў — ринди. Ниҳоят, Калоний домла лиқилдоқ бўйни қадар ичкарига чўзилди — да, тишсиз оғзини катта — катта очганча хирқираб:

— Ассалому алайкум, ҳамкасабалар, — деди. Сўнг мен томонга алоҳида ўтирилди ва ҳамишагидек кўз — лари йилтираб тиржаяркан, нишини суқиб олишга уринди: — Саломатмисиз?

Ҳар сафар шу, бу чол негадир мени мудира — мизга менгзашдан чарчамайди, ўзича пайров қилади. Бироқ мен ҳам аллақачондан бери қарз бўлиб қол — майман, пайровни илиб кетаман — да, ўхшатиб жа — воб бераман. Ҳозир ҳам чолнинг оғзига урдим:

— Келин, келин... Ўзингиз ту — узикмисиз?

Чол балодеккина фаҳмли эди. Мен уни аввал жувонга менгзаётганимни, сўнг эса бутун бошли "тузик" лақабли ит томонга ўтиб кетганимни жуда яхши билиб туради, шунга қарамай, мени ҳар са — фар бир чандиб олмаса кўнгли жойига тушмайди. Бироқ бу гал пайровимиз узоққа чўзилмади. Домла Калоний энди бирон тағдорроқ гапга оғиз жуфт — лаган маҳал ниҳоят ўзини салгина ўнглаб олаётган Саломат опа чидаб туролмасдан:

— Саломинг бошингдан қолсин, сассиқ чол! — деб юборди йиғлаворгудай аҳволда.

Бу қарғиш анчайин баланд овозда айтилгани боис — ўзининг эътироф этишича, "ҳамма аппаратлари қатори эшитиш аппаратлари ҳам яхши ишлайди — ган" — Калоний домланинг қулоғига чалингани аниқ эди. Лекин катак дафтарга чумолидай майда ҳар — фларда битиб келадиган мақолаларию уларнинг қалам ҳақлари учун узлуксиз кечадиган жанг жа — раёнларида асабий таҳририят ходимларидан бун — дан баттар писидоқ ҳақоратлар эшитавериш бети қаттиқ бўлиб кетган домла пинак бузмади, билъакс, опага қараб табассум ҳада қилган бўлди — да, афсус оҳангида деди:

— Узр энди, редактор бова йўқлаган эканлар, олдиларига бирров кириб чиқмасам бўлмас. Бир да — қиқага.

Чол эшикни оҳиста ёпди. Ҳали ҳовуридан тушиб улгурмаган опа қарғишининг иккинчи қисмини ша — нғиллаб ифода қилди:

— Қоранг ўчсин! Илоё ўша хонадан қайтиб чиқ — ма!

Ана шундан кейин хонага ноқулай сукунат чўк — ди. Опа пишилар, ўрнида тўлганар, бироқ бирон тайинли гап айтишни удалолмасди. Ўзимга келсак, миямга сира бир жўяли фикр келмас, бунинг ус — тига, бу туш — тимсоҳлар ғавғоси айнан қаршимда ўтирган ожизалар ташаббуси ила бошлангани боис бирон нима дейиш, уларнинг ишига аралашиб ҳам ўнғайсиз эди. Айни чоғда бирдан ишга киришиб ке — тишимга ҳам нимадир халақит бериб тургандай эди.

Балки бундай вазиятда кўзга тушган чўпдай бе — маврид пайдо бўлиб қолган домлани сўкиб қўйиш

керакмиди... Бироқ айни сўкиш орага баттар ўнг – айсилик соладигандек туюлди назаримда, илло унда менинг ҳам кечаётган воқеалардан у ёки бу дара – жада бохабарлигим ошкор бўлиб қоларди, қиз эса, имоним комилки, бундан баттар эзилади. Шу боис, бир – икки томоқ қириб қўйгач, ҳар эҳтимолга қарши навбатчи жумлалардан бирини айтиб қўя қолдим:

– Бугун иссиқ бўладиганга ўхшайди.

Опа жон ҳолатда қимматли фикримни маъқул – лади:

– Ҳа, иссиқ, иссиқ. – Сўнг ишончсизроқ тар – зда қўшиб қўйди: – Жуда иссиқ.

Шу билан гурунг ўз – ўзидан барҳам топди. Ҳа – мон қўлэзмага қадалиб тикилиб ўтирган, қадди янада чўкиб, кичкинагина бўлиб қолган Муниса учун кун – нинг иссиқ – совуқлигининг ҳеч бир аҳамияти йўқ эди шекилли.

Саҳифани атай шиқирлатиброқ ушлаб – гижим – лаб олдимга тортдим. Менимча, энди ишни келган жойидан давом эттираверсак ҳам бўларди.

Худди шу лаҳзада, мен энди овоз чиқариб ўқиш учун оғиз жуфтлаганим маҳал туйқусдан Саломат опа кафтларини қарсиллатиб бир бирига урдию, менинг ҳайрон бўлиб қараганимга жавобан тилла топган гадодай ҳовлиқиб хитоб қилди:

– Анови... анови чол остонадан қайтиб кетди – ку! Тўғрими?

Ушбу ҳолатда одамни бу даражада руҳлантириб юборадиган нечук сир – синоат борлигини тушун – маганим боис елка қисдим:

– Хўш?

Жавоб янада ҳаяжонли эди:

– У ичкарига кирмади, тушуняписзими, кирма – ди! Демак... демак... – опанинг кўзлари чақнаб кетди, – биз... мен кутган одам энди келади... Хонага кирса ҳисоб...

Кўз қиримни ташласам, шўрлик Муниса уят – номусдан ерга кириб кетгудай бўлиб баттар кич – райган, баттар бужмайган аҳводда... Юрагим ор – зиқиб кетди. Ҳар нечук, шўрлик ҳеч бўлмаса мени тимсоҳ можаросидан беҳабар деб умид қилиб юр – гани аниқ... Ўзи андишаликкина қиз бўлса... Минг ланат – э ўша шаҳзода – паҳзодаларигаям!.. Одам – ни... шунча хўрлайдим ахир!..

Саҳифани тўғри келган жойидан атай баланд овозда ўқий кетдим...

Орадан бирон соатлар чамаси вақт ўтди – ёв.

Яна эшик тақиллади. Журъатсизроқ, Фашим кел – ди. Домла Калоний бош муҳаррир ҳузурларидан қайтганга ўхшайдилар. Шундай бўлса ҳам, бир лаҳза нафасни ростлаб олиш учун ўқишдан тўхтадим – да, яна бесаранжом бўлиб қолган Саломат опага ма – захомуз қараб қўйдим. Буни сездим ё эшик очи – лавермаганидан гаши келдим, ҳар қалай, сал жид – дий тортган опа ўшшайиб амри фармон бердилар:

– Марҳамат.

Бир неча сония давом этган узоқ куттиришдан сўнг ахийри эшик очилди ва остонада бир йигитча пайдо бўлди!

IV

Дунё – тор. Баъзан нафасни қайтариб юбора – диган даражада. Гўё кўзанинг ичида яшаётгандайсан – у ёққа қарасанг ҳам таниш башара, бу ёққа қара – санг ҳам. Баъзан, мутлақо кутилмаганда эса оёғинг

остидан ҳам ўзинг асло кўришни истамаган қиёфа чиқиб калаверади тиржайи – иб.

Ҳа, мен бу йигитчани билардим. Йигитчаки, “ўтгизда ёши”, балки анча ёшроқдир, ким билади дейсиз, аммо қаримсиқ кўриниши...

Киши сал улгайиб, ўзига яраша обрў – эъти – борга эга бўла борган сайин хотира катакчасига жойлашиб олган баъзи кечмишларни ёдлагиси кел – май қоларкан, қани энди имкони бўлсаю, уларни буткул фаромуш этсанг, мабодо бунинг иложи то – пилмаган тақдирда, ҳеч қурса бирон тирик жон уларни эслатиб, кулни қўзғаб турмаслигига имо – нинг комил бўлса. Илло, камина ҳам хот сум эмган банда, дейлик, бир мунаққид оғзини тўлдириб ай – тиб ўтиб кетганидай, инсонга хос хусусиятларга бегона эмасман, инчунун, агар қачондир бир за – монлар мисол учун гўрлигим, тажрибасизлигим орқасида бирон хатога, янглишувга йўл қўйган эканман, нима, энди ўша адашишимни эслаб бир умр ўзимдан ўзим хижолат бўлиб ўтмоғим лозим – ми? Ахир, беайб – парвардигор, ойдаки доғ бор экан, биздек ожиз бандаларга комиллик абадий ушалмас орзу эмасми...

Холисанилло айтадиган бўлсак, ҳали шиғир – пиғирларгаю қандайдир оламшумул мақолаларга орзуманд бўлиб юрган талабалик даврларимизда ён дафтарчамга қайд этиб қўйган мухтасаргина битигимда ёзиб қўйганимдай: “Ўтган умрини эс – лаган чоғда юзи бирон марта хижолатдан ловул – лаб ёнмаган одам “яшадим, яхши яшадим” деб ай – тса арзийди. Аммо энди бундай одамнинг топи – лиш – топилмаслиги – бошқа масала...” Илло, ул – кан гарам ичидан игна топилса топила, ва – ле – кин рубъи маскунда бундайин қанотсиз фаришта топилмағай...

Хуллас, фурсат тўқсонинчи йилнинг ўрталари эди. Камина алақачон ўқишни битирган эдим, диплом ҳам ҳимоя қилинган, энди тузукроқ бир иш излаб юрардим. Табиийки, прописка масаласи ҳам ҳавода осилиб турарди.

Аниқ эсимда бор: намозном палла эди. Мен ижарада турадиган уйнинг эшик кўнғироғи жириглаб қолди. Ҳамхоналарим ҳали ўқишдан қайтишмаганди. Мени жуда катта одам деб ўйлаб, соямга салом берадиган икки абитуриент жиянларим дарс қилишаётганди. Бориб эшикни очсам, йўлакда қаримсиққина кўринадиган бир йигитча ўқрайиб турибди. Ноилож салом бердим. Йигитча жавоб ўрнига ички чўнтагидан қизил жилдли бир ҳужжат олиб кўрсатаркан: “Милицияданман”, деди. Сўнг баттар қовоғини уйганча эълон қилди: “Кийиниб, ҳужжатларин – гизни олиб чиқинг. Биз билан кетасиз”. Оёқларим қалтираб кетган бўлса – да, – уч ойдан бери ижара пули тўланмаган, прописка йўқ, уйда абитуриен – тлар бор, ишқилиб, осилса топиладиган айбларим бисёр эди, – ҳар нечук: “Тинчликми?” деб сўрай олишни уддаладим. Йигитча баттар қовоқ уйиб, базўр жавоб қайтарди: “Сизнинг Тойир Қаҳҳоров исмли дўстингиз ётибди бизда. Оғир жиноятда айбланаётибди. Шаҳарда сиздан бошқа таниши йўқ экан. Шунга, бориб юзлаштирамоқчимиз”. Дарҳақиқат, қўшни қишлоқлик биз тенги Тойир деган болани танирдим, қайсидир техникумдами ўқирди. Икки – уч марта автобусда бирга қайтганмиз, бир марта, янглишмасам, уйи меҳмонга



тўлиб қолганда шу ерга келиб ётиб ҳам кетганди. Тўй — маъракаларда ҳам учрашиб қолардик. Тўғри, салом — алигимиз қуюқ эди, аммо жа унақа "дўст" даражасида эмасди. Қисқаси... кўрқиб кетдим. Бо — риб бир балога илиниб қолмай дедим. Миям ҳам бирдан тез ишлаб кетди. Ахийри "Билдим дедим — тутилдим, билмадим дедим — қутилдим", деган қарорга келдим. Илло, милиция бўлгандан кейин ишни ҳужжат текширишдан бошлайди... Ким би — лади, ҳали бу Тойир деганлари нима иш қилиб қўй — ган... Ёмондан нари... Ичим пўкиллаб турган эса — да, "Қанақанги Тоҳир? — дедим атай ўзимни бе — чора, ғарибу ғурабо кўрсатишга уринганча. — Унақа одамни танитайман". Йигитча энди юзимга қат — тикроқ, айтиш мумкинки, безбетларча ва ҳузурла — ниб тикилди чамаси. Сўнг: "Отделенияга борайлик, ўша ерда аниқлаймиз", — деди. Жон — поним чиқиб кетди: "Айтдим — ку, унақанги одамни танитайман. Тинч қўйинг мени. Мен ҳозир... кетишим керак. Срочно. Поездда. Мени... кутиб туришибди. Ўзим бир меҳмон бўлсам... Ўзи бугун келгандим..." Роса алжидим. Ҳатто абитуриент жияларимнинг эшик ёнига келиб қулоқ солиб туриши ҳам мени тўхтатолмади (Кейинроқ улар қишлоққа бориб мен ҳақимда нималар деб сасишмади). Меҳмон эканлигим ҳақидаги фикр ўзимга шу қадар жўяли туғлиб кетдики, охирига келиб... деярли ёлбордим: "Қўйинг энди, ака, бир мусофирни хафа қилманг. Ўзингиз ҳам бу ернинг одамига ўхшамайсиз..." Лекин йигитча без бўлиб туриб олди: "Ҳеч бўлмаса бунақанги одамни танитайман деб ёзиб берасиз!" Жон деб рози бўлдим. Осон қутулганимга шукроналар айтганча хонага кирасола бир дафтар варағига ёздим: шундай — шундай, танитайман... деб. Олиб чиқиб бердим. Йигитча тантанавор қиёфада, бироқ миқ этмасдан қоғозни тўрт буклади, ички чўнтағига солди ва ана шундан кейингина зина тарафга ўгирилиб: "Айтгандим — ку", деди. Мен ҳам беихтиёр шу тарафга ўгирилдим ва зиналардан шошилмай чиқиб келаётган Тойирни кўрдим. Башарасидан анча — мунча довдираб қолганлиги сезилиб турарди. Афтидан, у мириқиб қулмоқчи бўлгану, бироқ ҳазил тагидан чиқиб келаётган зилни кўргач... Иккаламиз ҳам ноқулай аҳволда қолдик. Кўришган бўлдик, ҳол — аҳвол сўрашишлар ҳам қисқа ва совуқ кечди. Индинга дипломини "юваётган" экан, шунга айтиб келган экан Тойир. Йигитча эса бир таниши экан. Қисқаси, ҳазилла — шишмоқчи бўлишган экан...

Сўнгроқ, орадан олти ойча вақт ўтгач, ора — даги хижолатпазлик андаккина унут бўлаёзган чоғда, тасодифан Тойир билан бир автобусда қайтиб қол — диму, йўл — йўлақай чўкилаб — чўкилаб сўраб билиб олганим шу бўлдики, ўша "ҳазилкаш" йигитча штатсиз дружинникми деган гувоҳномани кўтариб юрак — кан, ўзи Тойир билан ўқиган, сўнг, иккуёвлик ма — қомида уйланишга мажбур бўлиб қолгач, техни — кумни ташлаб кетган экан. Тойирнинг гапига қара — ганда, ҳаётда омади келмаганлиги боис сал алам — задароқ бўлиб қолган экан. Бунинг устига гумбаз — дай хотини деярли ҳар куни жанжал кўтариб, пул талаб қиларкан. Узунқулоқ гапларга қараганда бу шанғи хотиннинг қўлиям сал югурироқ экан. Ана шундай пайтлари бу йигитча эски таниш — билиш — лариникига жўнаб қоларкану, аламдан чиқмоқ қас — дидами, ўша кундагига ўхшаш томошаларни кўр —

сатиб юраркан. Тойирнинг тахминича, хотинидан Азроилдан кўрқадигандек ҳолга тушиб қолган бу йигитча айниқса бегона қиз — жувонлар устидан кулишдан, уларни хўрлаб қўйишдан бошқача ҳузур топаркан. Айни пайтда, ора — сира бегона эркак — лару йигитларни ўнғайсиз аҳволга тушириб қўй — ишдан ҳам қайтмас экан бу йигитча. Ўша куни ҳам... зиёфатга чақиришга бирга келаётгани маҳал... "Ўр — тоғингизни бир синаб берайми? Озгина ҳазил — лашсак — ҳазиллашибмиз — да", дея ҳол — жонига қўймапти Тойирни. Афсуски, эътибор бермапман, ўша куни йигитчанинг чап юзида қонталаш бўлиб турган янгигина тирноқ излари бор экан...

Орадан кўп йиллар ўтиб кетди. Тойир билан йўл — ларимиз бошқа кесишмади. Фақат бир сафар эши — тиб қолдимки, у қишлоқ кенгашининг раиси бўлиб — ди. Илойим, омадини берсин. Аммо Тойирни эслган заҳоти нечуқдир тантанавор тарзда тушунтириш ха — тимни буклаб чўнтағига солаётган қаримсиқ юзли йигитчанинг қиёфаси кўз олдимда пайдо бўладию, дилимни хуфтон этади. Назаримда, бир кун эмас бир кун бу лаънати йигитча ўша қоғозни азот кў — тарганча бирон ишхонамга кириб келадигандек. Ўшанда — ку, қоғозни сўрашга истиҳола қилгандим, йигитчанинг ўзи билиб қайтиб беравермади... Шу билан қолди — кетди аҳмоқона "ашёвий далил"...

Ҳа, орадан шунча йиллар ўтиб, ўзини та нисба — тан ўзининг хурматинга дарз кетказиши мумкин бўлган бу воқеа деярли ёдимда кўтарилган маҳал бу йигитча осмондан тушгандай остонада хоксор — гина бўлиб турар ва, назаримда, бутун туриш — тур — муши билан ўзининг нақадар содда, мўмин — қобил, камтарин, тортинчоқ, айни пайтда хизмат вазифа — сини мажбуран бажараётган одамдай тутишга ури — нарди. Ў, худойим, аниқки, нафрат — ноҳолислик хамиртуруши, аммо мен йиллар мобайнида нога — ҳон бир эслаб қолишнинг ўзиёқ вужуду руҳимни заҳарлаб келган бу қаримсиқ йигитчага бетараф қарай олмасдим, ахир... Бунинг устига, худди атай қилгандай, вақтидан бурун қариб, режасини оши — риб адо этиб улгурган йигитча ўтган йиллар мо — байнида сира ўзгармагандай эди...

Таҷриба бор: бундай лаҳзаларда миям шиддат билан ишлаб кетади. Ҳозир ҳам ногаҳон бундан етти — саккиз йил бурунги билан айни кунлардаги ташқи кўринишим ўртасидаги анча сезиларли та — фовут хусусида ўйларканман, "эҳтимол мени та — нимас" деган дудмол тусмолга бордим, то йигит — чанинг ўзи бирон нима демагунча ёинки мени эс — лаганлиги ҳақида ишора қилмагунча миқ этмай ўтираверишга қарор қилдим. Мабодо у ҳаддидан ошса, мен ҳам безбетлик қилиб ўтиравераман: "Мен — мен эмасман", деб. Нима қипти, ўтган сафар ўртоғимдан воз кечгандим, бу сафар ўзимдан...

Иложим борича бошимни қуйи эгганча ўзимни саҳифа ўқиётгандай тутарканман, кўз қирим билан меҳмонни кузатишга ҳаракат қилардим. Мана, йи — гитча қисик кўзларини кўзларини баттар қисганча журъатсизлик билан хонага назар ташлаш асно — сида — ҳар қалай, эшикдаги менинг ижодим маҳ — сули бўлмиш "Бегоналар кириши қатъиян маън қилинади — саҳифа ўқилмоқда!" деган эскартма — нинг салобати босган бўлса керак, илло, ҳали у бу хона учун бегона эди, — андак чўчиётганлиги се — зилиб турган титроққина овозда салом берди.

Сўнгроқ, орадан йиллар ўтиб, воқеа алақачон со —

дир бўлган, қорлар ҳам ёғиб, излар босилиб кет — гач, камина ўз фикри ожизимдан келиб чиққан ҳолда шундай тусмолларга ҳам бордимки, дейлик, шу куни мен ёинки мудирамиз ушбу бегона йигитчага ан — даккина дағалроқ тарзда муомала қилиб, мисол учун хонадан чиқиб кетишни талаб қилганимизда, зеро чиндан — да саҳифа ўқиладиганлигини дастак этиб туриб олганимизда, эҳтимолки йигитча шу билан бадар кетар ва қайтиб бу томонларга қадам бос — мас, мабодо қадам босган тақдирда ҳам қайтиб биз — нинг хонамизга мўраламас эди. Аммо тасодиф отлиг хилқатнинг юзлаб — минглаб унсурлари мутлақо ку — тилмаганда айни лаҳзаларда мутаносиб ҳолда жа — мулжам бўлган ва айнан ушбу лаҳзаларда хона — мизда кимнидир кутишмоқда эди. Тақдирдан эса қочиб қутулиб бўлмайди...

Стул ғичирларди, стол тарақлади — Саломат опа ўрнидан турган эди.

— Ваалайкум асалом, келинг, келинг, марҳамат. — Мудирамиз ялтоқланиб хушомад қиларди. — Хизмат, яхши йигит.

Мен ҳамон кўз қиримни ташлаб турардим ва айни дамда йигитчанинг иккиланаётганини сезиб турардим.

— Мен.. милицияданман. — Йигитча қўлагининг кўкрак чўнтагидан қизил жилди ҳужжат чиқарди.

Мен беихтиёр ғудраниб қўйдим. Ҳа, шунча вақт ўтганига қарамасдан, усул эскирмаган эди.

— Жудаям яхши — да. — Опанинг оғзидан бол томарди. — Мақола олиб келдингизми?

Ўзига мадақкор топилганидан сал руҳланган йи — гитча энди опага қараб равонроқ гапира бошлади.

— Мен фалон квартал участковойининг ёрдам — чисиман. Тегишли шартномаларсиз квартирада ту — ришлар масаласида эдим. Шунга...

— Хўш, хўш? — бамисоли муҳим янгилик эши — таётгандай оғзининг таноби қочиб кетган опа йи — гитчага далда беришга уринди.

— Шунга... сизларнинг бир ходимингиз, фалон уй, фалон хонадонда турар экан. Бир — икки теле — фон қилдим, трубкани қўйиб қўйишяпти. Тётя Маша Россияга кетган экан. Опанинг олдига. Шунга... — Йигитча чўтагидан бир парча қоғоз чиқарди. Юра — гим дукилаб кетди — худди ўша, мен ёзиб бер — гандагига ўхшаш ўқувчилар катак дафтариининг ярим саҳифаси. — Қизлар турган уйга кечқурун бориш ноқулай бўлгани учун... шу ерга келавердим.

— Ким экан у шартномасиз ижарада турган? — хавотирланиб сўради ниманидир ўйлаб қолган опа.

Йигитча қоғозчани очиб, ўқиди:

— Пистончиева Муниса.

Мен ана шундагина қизга қарадим ва унинг ранги қўрқувдан қув ўчиб кетганини кўрдим.

— Ҳа, ҳа. Бор, бор шундай ходимамиз. — Яна хурсанд бўлиб, яшнаб кетган опа Мунисага ишора қилди. — Мана, ўзлари ўтирибдилар... Тур, қизим, салом бер акангга... Ўзбекона одобга эътибор бер — дингизми, — опа энди менга мурожаат қилмоқда эди. — Қиз болалар турган уйга кечқурун бостириб бориш ноқулай бўлади дея тўғри бу ёққа келипти — лар азамат укамиз.

Аммо мен бу "одобли азамат ука"га эътибор бе — радиган даражада эмасдим — бошимни кўтармай зўр бериб мақолани ўқиётганга солдим ўзимни.

Муниса ўрнидан турди ва эшитилар — эшитил — мас тарзда "Яхшимисиз" дея салом берди.

Йигитча томоқ қириб қўйди, аммо яхши тайёр — ланиб калмаганими, буёғига нима дейишни билмай қолди — ёв чамамда. Опа унинг жонига ора кирди.

— Мунис, қизим, кўрқма, акангга вазиятни ту — шунтир, квартирда вақтинча турибман де, яқинда уй олиб чиқиб кетаман де. Хўжайкам ҳам яқинда қайтиб келади, де. Хўжайканг телефонни ишлат — манглар деб кетганиниям айтивер бемалол. Бунинг уяти йўқ, тўғрими, укажон?

— Ҳм, — деб қўйди опанинг янги топилган "укажон"иси. Кейин расмийроқ оҳангга гапиришга уринди: — Битта тушунтириш хати ёзиб берсалар...

Мен кўз қиримни ташлаб, опанинг нордон нарса егандай афтини буриштирганини кўрдим.

— Шу... шартми қоғозбозлик?

Йигитча сал дадиллашди.

— Хизматчилик, опа. Мен ҳисобот топширишим керак. Қонун шуни талаб қилади.

Қоним қайнаб кетди. Ў, қани имконимда бўлсаю, "қонун" деган тилларингни бураб — бураб сугуриб олсам!

Опа яна ялтоқланишга ўтди.

— Энди, ука, ўзингиз биласиз, Мунисахон катта бир обрўли газетанинг ишонган ходимларидан, бунинг устига эл таниган шоира. Шундай экан, шундоқ ходиманининг номини қандайдир ҳисо — ботларингизга тиркаб юрасизми?! Ундан кўра, келинг, сизларнинг ишингизни матбуотда ёри — тайлик, чиройли суратларингизниям қўшиб бе — райлик. Бунақа топшириқларни Мунисахоннинг ўзлариям бошлаб ташлайдилар.

— Майли — ю, — йигитча иккиланаб қолди, — аммо, ўзингиз тушунасиз, ҳозир вазият нозик, кварталимизда бир — икки ўғри болачалар пайдо бўлиб қолипти, булар бўлса хозияинсиз туришади, шунга, одам хавотир ҳам олади...

— Ҳа, яшанг, ука! — Опа қафтларини бир — бирига қарсиллатиб урди. — Ана шундан гапи — ринг — да! Биз ҳам мана шундан хавотирда эдик — да! Бироқ, мана, худога шукр, сиздай меҳрибон ака — лари бор экан кўнглимизда бунақа жойига тушди. Қўриқланг, ука, бизнинг олтидан қиммат қизи — мизни яхшилаб қўриқланг.

Энди ўзини анча босиб олган йигитча бемалол — роқ гапирди ва, назаримда, дастлабки жумласи би — ланоқ хатога йўл қўйиб, ўз сирини ўзи очиб қўйди:

— Қўриқлаш бизнинг вазифамиз, опа, лекин ха — бар олайлик деб борсак булар эшикни очишмас...

Аммо нечукдир тобора ҳаяжонланиб — жўшиб бораётган опа бунақанги майда — чуйдаларга эъти — бор берадиган аҳволда эмасди.

— Очади, укажон, очади. Аввал очмаган бўлса мана энди очади. Танимаган — да сизни. Буни менга ай — тган, кечқурун эшик тақилаб қолса очмаймиз, чи — роқларни ўчириб ўтираверамиз, шеър — мақолаларни ярим кечаси ёзамиз, деб. Менам буни маъқуллаган — ман. Ахир, ўзингиз айтгандай, укажон, яхши бор, ёмон бор, биалиб бўладими. Ундан кейин, хўжайкаям қаттиқ тайинлаб кетган, уйга бировни киритманглар деб. Қиз бола нарса бўлса, кўрқадим — да...

Фаҳмимча, шу билан "опа — ука" ўртасида кечган мазкур сермулозамат суҳбатта яқун ясаса ҳам бў — ларди — ҳар қалай, ҳамма гаплар айтилди, савол — ларга зарур жавоблар олинди. Тўғри, опа асосий ҳолатлардан бирини, яъни йигитча қандай қилиб Му — нисани топиб келганини сўрашни унутди, аммо бу —



нинг ажабланадиган жойи йўқ, илло бундай фаро — мушхотирлик опанинг ягона қусури эмаслигини яхши билардим.

Дарҳақиқат, гурунг-мароми илимиқ — иссиқ хайрлашув бекати томон борарди. Буни савқи табиий ила ҳис қилди чоғи, оғзидан чиқаётган гап-ларга бутунлай мос келмаган бошқа нарсаларни мулоҳаза қилиб кўраётган опа баногоҳ таклиф қилиб қолди:

— Яхши ишни чўзиб нима қиламиз, укажон. Как рас эртага шанба, биз ишламаймиз. Мунисхон ишхонангизга борсин, сиз фактларни, суратларни тайёрлаб қўйинг, насиб қилса келгуси сонда мақолани бериб юборамиз.

Саломат опа, фикримча, газетанинг хўжайи — нидек ваъдани қуюқ қилиб юбориш асносида ўзи ҳам кутмаган ҳолда мўлжалга уриб қўйди — ёв: йигитчанинг безовталаниб қолгани аниқ эди.

— Энди, опа, биласиз, бизнинг ишимиз матбуотда унчалик ёритилавермайди...

Ўз таклифидан ўзи жўшиб бораётган опа лаб бурди:

— Бо худо, шунчалик секретниймиди нима бало!.. Биз ҳам биламиз нимани ёзиш, нимани ёзмасликни... Қанча милисаларни чиқарганмиз.

— Тўғрику — я, — баттар чайналиб қолди йигитча, — лекин мен ҳали янгиман... Сал нокамтарлик бўлар...

— Э, у томонини ўйламанг! Камтарлик керак бўлса камтар қилиб ёзамиз! Бу ёғини Мунисахонга қўйиб бераверинг!

Опа томонидан ҳа деганда исми орага тиқи — лаётган Мунисанинг ўзи бу пайт қайтиб жойига ўтирган ва қандайдир кўлёмзадан паноҳ топганди.

Ҳа, опада сал фаросат бўлганида эди, йигитчанинг довдирашида камтарликдан бошқа нимадир бор бўлиши мумкинлиги борасида андак мулоҳаза юритиб кўрармиди. Қаёқда дейсиз!

— Унда бундай қиламиз, — миясида дабдурустан пайдо бўлиб қолган янги режа ҳовлиқтириб юборган опа титраб кетди. — Мен якшанба кунини Мунисахонларникига меҳмонга бораяпман. Абед пайтига. Сиз ҳам келинг. Ўша ерда бафуржа гаплашиб ўтираемиз. Келишдикми?

Йигитча жон — жон деб рози бўлди:

— Келишдик.

Албатта, ўзинг ёмон кўриб турган одаминг ҳақида бирон бир яхши фикрга боришинг гумон. Аммо, шунга қарамай, назаримда мен янглишмаётган эдим: йигитча мақола тимсолидаги бало — қазодан осонгина қутулганига шукроналар айтганча секингина жуфтакни ростлаб қолмоқчи эди. Бироқ сўнги лаҳзаларда опа қарталарни салгина очиб ташламоқчи бўлди, ишқилиб, фақат йигитчанинг ўзига эшиттирадиган қилиб ва иложи борича тағдорроқ оҳангда айтишга уринган биргина жумласи кўп нарсаларнинг тақдирини ҳал қилиб ташлади:

— Профессорни ўн минут кутади, дейишади. Лекин мени бир соатдан кам кутманглар. Бозор кунини автобусларга ишониб бўлмайди. Бемалол гаплашиб ўтираверинглар.

Ҳа, жумла, айниқса айтилиш оҳанги жуда беўхшов чиқди, бамисоли сатанг хотин ёш болага ўнга айсиз ҳазил қилаётгандай. Айни дамда опа Мунисани патнисга солиб узатаётгандай эди...

Ким билади, аслида бундай эмасдир, опанинг ни —

яти эзгу бўлгандир — у, фақат менга шундай туюлгандир. Бироқ, орадан йиллар ўтиб ҳам мен ўз фикримдан қайтмадим ва комил ишонч билан ўйлай бошладимки, мабодо опанинг оғзидан ушбу машғум ва яланғоч сўнги жумла чиқмаганида эди, орқаси очилиб, сири фош бўлишидан қўрқибгина турган йигитча шаталоқ очиб қочган, инчунун, Мунисанинг хонадонига қадам босмаган бўларди. Демак, ўшал ҳодисот ҳам рўй бермасди. Аммо опа айтди, ўзининг "халис" хизматини адо этди ва воқеалар ривожини тўхтатиб бўлмас тезликда қўйига қараб учиб кетди, илло, мудом оч йигитча аҳмоқ эмас эди, патнисда тутиб турилган тайёргина таомдан тотинмасдан кетолмасди...

Йигитча кетди. Мен бош кўтармай ишлайвердим. Ана шунда... қиз учун катта бир иш қилиб қўйгандай талтайиб ўтириб олган Саломат опа неча бор оғиз жуфтлаб ҳам недир бир гап қилмоқнинг иложини қилолмагач, ахийри ҳеч чидаб туролмади — да, бир гал менинг ўз оғзимдан рус тилидан нўноқлигимни эшитгани ёдига тушди шекилли, Мунисага қараб шу тилда гапириб юборди:

— Не забудь мои слова: это и есть твой суژه — нўй.

Ушбу ҳукм маъносини тушунган қиз бечора кўлёмзадан кўз узмай тураверди, аммо мен унинг қўйи лаби титраб кетганини илғадиму, эдан бурун бундай тасқарага қўшқўллаб берилаётган инъомга ичим ачиганимданми ё эски аламим қасдидами, Мунисадан бир чойнак муздек сув олиб келишини илтимос қилдим, қиз ташқарига чиққан заҳоти опага эшиттириб тўнғиладим:

— Бу укангизнинг эса, опахон, лўмбоздеккина хотини бор...

Мудирамиз бир сапчиб тушди.

— Сиз уни танийсизми? — Менинг бош чайқанганимни кўргач эса, жаҳл билан бобиллаб берди: — Ичиқоралик қилманг — да, укахон, тўғриси айтинг: нимага бундай хаёлга бордингиз?

Мен шошилмай бош кўтардим ва опага тик қарадим:

— Чунки у... жуда озгин ва қаримсиқ. Бунақалар албатта уйланган ва албатта хотиндан ёлчимаган бўлади.

Опа ёйилиб ишшайди ва яна битта ўрисча мақолани эслади:

— Хотин — девор эмас, суриб қўйса бўлади... — Сўнг таъкидлаб қўйди: — Бу дунёда тасодифий нарсанинг ўзи йўқ, укахон. Ҳамма нарсада ички қонуният бор. Шундай экан... Умуман олганда эса, укахон, бировни қари деб камситишдан аввал ойнага бир қараб қўйсангиз ёмон бўлмасди. Шунда баъзи бировлар сизнинг олдингизда қирчиллама йигитдай кўринишини билиб олардингиз...

Ҳашиш келди. Қип — қизариб кетган, пешонасига тер тепчиган ва афтидан ўзини жуда ноқулай ҳис қилаётган Муниса олиб келган чойнақдаги сувдан бир қулгум ичган бўлдим — да, амр қилдим:

— Ишга! Шусиз ҳам анча вақтимизни йўқотдик. Бекорга.

(Давоми келгуси сонга)

Назира ТОШПЎЛАТОВА,
Ўз МУ аспиранти

ШАКЛ ВА МАЗМУН МУТАНОСИБЛИГИ

Адабиёт назариясидан маълумки, мазмун ва шакл асар ҳақида тўлиқ тасаввур қилишга имкон бера — диган, ўзаро боғланган ички ва ташқи томонлар — дир. Асардаги муайян фикр, ғоя, қараш, тасаввур, нарса, ҳодиса фақат шакл орқалигина воқеликка айланади. Мазмун эса ана шу воқеликнинг моҳи — ятини намоён қилади.

Бадий асарнинг мазмун ва шакл масалалари ҳақида қадим — қадимдан олимлар, ижодкорлар ўз фикрларини билдириб келишган. Бу муаммолар хусусида антик юнон донишмандлари Аристотель, классицист назариячилар Лессинг, Буоло, маъри — фатпарвар ижодкорлар Дидро, Бальзак, Толстой, рус демократлари Чернишевский, Белинский, Добролюбов кабилар фикр билдиришган. Хусусан, Буало: "Шакл ва мазмун муштарақлиги чинакам санъатни юзага чиқаради. Адабий асарнинг негизини ташкил этувчи тамал — гўзал эстетик мазмун, теран бадий маънодир", деб ёзади.

Белинский эса мазмун ва шаклнинг ўзаро алоқаси ҳақида бундай дейди: "Шакл мазмуннинг ифодаси бўлганидан, у шакл билан шунчалик мустақам боғланганки, шаклни мазмундан ажратиш мазмуннинг ўзини йўқ қилиш демақдир ва, аксинча, мазмунни шаклдан ажратиш — шаклни йўқ қилиш демақдир. Бу ҳаётини алоқа ёки, бошқача қилиб айтганда, ғоянинг шакл билан ҳамда шаклнинг ғоя билан бу узвий бирлиги ва айнанлиги фақат бир гениалликнинг ютуғи бўлади".

Асарлар давомида шакл ва мазмун ҳақидаги муайян назарияга айланган бундай қарашлар кейинги пайтда моҳиятини бир мунча ўзгартирди. XX аср сўнгигадаги ўзбек адабиётидаги ўзгаришлар, бадий асарнинг шакл ва мазмун бирлиги масаласига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Натижада юқоридаги классикларнинг фикрларидан фарқли ўлароқ, бадииятда шакл ва мазмунни ажратиш мумкинлиги, мазмун зарур, шакл эса у қадар аҳамиятли бўлмаган нарса ёки аксинча деган қарашлар пайдо бўлди. Ёхуд шаклни ғарбона, шарқона тушиниш деган гаплар юзага келди.

Бундай қарашларнинг пайдо бўлишига сабаб, **биринчидан** мустақиллик туфайли адабиётнинг ўз ўзанига қайта бошлаганиги, ниҳоят, бадий асар таҳлил ва талқинида расмиятчилик, бир хил фикрлилик, юзаки ва сунъий эстетик қарашлардан холи жараён кечаётганлиги, **иккинчидан**, анча илгарилар кетган жаҳон ва ғарб эстетикасининг вакиллари (Фред, Ницше, Фромм) нинг фалсафий қараш —

лари, Кафка, Кортасар, М. Прусть, Фолькнер асарларидаги ижтимоий — психологик таҳлил имкониятларининг таъсири, **учинчидан**, адабиётга руҳий — илоҳий ҳодиса, ижодкорнинг руҳий эҳтиёжи деган қарашлар пайдо бўлганлигидир. Худди ана шу масала ўзбек матбуотининг мустақилликка эришгандан кейинги даврида, айниқса кенг ёри — тила бошлади. Хусусан, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Ўзбек тили ва адабиёти" жур — налида бу мавзуда бир қанча мақолалар эълон қилинди. Умуман адабиётнинг бугунги ҳолатига, адабий жараёнга ўз муносабатини билдирган ижодкорлар албатта бадий асарнинг мазмун ва шакл бирлиги масалаларига ҳам тўхталиб ўтган — лар.

Мазмун ва шакл бирлиги бадииятнинг зарур шарти сифатида эътироф этилар экан, адабий жараёндаги ранг — баранг қарашлар, ўзига хос фикрлар, фақат бу билан чекланмай улар ҳақида кенгроқ мушоҳада этишга, бу масалада шу пайтгача мавжуд бўлган қарашлардан кенгроқ маънога эга эканлигини кўрсатади. Шу ўринда матбуотда эълон қилинган баъзи мақолаларга тўхталиб, турли фикрларни бир — бири билан таққослаб кўрайлик. "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида адабиётшунос Б. Саримсоқовнинг "Адабиётда шакл ва мазмун муносабатларининг айрим муаммолари" сарлавҳали мақоласида Истиқлол адабий жараёнида қизгин мунозараларга сабаб бўлган шакл ва мазмун муаммоларини мутахассис сифатида илмий жиҳатдан таҳлил этади: "Айрим ҳолларда шакл ва мазмунни алоҳида — алоҳида ажратиш, мазмунга муҳим нарса, шалга эса у қадар аҳамиятли бўлмаган нарса сифатида қаралади. Аслида, улар иккаласи ҳам аҳамиятли ва бир — биридан ажратиш мутлақо мумкин эмас".

Олим ўз илмий қарашларида бу масала юзасидан адабиёт назариясидаги мавжуд қойдаларнинг яна бир бор тўғри эканини кўрсатишга ҳаракат қилган. Лекин унда бугунги адабий жараёндаги шакл ва мазмун бир хиллигидан қочиш, шаклдаги ўзгаришлар, уларнинг сабаблари, аҳамияти тўлиқ очилмаган. Чунки, бугунги адабий жараёнда катта ўзгаришлар бўлаётганлиги, шакл ва мазмун бир — бири билан чамбарчас боғлиқ деган, қотиб қолган тормаъноли тушунча билан кифояланмаганлигини унутмаслик лозим. Шаклдаги ўзгаришлар, унинг мазмунга таъсири ёки улар нималар таъсирида ўзгариши, шаклнинг фақат воқеликнинг ифодачиси



эмаслиги, адабиётда ички ўзгаришлар, ўсишларда шаклий янгиланишлар бўлаётганлиги, улар қандай анъаналарга таянаётганлиги каби масалаларни ҳам чуқур таҳлил қилиш лозимлиги тақозо этади. Шу ўринда "Ёшлик" журналида ёзувчи Н. Норматов билан адабиётшунос А. Улуғовнинг "Мазмунниг мавжудлиги" номли мусохабасини кўриб чиқайлик. Бу мусохабада биз юқорида тилга олиб ўтган масалалар юзасидан икки шахс, назариячи ва амалиётчининг бугунги қарашлари ўз ифодасини топган.

Мақола ўқувчиларга шакл ва мазмун бирлиги, улардаги ўзгаришлар ҳақида кенг ва аниқ тасаввурлар беради. Шу нуқтаи назардан мазкур мақола моҳиятан анча кучли деб айтиш мумкин. Шаклнинг ўзгариши ҳақида Н. Норматов шундай дейди: "Шакл, аввало, одамларнинг туйғулари, сезгилари таъсирида ўзгаради. Инсон фаолиятининг 90 фоизи унинг сезгилари, туйғуларига боғлиқ. Сезги, туйғулари ўзининг кўринмас занжирлари воситасида кишини юз, минг йиллар билан боғлайди. Демак, ижодкорга шакл ҳаётнинг, инсон оламининг сир – синоатларини англаш, илғаш, тушуниш имконини беради. Санъат ва адабиётнинг барча турлари ана шундай абадий моҳиятга эга". Унинг бу фикрларини А. Улуғов тўлдирар экан, шакл фақат тасаввурни эмас балки, инсоннинг ташқию ички "мен"ини белгилайдиган асосий омил эканлигини таъкидлайди. Икки мутахассис бугунги адабий жараёнда шакл ва мазмун муаммоларида ғарбона ёки шарқона қарашларга ҳам ўз муносабатларини билдирар экан, бундай қарашлар нисбий ҳодиса эканлигини, шакл умуминсоний табиатга эга бўлиб, улардан ҳаёт ҳақиқатларини, инсон оламини кашф этишда ҳар ким ўзича фойдаланиш лозимлигини, бу жараёнда шакл ижодий бойиб дунёни англашишда, ранг – баранг томонларни кўрсатадиган даражада ўзгаришини эътироф этадилар.

Яратилаётган бадий асарларда, уларнинг мазмунига ғарбона анъаналар баъзан яққол тарзда, баъзан сезилар – сезилмас таъсир этмоқда. Бу табиийки, адабий жамоатчилик ўртасида муносабатни қўзғатиб, бир – бирига қарама қарши фикрларни юзага келтиради. Масалан, буни адабиётшунослардан С. Содиқов ғарбга тақлид деса, Ҳ. Дўстмуҳаммад ижодий ўзлаштириш дейди, проф. У. Норматов эса янги адабиётнинг пайдо бўлишидаги белгилар ана шу тарзда намоён бўлади, деб айтади. Мазкур мақола муаллифлари ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Н. Норматов шундай ёзади: "80-йиллардан кейин пайдо бўлаётган айрим насрий асарларимизда Эшмат – Тошматларимиз овропалик зиёлига ўхшаб мулоҳаза юритадиган қилиб кўрсатилмоқда. Кафка, Прустлар қолипига Эшмат – Тошматларимизни солиш туфайли китобий –

лик ёйилиб бормоқда. Ўзбекнинг ички дунёсини, кечинмаларини ўз ҳолида ифода этиш ўрнига, бош – оёғи кўринмайдиган узундан – узун жумлалар жумлалар тизмасини солиш баъзи асарларни Европа ва Америка адаблари асарлари таржимасига ўхшатиб қўймоқда. Янги замондошимиз албатта Отабекка ўхшаб фикрламаслиги мумкин, аммо у катта муҳитимизнинг бир парчаси".

Баъзи мақолаларда омма адабиёти ва шахс адабиёти ёки омма шеърляти ва шахс шеърляти деган тушунчалар ҳам асосан мустақиллик даврида, сўнги йилларда пайдо бўлди. Бундан англонадиган маъно шуки, шаклдаги ўзгачалик, сўз санъатидан фойдаланиш даражасининг ўзи ижодкорни омма ёки шахс адабиётнинг вакилига айлантормайди. Асосий масала асарда акс этаётган ижодкорнинг тафаккури ва ҳис туйғуларининг кўлами билан белгиланади. Унда "халқ тилининг учиди" ги гаплар эмас, фақат ижодкорининг дилида пайдо бўлган изоҳи ёки маънисининг ҳали ўзи ҳам тўла англаб етмаган фикр ва туйғулар ифодаси тушунилади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, адабиётдаги ички ўзгаришлар, ўсишлар ва, энг муҳими, ташқи таъсирланишлар туфайли албатта унда шаклий янгиланишлар содир бўлади. Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, демак, миллий адабиётдаги ўзгаришнинг биринчи белгиси шаклда намоён бўлади. Чунки у мазмунниг мавжудлигини таъминлайди, унинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатади.

Шакл жуда кенг тушунча, у адабиётдаги тур ва жанрлардан тортиб, бадий – эстетик воситалар, асарнинг тузилиши, конфликт, тугуни, ечими, воқеалар ривож, хулосаларга чегара ҳисобланади. Адабиёт ривожланиши тараққиётида даврга ҳамоҳанг бадий асарлар шакли ҳам ўзгариб борган. А. Улуғовнинг фикрича, ўзбек адабиётида А. Навоий ижодининг шаклий кўринишлари ранг – барангдир. Унинг барча асарлари, хоҳ шеър, хоҳ насрий бўлсин, у аввало бетакрор шакл билан яратилган. Аср бошларида Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Ҳамзалар буюк А. Навоий таянган асосга, ўзгаришнинг шаклдан бошланган анъанасини қайтадан тикланган.

Бугунги адабий жараёнда ҳам бадий асарлар шаклини ўзгартириш анъанаси давом этаётир. Бу ҳодиса кўпроқ ёшлар ижодида, айниқса Н. Эшонқул, Б. Рўзимухаммад, А. Қутбиддин ва бошқалар ижодида яққол кўзга ташланаётганлиги эътироф этилаётир. Шу билан бирга, бадий ижоддаги маълум бир йўлни ёки шаклий ўзгаришни, шеър, ифода ёки тасвир йўналишини қонунлаштириш, "адабиёт энди шундай йўлдан боради", деб башорат қилишга уриниш ҳоллари ҳам бўлаяптики, бу ҳам муаммоли масала ҳисобланади.



Ҳабиб АБДИНАЗАР

ҚАЙҒУНИНГ ЭВРИЛИБ ТУШДИМ ПОЙИГА

ЁЛҒИЗИМ

Ёлғизим,
Бўзарар хазонларда доғ,
Тўзар нимруҳ хаёл бўшлигим шавқи.
Ситамлар, санамлар — бутлар, нобудлар,
Ўралди бўйнимга гесулар тавқи.

Шаклар тубида юзлаб шаклар,
Кунгуралар ичра соқий табассум.
Зорланиб боради зор кокилларинг,
Ирмоқлар сингари соддадил, сўлим.

Ёлғизим,
— бу бир девонидир,
Ажал бирла ўйнашган фалак.
Ҳазиним мулкига айланган севги,
Ҳазиним субҳида йиғлаган малак.

Ёлғизим!

Фаришталар қанот қоқмасдан,
Дил буржида уйғонади нур.
Пирпираган лаблар лавҳидан,
Тўкилади субҳи жавоҳир.

Учмоқ қушин тумшуқларида,
Парчалнар ёқут ҳалқалар.
Ой эвинда йиғлайди малак,
қаён кетди севгим — турналар.

Кун бесамар —
Тунлар бетоқат,
қилич тортгай сиришқларимга.
Кўзларимда яхлаган овоз,
Юмалайди киприкларимга.

Фаришталар қанот қоқмасдан,
Саҳроларни тутгай бир тўзон.
Кетаётир йўллар — ўтмишим,
Дардларимни судраган карвон.

Ёниб ой лавҳига битилган хаёл,
Гул дамий домига илинган бир оҳ.
Зоҳирда йиғлаган осмону жунун,
Мен эдим девони, иқболи тугун.

Мен эдим хазонлар куйидек эзгин,
Бу дарднок ёдинда туғилган садо.
Мен эдим гуноҳим ва ё савобинг,
Ё қисмат рўйига тортилган ридо.

Мен эдим хокистар юзингдаги ёш,
Фигондан фароғат излаган насим.
Мен эдим уфқлар ортида куёш —
Бир лаҳза кўксингни куйдирган ўлим.
Мен эдим бағрингга босганинг гуллар,
қонталаш уфқда қолган оқ нола.
Ой — қўшиқ зарбига урилган юрак,
Мен эдим афғони фалак.

Тошлар орасида заиф гиёҳдек
Нурларга талпиниб кўкарди таним.
Соғинч эркаланиб бир меҳр кутди,
Дилим, дардимизга боқмади ҳеч ким.
Бунда ва на баҳор ва на қиш кўрдим,
Юрак овозларин эшитдим фақат.
О, менсиз юлдузлар порлайвердилар,
О, менсиз кунларни бўйлади қисмат.
Кичкина ҳаёт бу айланмас замин,
Майсалар руҳига кўчади кўнглим.
Шохлари букилиб қип — қизил қондек,
Менинг гуллаб ётар бемаврид умрим.

Сени хаёл дедим, кечамда эрдинг,
Сени само дедим, ёдимда эрдинг,
Сени дарё дедим, авжимда эрдинг,
Меърож кўкда дедим, кўнглимда дедим.

Қаддим дуто мени юлдуздан қайтдим,
Туним қаро мени кундуздан қайтдим,
Ёшингга эргашдим, юзингга ботдим,
Вале аркон хаёл — дузингдан қайтдим.

Ўзим маъво дедим, ўзимдан сачраб,
Бу тиғи парронга ўзимни урдим.
Ўзим гуноҳ дедим, ўздан эшилиб,
Томчида аксингни — аксимни кўрдим.

Дилимга дилингни қўйиб ётай дер,
Жонимга жонингни олиб кетай дер,



Тунларни ўтказиб кўкдан улуғвор,
Ёмғирли садолар бериб ўтай дер.

Сени фараҳ дедим, қайғумда эрдинг,
Сени вафо дедим, жабримда эрдинг,
Сени ризо дедим, қазомда эрдинг,
Меърож кўкда дедим, кўнглимда дединг.

Беназир бу хилқат ароким,
Заррота ой тикди чодирим.
Гаҳ тўлиб йиғларман равзадил,
Лаболаб этди тун чоғирим.
Жон чекиб кезинди манзилот,
Сабрлар синдилар алп коса.
Тўлғизиб берсалар ичайин
Дилобар, гулобар, гулкеча.
Қўрқмагил, келурман оташдан,
Бу менинг руҳимнинг тугёни.
Эгнимда гезарган кафанмас,
Йилларим, кунларим тўфони.
Ё шарор, ё баҳор шукридир,
Бошимда фақирнинг бўркидир.
Гумонми, гуноҳми қайтмоғим,
Осмоним руҳимнинг кўркидир.

САҲРО

1. Оташдонга яқинроқ қўйдим
қонсиз қалбимни — изтироб туйдим.
Аччиқ унларимни тўзғитди шамол.
Фақат иқболимда кулди шу саҳро,
Фақат орамизда куйди ой — мактуб.

... Тун эди,
Минг битга зулумот туни,
Фано гавҳаридек бу икки кўзим.
Аммо юрагимда куйик саҳронинг
қай бир хаёлига санчилди ўлим.
қай бир қабрларда нотинч, ноаён
Минг бир вужудимни тердим, жамладим.
Сендан ололмаган сўзим — сукутим ичра,
Узоқ тентирадим, узоқ изғидим.
Адашдим, тобланди тун — моҳли йўллар,
Адашдим умидим бўронларида.
Сен гамнок кечалар умридек сокин,
Яқинроқ йиғлагин, қалбимга яқин.

2. Айтибдурларким, Савол — Тош.
Чиндан оғир сўров рутубатли гам.
Оғирлик қилганда у мангу сўроқ
қораяр мурданинг кафанлари ҳам.
Юксалдим на хаёл, на алам юки.
Фақат юлдуз қолди сен бирла айро.
Эгнимда қораяр ҳар кун, ҳар кеча,

Бу кундуз ва яна ул кўҳна саҳро.
Айтибдурларким, қай куни —
баҳайбат бир тошким туриб ўрнидан
кузатармиш ёруғ оламини.
Захмим — пора кўзёш,
Вужудим — хаёл
Кўз очдим қаршимда турар муаллақ,
Каъбаи муаззам, мунглиғ қора ТОШ.

3. Қанча кунлар ўтди ўтлуғдан,
Сабо анфосидан муждалар етди.
Мудом йиғларману гардун барқиндан
Гирён — гирён пири сафолар ўтди.

Соқию дарбадар, даврони фоний,
Ишқ аро хокисор сездим сўзимни.
Шифтаи ҳолимда фироқинг асру,
Бир дақиқ беҳуд рав кўрдим ўзимни.

Қанча кунлар ўтди, ўтлуғдан,
Пинҳона гам ютдим тунлар зуҳурий.
Битмади қонимда бу нашғу намо,
Филурий, филурим, филурий!

Шом ўтди, тунларим барқида ҳилол,
Сен келдинг сидқидил, соҳиби жамол.
Бу висол ўйлаким, ҳур ситамлардан
Ки зоҳир айлади тутқинлик нишон.
Ки дунё ўтгувчи, мунг нигоҳлардан,
Тўкилди руҳимга хазонлиғ доғлар.
Тупроқлар эланди, оғочлар ўсди,
қайтадан тикланди беҳисоб дорлар.
Куйсифат шамоллар умрига монанд,
Яшнади серфироқ кўксимдаги чўғ.
Бу сурат завқида анжумлар куйди,
Абрлар бошимда йиғлади берух.
О, ҳажр шомида ҳайрона фасл,
Сен фақр боғимдан муждалар келтир.
Айтгил, ой сурури ломакон мунинг
Гамий ошно дегин, бодалар келтир.
Мен ичай аламлар, заққумлар ютай,
Кетай фалаклардан юлқиб бошимни.
Лек қандай куйлайин, қандай асрайин,
Кўзга кўринмаган ширин жонимни.

Борим тун ичрадур қаролик кўрдим,
қайғунинг эврилиб тушдим пойига.
Ўзимга келмадим бу беҳушликнинг
Муродин дил билдим, кирдим чоҳига.
Ани олам деди, йўл этди пайдо,
Руҳимга илашдим, рўёдан ўтдим.
Қўлимдан олдилар тобутим, илло
Ундан у ёғи не, пиёда кетдим.



Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи

ИККИ ХИЖОЯ

О, ҲАЁТ!

Назар чол уч — тўрт кун сирқовланиб юрди — юрди — да, бирдан кўрпа — тўшак қилиб ётиб қолди. Алишер дўхтирга югурди, кампири Ойнисахон бошида парвона, келин — неваралар ош — сувига балогардон!

Кунора маҳалладан уч — тўрт оқсоқол кириб ҳол сў — раб туришди. Назар чол яқинларининг, оқсоқоллар — нинг ўзларини тутиши, гап — сўзларига разм солиб, вақ — ти — соатим етибди — да, деган хаёлга борди. Бироқ! Нега? Нима учун? Ахир, бу дунёдан кетиш учун бирор сабаб ҳам бўлиши керак — ку? Бир ери қилт этмаса... Оғриқ бўлмаса, азоб бўлмаса...

Озгина беҳоллик демаса, шу беҳоллик, ҳорфинлик уни ётқиздириб қўйяпти, бўлмаса алақачон қаддини рос — тлаб, ҳовлида ғимирлаб юраверарди. Чорбоғдаги ишлар ҳам ўлда — жўлда қолиб кетгандир. Чол тепаларида ту — риб ишлатмаса, қўлларини совуқ сувга ҳам урмайдиган неваралари унинг касаллигини эшитиб, дўппиларини осмонга отиб юришгандир.

Ўғли олиб келган дўхтирлар ҳам чолнинг дард — ка — салини топишолмади. Биттаси ёшини сўраркан, "етмиш беш" деган жавобни олгач, Алишерга маъноли кулим — сиради: қаричилик, яъни вақти — соати етибди — ку бо — бойнинг, демоқчи бўлди шекилли. Авваллари, ётиб қол — масидан бир кун бурун ҳам ҳади тўй, ҳали чаллари деб эшикма — эшик юрадиган Ойнисахон уч — тўрт кундан буён ўрнидан жилмайди. Кампирининг юзи бир оз из — тиробли, аммо кўнгли хотиржамдек туюлди беморга. Ҳол сўраб чиққан қўшнилариға секингина:

— Вақти — соати етган бўлса не қиламиз! Ҳаммамиз ҳам бир кунмас бир кун кетамизда у дунёга, — деганини эшитиб қолди — ю, чолнинг бутун вужуди титраб кетди.

Наҳотки! Қандай журъат этипти бу сўзларни ай — тишга?... Ҳаяжон аралаш кўркув таъсиридами чолнинг увишиб ётган беҳол оёқларига жон эниб, юмуқ кўзлари чақчайиб кетди. Кампири бирдан ҳушёр тортиб, чол томон ўгирилди.

— Сув бер, — деди чол титроқ овозда.

Ойнисахон сув ичишига ёрдамлашиши учун ёстиқни кўтармоқчи бўлган эди, чол силтаб юборди. Бир пиёла муздек сувни ютоқиб — ютоқиб ичаркан лоҳас бўлган вужудига куч эниб, ўзини бардам ҳис эта бошлади ва ҳаммани ҳайрон қолдириб, ирғиб ўрнидан турди — ю, ҳовлига чиқиб кетди.

Ҳовли — чорбоғ саранжом саришта эди. Чол ётиб қолмасидан бурун неки юмушга қўл урган бўлса, бар — часи ўзиникидан ҳам аъло даражада бажарилган, орқ — аларидан кувлаб юриб, ишга соладиган неваралари бип — бинойидай югуриб — елиб иш қилиб юришарди. "Мен бўлмасам бу уй, бу ҳовли хароб бўлади", деб ўйлаб юрган чолнинг ҳафсаласи пир бўлди. Тенгсалиб у ёққа ўтди, бу ёққа ўтди, бир эрмак тополмади. Соғайиб кетгани ҳеч кимни қувонтирмаётгандек туюлди унга. "Бақироқ туядан қутиладиган бўлдик деб хурсанд ҳам бўлиш — гандир балки", деган хаёлга борди чол.

Аммо ўзининг қувончи чексиз эди. Майли, ҳеч ким суюнмаса ҳам, бор — йўғидан хабар олишмаса ҳам, шу ёруғ дунёни, ҳаётни тарк этмаса бас. Ҳеч нарса керак эмас, ҳеч нарса! Ҳаммасини бердим уларга!

Манави ҳашаматлар — ҳовли — жой, мол — ҳол, қўр —

қути — ҳеч бири керак эмас. Бир вақтлар шу анжом — лар учун жонини жабборга бериб ишлаган кунларини эслаб чолнинг жаҳли чиқди. Ҳаммаси беҳуда, ҳаммаси арзимас матоҳ! Фақат яшаш, яшаш, яшаш! Қанийди мангу яшаса (ҳар гал шундай ўйлаши билан чолнинг юраги қинидан чиққудек дукиллаб уриб кетарди), атиги етмиш — саксон йил умр бўптими? Анави токчада тур — ган лаган чолнинг бувисига онасидан қолган, қаранг, одамзоднинг умри шу лаганча ҳам бўлмаяпти — да. Тах — минан ёшини ҳисоблаб кўриб, чолнинг шу лаганга ҳам ҳасади келди.

Шу ёшга кириб Назар чол кампири айтган "у дунё"нинг борлигига ўзини ишонтиролмади. Кўзини юмса бас, зимистон қоронғулик, йўқлик! Қолганини ўйлаш — гада кўрқади.

Чол бундан 75 йил муқаддам эмас, худди кеча ту — филгандай оламга ҳайрат нигоҳи ила боқиб, ҳеч ундан кўнгли узолмасди. О, ҳаёт! Қанчалар гўзал! Тип — тиниқ осмон, ёруғлик, ям — яшил баргллар, алақандай, чол ҳатто номини ҳам билмайдиган чиройли гулларнинг ёқимли ҳиди, ариқчада жиддираб оқаётган сув! Э — ҳе, буларни қандай қилиб кўз қияди.

Бир мунча вақт ўзини дадил ҳис этган чол чойхо — нага чиқиб ошналари билан чақчақлашиб юрди. Гўёки кексалик гаштини сураётгандек, аслида қарилик, илож — сизлик мезони, энг ёқимсиз давр экан деган хаёлга бо — риб, ўқсиб юрди. Шу орада нима бўлди — ю ошналари — дан бири тўсатдан вафот этди. Жанозадан қайтишаёт — ганида чоллар ўзаро суҳбатлашиб келишди. Жаннат — дўзах ҳақида, аэроилу мункар — накир ҳақида гуноҳу — савоблар ва яна алламбалолар!

Чоллар ўта хотиржам ва ўта ишонч билан гапири — шар, бир — бирининг гапини маъқуллаб ҳам қўйишарди. Бирортасининг юзида гумон аломати сезилмасди. Фа — қат Назар чолгина беҳаловат, бесаранжом!

Йўқ, ҳаммаси ёлғон, — дерди ички бир нидо унга. — Одамлар ўлимдан чўчимаслик учун жаннатга дўзахни ўйлаб топишган. Бу дунёдан ўтганимиздан кейин ҳам, бутунлай йўқ бўлиб кетмас эканмиз, деб ўзларига та — салли — таскин бериш мақсадида ўйлаб топилган саф — сата. Аслида! Аслида ўлдинг — ўчдинг! Тамом! Юрак уришдан, қон айланишдан тўхтади. Тананг ириб — чи — риб, курт — қумурсқаларга ем бўлиб, тупроққа қоришиб кетасан. Ким қафолат бера олади, ўлимдан кейин ҳам ҳаёт борлигига?

Назар чол ўзи билан ўзи олишиб юрган кезларда ўғли Алишер ҳалокатга учраб, касалхонага тушиб қолди. Чол ҳалослаб етиб борганида ҳаммаёғи дока билан ўраб ташланган Алишер уни кулимсираб қарши олди. Ҳатто ўрнидан туришга — да чоғланди. Бу ҳаракатларини кў — риб чолнинг кўнгли жойига тушгандек бўлди: ҳар тугул аҳволи оғир эмасга ўхшайди.

Шу кун у туни билан ўғлининг ёнида ўтириб чиқди. Тонгга яқин сал кўзи илингандек бўлган экан, ала — қандай инграганга ўхшаш овоздан чўчиб уйғонди. Қараса Алишер! Икки кўзи отасида, нимадир демоқчи бўла — ди — ю, ҳеч чоғи келмаяпти.

— Уриниб қоласан, болам, гапирма — дея зорланди чол.

Алишер бир неча сония отасига қаттиқ тикилиб тур —



ди — да, сўнг маънос жилмайди ва беозоргина кўзларини юмди.

Шу кўйи ўгли кўзларини қайта очмади.

Кутилмаган зарба чол — кампирни эсанкиратиб қўйди. Айниқса Ойнисахон билан келини ўзларини еб қўй — ишди. Юзларини юлиб, ёқаларини йиртиб уввос со — лишди: "Алишер, мениям ёнингга торт!"

Келин бир уйда бағрини захга бериб ётар, кампири бир уйда! Иккала аёл ҳам бошдан оёқ қора кийимга ўралган, кун — узукун ҳуш — беҳуш бўлиб ётишарди. Айтиб йиғлайвериш овозлари ҳам бўғилиб қолди ше — килди, ҳар замонда инграгандек овоз чиқариб қўйи — шардию, яна ҳушдан кетишарди.

Ёлғиз Назар чол тирик арвоқдек ҳовлида гимирлаб юрарди. У ҳам оғир аҳволда ҳолганди. Ўғлини қўмсаб, пана — панада йиғлаб олар, аммо ҳеч вақт кампири, келини сингари ўзига ўлим тилай олмасди.

Қайнона — келиннинг аҳволини кўриб, буларни ча — лғитиш керак, деган қарорга келди у ва ўйлай — ўйлай ошхонага кириб ярим бидон ёғни олиб кўздан пана ерга бекитди — да, Ойнисахон ётган уйга кириб, букчай — ганча унинг бош тарафига ўтиб ўтирди.

— Кампир, — деди оҳиста. — Уйроқмисан?

Ойнисахон кўзларини базўр очиб, чоли томонга қараркан икки чаккасига икки томчи ёш думалаб, оппоқ чакка сочлари орасига ёйилиб кетди.

— Эртага пайшанба! Уйга одам келади! Бир томчи — ям ёғ қолмабди — ку ошхонада!

— Анавиндан сўрамадингизми? — деди кампири хи — риллаб. — Ҳаммаси ўшанинг қўлида — ку.

— Билмайман, деяпти, — чол кўзларини пирпира — тиб кампирига тик қарай олмади.

Ойнисахон юзини четга бурди.

Назар чол узум остидаги сўрида бошини кафтлари орасига олиб, мунғайиб ўтираркан, кимдир ёнига келиб секингина "Дада", деб чақиргандек бўлди. Илкис бошини кўтариб, қаршисида қовоқлари шишиб, юзла — ри тирналган келинини кўрди.

— Ошхонадаги бидонда ёғ бор эди! — деди келини ва юзини кафтлари билан яшириб ҳиқиллай бошлади.

Назар чолнинг юраги ўртанди, ёмон ўртанди. Базўр ўзини босиб, дағал овозда:

— Ошхонангни ҳам кўрдим, ертўлани ҳам кўрдим, йўқ, — деди овозини бир парда кўтариб.

— Вой ўлмасам! Битта — яримта пайтдан фойдала — ниб қолган бўлмасин!

— Ҳа, ана энди ўзингга келдинг, келин. У ёқ — бу ёққа қарасанг бўлмайдимиз? Эринг кетган бўлса тўртта ўғлинг бор. Яшаш керак, келин, яшаш!

Келин кўзлари филт — филт ёш, мунғайибгина ошхо — на томонга ўтиб кетди. Тушлиқдан кейин Ойнисахон ҳам ҳовлига чиқди...

Ҳар қандай дарднинг давоси вақт дегандай, икки йил ўтиб — ўтмай, Ойнисахон ҳам, келини ҳам ўзларини анча тутиб олишди. Рўзгор ташвишларига андармон бўлиб, дардларини сал ортга ташлагандек бўлишди.

Ёлғиз Назар чолнинг дардига даво йўқ эди. У ҳамон ўзи билан ўзи олишиб яшаётгандек эди.

Саксон бирга кирганда қаттиқ оғриб ётиб ҳолди. Кампири ҳам, келин — неваралари ҳам энди ўрнидан турмайди — ёв, деган хаёлга бориб, ими — жимида та — дорикларини кўра бошлашди. Кампири куппа — кун — дузи уни ухлаяпти хаёл қилиб, сандиқдан бир тўп сурпни олиб чиқиб кетаётганини чол ўз кўзи билан кўрди. Бу сафар ҳеч ким дўхтирдан, касалхонадан оғиз очмади. Бир гал жони оғриб азоб чекканида, чидай олмасдан кампирининг қоқсуяк сонини ўйиб олди. Ойнисахон кўрққанидан ўрнидан туриб кетди.

— Нима бало бўлди? — деди бир оздан кейин ўзини босиб.

— Нега дўхтир чақиртирмаяпсан? — деди чол қич —

қиргудек бўлиб.

— Ўзи айтмади — ку чақир деб.

— Айтмасам чақирмайсанми?... Ўлақолса — ю қути — лақолсам деб ўтирибсанми? Мен ўлмайман, билдингми, ўлмайман! — Чол жазавага тушиб бақира бошлади. — Мен яшайман, кўп йил яшайман! Сендан кейин ҳам юз йил яшайман, юз йил! Юз йил!

Чолнинг овози бўғилиб, нафаси сиқди ва бирдан бе — ҳол бўлиб ўзини ёстиққа ташлади. Қовоқ солиб, ўш — шайиб турган кампири шошилиб ташқарига чиқиб кетди. Ярим соатдан сўнг худди шундай ўшшайганча қўшниси Абдунаби молдўхтирини бошлаб кирди.

Абдунаби беморнинг у ёқ — бу ёғини кўргач, бир парча қоғозга алланималарни ёзиб берди.

— Бу қоғозингни молларга берасан! — деди чол не — гадир жони чиқиб. Кампирига еб қўйгудек бўлиб ти — килди.

— Мени аҳмоқ қилаяпсанларми? Тузукроқ дўхтир чақирингга ҳам ярамадиларингми?

— Сиз шу дориларни ичинг, уколларни канда қил — масдан олинг, — деди Абдунаби пинагини бузмай. — қаттиқ шамоллагансиз, ҳафта — ўн кунда отдай бўлиб ке — тасиз.

Дўхтир тўғри айтган экан, икки ҳафта ўтар — ўтмай чол соғайиб кетди. Энди у уззу кун ҳовлида, кўча эшик олдида айланиб юрар, узокроққа, ҳатто чойхонага ҳам чиқмас (чоллар суҳбатидан юраги безиллаб қолганди). Йўлда қоқилиб кетиб, бир нима бўлиб қоладигандек, жуда эҳтиёткорлик билан қадам ташларди.

— Оёғини узатиб ётса бўлмайдимиз? — дерди кам — пири ҳар замонда зарда қилиб.

Чолнинг эса уй ичига киргиси йўқ эди. Шу сабабли кампирининг сўзларини эшитмасликка олиб, ҳовлида юргани — юрган. Соғайиб кетганидан буён кампирига зуғум қилмай қўйган, айниқса, келинга малол келмасин деб озиқ — овқат масаласида ҳам инжиқлик қилмасди. Тушлик ё кечликка чақиринганда:

— Бир бурда нон, бир пиёла чой бўлса бас, менга, — деб қўярди минғирлаб.

«Кўп емоқ ҳам кони зиён, — деб ўйларди у бир вақтлар алақайси китобдами, журналдами ўқиганла — рини эслаб. — Узок умр кўрай десанг кўп ема, дейил — ганди ўша китобдами, журналдами? Қайси китоб экан? Кимники эди — я? Луқмони Ҳакимникими?»

Чол невараларидан бирини қақириб, "менга Луқ — мони Ҳакимнинг китобини топиб кел мактабингдан," дея илтимос қилди. Икки кун ўтиб, ўша невараси:

— Ота, мактабимиз кутубхонасида Луқмони Ҳаким деган ёзувчининг китоби йўқ экан, — деди — ю, югуриб ҳовлига чиқиб кетди.

Чол хафа бўлди. Неварасидан ҳам, китобни топиб бермаган ўша кутубхоначидан ҳам кўнгли қолди. Аммо, начора, дардини кимга айтсин?

Майсалар кўқариб, дарахтлар гулга кирган кунлар — нинг бирида кампири ётиб қолди. Дўхтир чақирингга ҳам, касалхонага боришга ҳам кўнмади.

— Бу ёғи яқин қолди, чол, — деди у ҳансираб, — бир кам саксонга кирдим, армоним йўқ. Сиз ҳам болаларни қийнаб нима қиласиз. Ҳеч қўрқинчли ери йўқ бунди! Ахир Алишернинг олдига борамиз. Сиз шуни ўйланг, Али — шерни ўйланг! — Кампирининг нафас олиши сустла — шиб, қорачиғи тепага тортила бошлади. Тили курмовга келмай, алланима дея гўлдираганда, чол базўр илғаб олди: — Ноқалб гапириб, кўнглингизни оғритган бўлсам, ке — чиринг, мендан рози бўлинг, — деди — ёв.

Сўнг "пуф" деди — ю, жон таслим қилди — қўйди. Оппа — осон! Хамирдан қил суғургандай!

Кампирининг ўлиmidан кейин чол ўзини анча ол — дириб қўйди. Яхшими, ёмонми, ҳар кимники ўзига де — гандай! жуда ўрганиб қолган экан. Айниқса сўнгги сўз — ларини эсласа, аъзойи бадани титраб кетади. " Аҳво —

лимни сезган экан, "шўрлик!" дерди — ю кўздан дув — дув ёш тўкиларди.

Бир мунча вақт гарангсиз юрди — ю, кейин ўзини ўнглай бошлади. "Менинг ёшимда кўп куйиниш яра — майди, — дерди у ўзига ўзи. — Асаб толалари ўлиши мумкин."

Чол ҳовлида бегонадай сезарди ўзини. Аввал ўғли, кейин кампирининг вафотидан сўнг бу уйда ҳақсиздай бўлиб қолди. Фақат келини, Алишернинг аёли — олт — миш беш ёшида, ертўлага тушаётган маҳал қоқилиб кетиб ўша ернинг ўзида жон таслим қилгунига қадар чолнинг иссиқ — совуғидан хабар олиб турди. Кир — чирини ювиб дуосини олди. Шунга дову чол ўзининг ёшини эслаб, ҳеч адашмай ҳисоблаб юрарди. Келини — нинг ўлиmidан сўнг унинг ҳаётида парокандалик юз берди. Неваралар, неварра келинларнинг у билан иш — лари бўлмай қолди. Гоҳ вақтида (жуда кам ҳолларда), гоҳ бевақт чой — нонини бериб туришганини қисобга олмаганда, ҳеч ким ундан ҳол сўрамай қўйди. Чолнинг ҳам уларга кўзи учиб тургани йўғ — у, ҳар қалай одам — гарчилик юзасидан дегандай.

Ўзларидан кўпайишиб, хона етишмай қолганида чол — дан сўрамай — нетмай уни ошхона ёнидаги хужрага кў — чириб ўтқазиб қўйишганда ҳам у оғринмади. Аксинча, уларнинг устидан кулишга — да қудрати етди. Ҳали улар ҳеч нарсадан беҳабар, ўзларини дунёга устун бўлади деб ўйлашади шекилли! Ҳа, майли! Чол хотиржам, жимги — на, ҳатто бир оз кулимсираганча эшиқдан кирган — чиқ — қанларни кузатиб қоларди. Зеро, тирикликнинг ўзи катта бахт эди унинг учун. Ёруғ дунёда борлигини ҳис қилиш — нинг ўзи улкан қувонч бағишларди қалбига.

Кунларнинг бирида ҳовлидан қий — чув, йиғи — сифи овози эшитилиб қолди. Эвараларидан бири оламдан ўтди шекилли! Чол тўнғич неварасининг ўғлини элас — элас кўз олдига келтириб, юраги бир ҳапқирди. Анчадан буён кўнгли бу қадар юмшамаган эди. Наҳотки ёлғизлик жо — нидан ўтган яқинларининг йўқлиги билинган бўлса? Ас — лида у ёшига нисбатан анча дадил, ҳовлига чиқиб юриш — га — да қодир эди. Бироқ уни ҳеч ким на азасига, на тўйига йўқлар эди. Гўё у йўқ, унитилган! Одамларнинг эсидан чиқиб кетгандек эди гўё.

"Арзимаган майда — чуйда ташвишлар учун куйиб ёнишнинг ҳожати йўқ, — деб ўйлади чол, аммо кир — тайиб, қовоқлари ичига ботиб кетган кўзларидан дув — дув ёш тўкиларди. — Ҳаммаси беҳуда!"

Чолнинг кўзлари хиралашиб қолган бўлса — да, онг — шуури ҳамон теран, дераза ойнасидан тушиб турган бир

тутам нур, бир парча осмонга тикилиб ётиб, ҳамон ти — риклик лаззатидан баҳраманда эканлигидан қалби қувончга тўларди. Яна бир мунча вақт ўтиб, Назар чол ёшини ҳисоблашдан бутунлай адашиб кетди. Тишлари тўкилиб, янги сут тишчалар чиққанига ҳам аллазамон — лар бўлган. Ундан кейин невараси оламдан ўтди, сўнг эвараси! Бошқаларини у танимайди, ҳатто исмларини билмайди. Аллақандай чорпахил йигитлар! "Наҳотки шулар менинг зурриёдим бўлса, — деб ўйларди у ўша чорпахил кишиларни ҳар замонда кўриб қолганида. — Эварамнинг неварасими ёки неварамнинг ўғлимикин?"

Бора — бора чол хужра деразасидан тушаётган бир тутам нурни кўриш имконидан ҳам маҳрум бўлди. Қулоғи ҳам эшитишдан чарчади.

Ҳамма ёқ зим — зиё, тун — куннинг фарқи йўқ эди. Шунда ҳам чол тушқунликка тушмади. Ундан хабар олиб турувчи кишилар ҳам аллақачон бегона одамлар! Салом йўқ, алик йўқ, бир коса ёвғонни тўқ этиб қўйишади — ю, тўнғиллай — тўнғиллай чиқиб кетишади. Чол сассиқ такадек бадларига урганлигини яшириб ҳам ўтириш — масди. Чолнинг кўзи ожиз бўлмаганида, қулоғи оғир — лашиб қолмаганида уларнинг аҳволини кўрган, шира — сиз сўзларини эшитган бўларди, аммо барибир кай — фиътини бузмай, уларнинг ортидан тишсиз милклари — ни кўрсатиб тиржайганча кузатиб қолган бўларди.

Овқатдан кейин бир соатми, икки соатми балки кўп — роқ вақт ўтгач, яна бирови илимилиқ чой қўйиб кетар — ди. "Қайноқ чойни ичаман деб куйиб қолмасин дей — ишса керак — да, раҳма — ат", — деб ўйлашга чолнинг фаҳм — фаросати етарди.

Тимирскalaniб, бир коса ёвғонни ичиб олиб, яна жойига чўзиларди. Тирикликнинг барча воситаларидан — кўриш, эшитиш, юришдан маҳрум бўлди, энди чол ўлса керак, деб ўйлашди атрофдагилар.

Баъзилар унинг бир боғлам пиёздай бўлиб ётган — лигини кўриб: "Э худо, намунча хўрламасанг бу бечо — рани, нима гуноҳи бор эдики жонини олмаяпсан, — дея нола қилишарди. — Ахир, ўлолмаслик ҳам азоб — ку".

Чол эса уларни кўрмасди, эшитмасди, аммо ғайри — шуурий равишда кимлардир томоша қилаётганини се — зи қолиб, қўлига илинган нарсани — косами, чойнак — ми олиб, эшикни мўлжаллаб туриб улоқтирарди.

Сўнг эса аввалгидан ҳам теранроқ, аввалгидан ҳам равшанроқ мулоҳаза юришиб, кўнгли қувончга тўларди. Мен энди ҳақиқий ҳаётимни яшайман! Мен яшай — ман!

АЁЛ

Декабрь ойининг охирлари. Ҳаво совуқ, май — далаб ёмғир аралаш қор ёғмоқда. Кўчалар бўм — бўш, кимсасиз...

Кўп қаватли уйларнинг бирида дераза ойнасидан ташқарини кузатиб турган аёлнинг кўнгли бундан — да гариб, бундан — да ҳорғин эди. У янги ишга қўл уришга чоғланган — у, бироқ кўнглини хавотирми, иккиланишми ё кўрқувгами ўхшаш бир ҳис чулғаб олган киши кайфиятида эди. Деразанинг муздек ой — насига пешонасини тираб яна бир неча сония шу кўйи турди — да, сўнг бир қарорга келди шекилли, кийимхонага ўтиб апил — тапил кийина бошлади.

— Қаёққа кетаяпсан, Нафис?

Аёл кийимхонадан чиқаркан, ётоқхона эшиги ол — дида майкачан турган эрини кўриб бир оз сароси — маланиб туриб қолди.

— Ўтган кунни Хосият янги уч юз сўм олганди, сўраб кўрмоқчиман. Ўзига қарасам ҳали — бери берадиганга ўхшамайди.

Асилбек кўзларини олиб қочди...

Нафиса кўчага чиққандан кейингина энгил тор — тди, орқасига қараб — қараб мактаб томон йўл олди. Кўп қаватли уйлар оралиғидаги йўлакдан юриб бо — раркан, хаёли паришонлигиданми ё шошилаётгани — данми, бир неча марта текис йўлда қоқилиб кетди.

Мактаб илмий бўлим мудири унинг муддаосини эшитгач директор ҳузурига олиб кирди.

— Институтни битирганман, дарс бўлса ишласам дегандим, — деди у бир оз ҳаяжон билан. — Бота — никман...

Директор — тўладан келган, баланд бўйли, тилла гардиши кўзойнак таққан салобатли аёл — Нафи — сага синовчан тикилиб турди — да, сўнг "завуч"га юз — ланди.

— Дарслардан қалайсиз? Бўш ўрин борми юқори синфларда?

— Бор — у, аммо рус синфларида... Менимча, — завуч Нафисага бир қараб қўйиб, фикримни давом



эттираверайми дегандай директорга маъноли нигоҳ ташлади.

— Хўш?

— Менимча, бу киши юқори синфларни эплаши кийин. Юмшоқ табиат экан.

— Ўзингиз нима дейсиз?

— Билмасам... Очиғи, рус тилидан нўноқман.

— Унда кўнглингиз ўзингиздан қолсин, — ди — ректор гап тамом дегандай ўрнидан турди.

— Ўқитувчилик бўлмаса бошқа иш бўлсаям май — ли... Кутубхоначиликми, котибаликми...

— Афсус, — директор бир зум ўйланиб турди — да, сўнг деди: — бизга ҳозирча фақат дворник керак — а?

— Дворник кераг — у, лекин опамиз институтни битирган экан, — завуч Нафиса томон ачиниш билан қараб қўйди.

— Мен уни мажбур қилаётганим йўқ, просто бўш ўринни айтдим, холос. Ҳозир ўқув йилининг ўртаси, бошқа мактабларда ҳам бўш ўрин йўқ. Августда кел — сангиз ўйлаб кўрармиз, — деди директор мулой — имлик билан.

Нафисанинг ранги ўчиб кетганди. Бош кўтаришга мажболи етмай, ердан кўз узолмай қолди. Директор "олиб кетинг" дегандай завучга ишора қилди.

— Бўлмаса августда келарсиз — а? Тўппа — тўғри манга келиб учрашсангиз йўл — йўриқ кўрсатаман, — завуч яхши гаплар билан "сув пуркай" бошлади.

Нафиса базўр ўрнидан туриб эшик томон йў — налди. Остонага етгунча тўрт қадам... Шу орада у кўп нарсаларни ўйлади, ҳам ўйламади. Ва бирдан тўхтаб ортига ўгирилди.

— Кечирасиз, бир нарсани сўрасам майлими, дворник қандай ишларни бажариши керак?

— Ҳар куни икки маҳал мактаб ҳовлисини су — пуриб тозалайди, холос.

— Маоши қанча?

— Етти юз сўм, — директорнинг овози қаттиқроқ эшитилди.

Аёл мактаб ҳовлисига чиқиб, атрофни кузатди. Наридан борса олти соғих чиқар. Эрталаб ва кечқурун... Икки маҳал... Бир — икки соатда тозалаб ташлаш мумкин. Шу арзимаган иш учун етти юз тўлаша ёмон эмас. Энг муҳими — уйи бир қадам. Ана, бал — кон ойналари кўриниб турибди. Нима бўлса бўлар, бугун ҳал қилмаса кейин яна иккиланиб юраверади. Бу ёқда тўртта бола... Уч ой муқаддам, ўзининг ай — тишича, "ноҳақ ишдан бўшатишган" эр...

Нафиса директор ҳузурига кириб, ишлаш учун розилик берди. "Фақат вақтинчалик", — деган ўй кўнглига таскин берди.

— Намунча қолиб кетдинг? — чинқириб йиғла — ётган бир ярим яшар ўғилчасини кўтариб олган Асилбекнинг юзи бўғриқиб кетган эди. — Кетишинг билан уйғониб қолиб, қиёматни бошлади... Хосият янга уйдамикин?

Нафиса уйдан чиқиб кетаётганида айтган ёлгон гапини эслаб қизарди. Индамай ўғилчасини олиб эмиза бошлади.

— Ақалари қани?

— Кўчага чиқамиз деб қўйишмади.

— Чой ичишдими?

Эри бош чайқади. Хотинига қарамаслик учун ни — гоҳини олиб қочди.

— Нон тугаб қопти, — деди бир оздан кейин ҳа — зин товущда.

Ўртага ноқулай жимлик чўқди. Асилбек айбдор одамдай бош эгиб ўтирар, Нафисанинг тили танг — лайига ёпишиб қолгандек... Фақат онасини эмиб қорни тўйган бахтиёр болакайнинг қиқир — қиқир кулгани эшитиларди хонада.

— Хосият янга... қарзини бермадими? — дея яна ботинмайгина сўради эри. — Нонга чиқиб келардим.

Ишни бошлаб юборганига уч ой бўляпти — ю, ҳа — мон аёлни кўнгли гап эди. Очиғини айтганда би — ровга "ишлапман" дейишга уяларди. Айниқса ҳов — лига чиқиб кун бўйи гап сотиб ўтирадиган кўшни аёллардан тортинарди. Шу боис у ҳар куни вақтли турар, тонг ёришар — ёришмас мактабга борар, ҳамма ёқни супуриб, ариқларни тозалар, ахлатларни чи — қариб ташлар, узоқроққа ишга қатнайдиган киши — лар уйларида чиққанларида у қош — кўзи чанга беланиб қайтаётган бўларди. Кечки маҳал эса ҳов — лида битта — яримта танишларга йўлиқиб қолмаслик учун ерга қараганча мактаб томон шипиллаб жўнаб қоларди. Вақт ўтган сайин негандир шошқалоқлик қилиб ўзини ўзи ерга урган, юзига қора чаплаган одамдек ўзидан ўзи нафратлана бошлади.

Директор Дилбар Юсуповна ҳам унинг ишидан қониқмаяпти шекилли, оғиз очиб бир нима дема — са — да, уни кўрганда ижирганиб қўйгани шундоқ — қина юз — кўзидан билиниб турарди. Аммо бу ҳолат узоққа бормади.

— Сиз ишга келганингиздан буён мактаб ҳовли — сига одам қараб бўлмай қолди, — дея захрини сочди бир куни ҳузурига чақириб. — Аёл кишисиз — ку, уйингизда ҳам шунақа ярим — ёрти иш қиласизми? Эссиз эркак... Бугундан бошлаб кун бўйи мактабда бўласиз, эрталаб, кечқурун келиб кетишни бас қилинг. Мен сизга саккиз соатлик иш ҳақи тўлаяпман. Олган маошингизни ҳалоллаб олинг.

— Кун бўйи мактабда юришга иложим йўқ, — деди у минг истиҳола ҳам андак ҳадик билан. — Ёш болам бор.

— Эпласангиз ишланг! Пул топиш осон эмас.

Кўзларига жикқа ёш келди. Нимадир демоқчи, ўзини оқламоқчи бўлди, аммо тилига тушов тушган — дек гапиролмади. Лаблари пир — пир учди холос.

— Боринг, ишингизни қилинг, — деди директор дағаллик билан. Қаттиқ жаҳли чиққан шекилли, ҳа — мон паст тушай демасди.

— Ҳаммаёқни тозалаб чиқдим...

— Тозалаб чиқдим?! — Дилбар Юсуповна тилла гардишли кўзойнагини юлқиб олиб, ирғиб ўрнидан турди. — Бу ёққа юринг!

Улар кетма — кет ҳовлига чиқишди.

— Мана буларга қаранг, — деди директор ҳов — лининг икки тарафидаги дарахтларни кўрсатиб. — Қовжираб ётибди. Ким суғориши керак? Анови девордаги ёзувларни кўряписизми, буларни ким ўчи — риби, тозалайди? Фақат ҳовлини чангитиб супуриб қўйсам бўлди деб ўйлаясизми? Ман сизни шахсий чорбоғимда ишлатаётганим йўқ. Бу ер давлат идо — раси! Эпласангиз ишланг! Ўзингизни осмондан туш — гандек тутсангиз... келишолмаймиз!

Дилбар Юсуповна шахт билан ичкарига кириб кетди. Нафиса уйдан челақ, совун, эски латта — путта олиб чиқиб, деворларга кўмир — қора сақич билан катта — катта қилиб ёзилган хунук сўзларни ўчирар — кан, хўрлиги келиб йиғлагиси келар, ён — веридан ўтаётган йўловчилардан уялиб, ерга киргудек бў — ларди...

Сал фурсат ўтиб эса, анча ўзини тутиб олгач, у ишхона шарт — шароитига ҳам кўника бошлади ва чарчаган, асаби бузилган пайтлари болаларини, ка — талақдек уйини, ишсиз ўтирган эрини кўз олдига келтириб, ўзига ўзи таскин берадиган бўлди.

— Нафис, — деди бир куни эри. — Мактабдан бўшаб қўя қол. Болалар ҳам қийналиб кетди... Бирорта озиқ — овқат дўконига бўлсаям ишга кирмоқчиман.

Аёл ялт этиб эрига қаради. Нигоҳида аччиқ бир киноя бор эдики, Асилбек беихтиёр кўзларини олиб қочди.

— Бу дунёда ҳеч нарса боқий эмас, жумладан озиқ — овқат дўкони ҳам... — деди у кулимсираб. Сўнг фавқулодда ақлли гап айтиб, эрини лол этиб қўйга — нидан хурсанд ҳолда давом этди: — Эндигина ишга, ишлашга ўрганганимда йўлдан қайтарманг. Ҳадемай дарс ҳам бериб қолишса керак.

Сўнгги гап ёлғон эди. Унга ҳеч ким дарс соатлари ваъда қилмаганди. Мактаб ҳовлисини супураётган маҳаллари эрта — индин декрет отпусказига чиқаман деб юрган аёлларни кўрганида хаёлига шу фикр кел — ганди.

— Дарс бўларкан — у, бошидан шундай қилишса бўлмасмиди, — деди Асилбек норози бўлиб.

— Ким билади дейсиз...

Аёл чуқур хўрсиниб қўйди.

* * *

Ана — мана дегунча чарақлаган ёз ўтиб, қовоқ — тумшуғи осилганча куз кириб келди. Октябрь ойи — нинг охирларига келиб ёғингарчилик бошланди, кун — лар совиб кетди. Нафисанинг иши анча енгиллашди, чунки ҳаммаёқ лойгарчилик... Дарахтларни сугор — маса ҳам бўлади энди.

Мактаб фойесининг чап тарафида "техничка"лар учун ажратилган ҳужранинг деразасидан қараб ўтирган аёл "Ёмғир сира тўхтамаса — я" дея ният қиларди.

Унинг оҳини эшитдим, ёмғир ҳам роса бир ҳафта эзиб ёғди. Ер сал намини тортса яхшилаб ҳовлини супуриб қўяман деб атрофдаги қоғоз, шох — шабба — ларни териб юрган кунларининг бирида директор — нинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Матлуба Темировна уни хонасига чақирди.

— Бир ўйнаб берасиз энди, Нафиса опа, — дея кулиб қаршилади у. Матлуба Темировна ўрта бўй, қадди — қомати келишган, сутга чайиб олингандек оппоқ, кўзлари катта — катта, киприклари қайрилма, бир сўз билан айтганда "ўта гўзал" эди. Оғзи тўла тилла тиш. Шарақлаб кулганида оғзида бир ҳовуч олов ловуллаётгандай туюлади.

— Битта ўқитувчимиз отпусказига кетаётганди, ўр — нига ман сизни тиқиштирвордим.

— Йўғ — э, ростданми?

— Ҳа, мани уялтирмайсиз энди Дилбар опам — ларнинг олдиларида. Ишлайман деган кўп, лекин ман сизнинг ҳовли супуриб юрганнингизни кўриб жа... галати бўлиб юрадим. Шу учун...

— Раҳмат, умрингиздан барака топинг...

— 8 "А" билан 8 "Б"ни сизга берамиз. Ду — шанбадан бошлаб ишга ўқитувчи сифатида кел — линг, — деди Матлуба Темировна тантанали ра — вишда. — Биз сизни ўз сафимизга жон — жон деб қабул қиламиз.

Бу қувончли хабардан эсанкираб қолган Нафиса завучга қайта — қайта миннатдорчилик билдириб, унинг ҳузуридан чиқдию уйига югурди. Ҳаяжон — ланганидан аёлнинг юраги тез — тез урар, бутун ву — жудидан иссиқ чиқиб, юзи ловуллаб ёнарди...

Эртасига мактабга вақтли келди, дарс жадвалида белгиланган синфга кирди ва журнални маҳкам уш — лаганча ўқувчиларни кута бошлади. қўнғироқ чали — ниб, болалар хонага гуриллаб кириб келишганида юраги бир ҳаприқиб кетди.

Бироқ ҳеч ким унга эътибор бермасди. Бир — бир — ларини итаришган, туртишган, бақаришган, хохо — лашган...

— Жим, жим бўлинглар, — дея олди у ниҳоят. — Дарсни бошлаймизми, йўқми?

Бирдан синфга жимлик чўқди. Болалар ҳайрон бўлиб унга тикилиб туришарди.

— Ие, сиз ўқитувчимисиз? — дея кимдир кино — яли луқма ташлади. У ер — бу ердан пиқ — пиқ кулги овози эшитилди.

— Ҳа, бугундан бошлаб мен сизларга ботаника фанидан дарс бераман. Шунинг учун...

— Унда ҳовлини ким тозалайди?

Нафисанинг аъзойи — баданидан ўт чиқиб кетди. Кутилмаган зарбадан ўзини йўқотиб қўйди. Тили калимага келмай эсанкиради. Синф сув куйгандек жимиб қолган, ўттиз икки жуфт қоракўз уни диққат билан кузатарди.

— Ҳовлиними?.. Ҳовлини бошқа кишига топшир — дим, — деди у ахийри ўзини тутишга ҳаракат қилиб. Нигоҳи билан савол берган болани қидириб топди. қорачадан келган, новча, жингалак соч бола...

— Исминг нима?

— Нодир, — деди бола ўтирган жойида. — Фа — милиямни ҳам айттайми?

— Шарт эмас. Бугун сизлар билан, — у қўлига китобни олиши билан синфда яна вағур — вуғур бош — ланди. Нафиса ўзини босиб, уларга эътибор берма — ётгандек мавзу ҳақида гапира бошлади, аммо ҳеч ким унга қулоқ солмади.

Олти соатлик дарс шу зайлда ўтди. Болалар унинг ҳовли супуриб юрганини кўришган, шунинг учун ўқитувчи сифатида тан олгилари келмаётгандек ту — юлди Нафисага. Уч — тўрт кун ўтса кўникиб кети — шар.

Афсуски, уч — тўрт кун эмас, бир ой ўтса ҳамки ўқувчилар сира бўй беришмасди. Бировга дардини айтишга Нафисанинг ўзи уялди. "Собиқ дворник" деган лақаби бор... Иккинчи тарафдан "Дарсингизни кузатайлик" деб битта — яримтаси кириб қолса нима бўлади?" деган хавотир мудом ич — этини ерди. Бир ой ичида бир йил ишлагандек чарчади. Нимадир қилиш керак. Ўқитувчилар қўлайдиган усулларни бирма бир ишга сола бошлади... Бари бефойда. Кўп — чилик дарсга қизиқмас, битта — иккита ўқийдиган бола билан эса иш битмас эди. Улар янги ўқитувчини синаб кўришяптими ёки бўлари шуми — тушунмиш муш — кул эди. Китоб ўқиш у ёқда турсин, дарс пайтида ҳам тинч ўтиришмасди. Айниқса ёш — ёш, она сути оғзидан кетмаган қизчаларнинг бошдан — оёқ кино — яли боқишлари оғир ботарди.

Нафисанинг бор хаёли мактаб бўлиб қолди. Эри, болалари билан илгаригидек очилиб гаплашмай қўй — ди. Уй ишларини апил — тапил бажарасола китоб ўқир, конспект ёзар, ҳар хил расмларни қирқиб олиб аль — бом, қўлбола кўргазмали қуроллар тайёрларди. Ав — вал бошда баъзи ишларига Асилбек ҳам кўмакла — шиб турди: у ҳамон тайинли иш тополмай, уйда ўти — рарди.

— Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди, — деб тез — тез тақорлайдиган бўлиб қолди у сўнгги пайтларда.

— Ҳали ўзлари келиб кечирим сўрашади. Ўшанда улар мендан кўрадиганларини кўришади...

Нафиса эрига ачиниб қараб қўяр, лекин эътироз билдирмасди. Хаёлида эса фақат мактаб... Эрта — ин — дин комиссия келармиш деган гап тарқалган. Шу боис директор ҳар кунни мажлис чақиргани чақирган, "Планёрка" дейишаркан.

— Мен сизларни огоҳлантирдим, — дерди Дил — бар Юсуповна ҳар гал. — Ишланг, ишланг, ишланг! Энди илгариги замонлар ўтиб кетди. Виждонан иш — лайдиган давр келди. Шунчалик куйиб — пишиб та — лаб қилиб турганимиздан кейин ҳам бирор камчи — ликка йўл қўйсангиз кўнглингиз ўзингиздан қолсин. Нон бўлса нонхўрак топилади. Қирқ беш минутлик дарсни пок — покиза ўтолмасангиз нима қилиб юриб —



сиз мактабда? Ана, анави мактаб бору... 54 — миди, ҳозир эсимдан чиқибди, ўтган йили текширувчилар келганида бир ўқитувчи дарсга конспектсиз кирга — ни учун статья билан ишдан бўшатишган. Статья билан — а! Биласизми бу нима дегани?! Демокчиманки, сизлар ҳам шу аҳволга тушиб қолманглар. Мактаб маъмурияти томонидан қандай ёрдам керак бўлса марҳамат. Дарсдан кейин кабинетга келиб олишингиз мумкин.

Бундай ваҳимаю дўқ — пўписага йўғрилган гап — сўзларни эшитган сайин Нафиса ичидан зил кетарди. Ишга киргани, устозликни орзу қилгани учун афсус ҳам чека бошлади. Ўқувчиларини кўз олдида келтириб эса баттар таҳликага тушарди. Бундан ташқари, яна бир муаммо мавжуд эдики, бу бари — сидан ошиб тушарди. Кўргазмалар қурол! Қирқ беш минут давомида ўқитувчининг асосий қуроли... Мактабда эса аксига олиб қўлларию жағ суяги синиб тушган скелетдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Директорнинг "Қандай ёрдам керак бўлса марҳамат" деган сўзларидан кейин Нафисанинг елкасидан тоғ қулагандай бўлди. Мажлисдан кейиноқ Дилбар Юсуповнинг ҳузурига ошиқди.

— Кўргазмалар қурол бўлса беринг деяпсизми? — Директорнинг кўзлари чақчайиб кетди. — Ман берманми сизга кўргазмалар қуроли? Дарсингизни ҳам ўтиб берсам нима дейсиз? Сиз фақат ойлигингизни қуртдек санаб олгани келардингиз — қўярдингиз!

Нафисанинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Ахир... ўзингиз қандай ёрдам... керак деган — дингиз...

— Ёрдам? Мен методик ёрдам дегандим! Яъни маслаҳат, йўл — йўриқ...

— Унда... кўргазмалар қуролларни қандай топсам бўлади? Ўзим скелет ясай олмайман — ку.

— У ёғи сизни вазифангиз. Ота — оналар билан маслаҳатлашинг, қаттиқроқ ишланг. Мактаб маъмурияти сизни кўргазмалар қурол билан таъминлай олмайди. Фонд йўқ.

— Текширувчилар шуни ҳисобга олишадими ахир. Мактабда ҳеч нима йўқлигини...

Азбаройи жаҳли чиққанидан Дилбар Юсуповна ўрнидан сапчиб туриб кетди — да, Нафисанинг қоқ тепасига келганча, илондай вишиллади:

— Ҳали мактаб ҳеч нима бермаяпти деб комиссияга шикоят қиламан денг?! Ҳой хотин, сал у ёқ — бу ёғингизга қаранг. Мактаб устидан шикоят қилсангиз биз ҳам қараб турмасмиз...

— Шикоят қилмоқчи эмасман. Мен...

— Шикоят қилаверинг. Мен кўрқмайман. Бировнинг бир сўмини еган эмасман! — директор гавда — сига ярашмаган чаққонлик билан жойига қайтиб, креслосига ястаниб ўтириб олди. — Фонд масала — сига келсак... ҳозир ҳамма жойда шу аҳвол. Ўқитувчи керакли жиҳозларни ўзи тайёрлай олиши керак. Қўлидан келмаса бўшатиб қўйсин ўрнини!.. Айт — моқчи, мана бу дафтарда... — у стол тортмасидан қалин муқовали дафтарни олиб кўрсатди, — ҳамма ҳисоб — китоблар ёзиб қўйилган. "Қора дафтар" деб атайман мен буни...

Нафиса директор ҳузуридан бир замбил лой бўлиб чиқди. Аъзойи баданидан ўт чиқиб, қалтирай бошлади. Йиқилиб тушмаслик учун базўр ўзини тутиб, уйга жўнади.

Шу кунги кечгача бошини кўтаролмай чўзилиб ётди. Овқатланаётганларида бўлган воқеани оқизмай — томизмай зрига айтиб берди.

— У киши менинг нима демокчи эканлигимни тушунмади. Тушунтиришга эса имкон бермади, — деди у овози титраб.

— Томи кетган шекилли, — деди Асилбек ба —

майлихотир. — Мактабда соғ одам ишламайди ўзи.

Эртасига "окно" вақтида ўзига яқин бўлиб қолган икки — уч ўқитувчи билан услубхонада ўтиришга — нида улардан бири — Шаҳноза Алиевна исми рус тили муаллими кулимсираб:

— Кеча нима ишлар қилиб кетдингиз, азизим? — деди.

Хомуш ўтирган Нафиса бирдан ҳушёр тортиди:

— Нима иш қилибман?

— Опани роса жигига тегибсиз — у... Биз ҳам сизни касрингизга қоладиган бўлдик энди.

Нафисанинг юзи доқадек оқариб кетди.

— Нега менинг касримга қоларкансиз?

— Сиз кетгандан кейин яна мажлис чақириб, роса тўполон қилдилар. — Шаҳноза Алиевна ҳамон кулимсираб туриб, санай кетди: — Эрқаланиб кетиб — миз! Кела солиб икки — уч соат дарсни ўтарканмизу, уйга қочарканмиз! Давлатдан уялмасдан жарақлатиб пул олиб ётибмиз... Бўлдимиз, ҳаммасини айтдимми? Ҳа, айтгандай, завучга янги топшириқ берилди. Дарсларни кетма — кет қилмасдан, ораликқа икки — уч соат окно қўйиб ташланг деб буюрилди. Завуч жонивор ҳам шуни кутиб турган эканми, кечаси билан ухламасдан дарс жадвалини ўзгартириб келибди. Мана энди икки соат дарс учун мактабда етти соат ўтиришим керак. Менга — ку, майли — я, аммо манави шўрликка қийин бўлди, — у адабиёт муаллимасига имо қилди. — Уйда эмизикли боласи қолган. Боғчага берай деса олишмаяпти, ЖЭҚдан справка олиб келинг дейишяпти. ЖЭҚдан справка олиш учун бир йиллик коммунал хизмат ҳақини тўлаб қўйиши керак. Ана шунақа...

— Бўш вақтда бекор ўтирмай, камчиликларингизни тузатинг, комиссия келганда гап эшитиб қолмайсизлар деган маънода гапиргандирлар — да.

— Э, комиссия ким бўпти! Уям сизу менга ўхшаган, маоши кам бир нотавон — да. — Шаҳноза Алиевна Нафисани кучоқлаб олди. — Азизим, кўрқманг, комиссияни ўзлари тинчитадилар. Агар жигига тегмасангиз, албатта... Бунақа ишларга опанинг суяги йўқ. Талант! Минг қилсам кўпни кўрган. Асли касби архитектор, бир пайтлар шаҳар бош архитектори бўлган. Замонани зайли, танишларининг майли билан мактабга директор бўлиб қолган...

— Йўғ — е?

— Комиссия кетгандан кейин маошингиздан икки — уч юз ташлаб чиқасиз, тамом — вассалом.

— Кейинги пайтда "йиғ — йиғ"лар кўпайиб кетмаяптими, — дея орага қўшилди боядан бери жим ўтирган адабиёт муаллимаси Санобар Умаровна.

— Шунинг учун ҳам биримиз икки бўлмаяпти — да. Только льготаси демасангиз...

— Ёнимиздаги 51 — лицей бору, ўшанинг ўқитувчиларини кўрганмисиз? — Санобар Умаровна ўрнидан туриб, уларга яқинлашди. — Во! Кийимларини кўриб оғзингиз очилади!

— Биласизми улар нима қилишади? — Шаҳноза Алиевна эшик томонга қараб қўйгач, овозини бир парда пасайтирди. — Ҳар чорак охирида "зачёт" ўтқазиб, ота — оналарни роса шилишади.

— Ана холос!

— Ростданми?

— Рост. Давай, биз ҳам бир тажриба қилиб кўрайлик. — Шаҳноза Алиевна қўлини узатган эди, Санобар Умаровна биринчи бўлиб қўл ташлади. — Яхши, — деди Шаҳноза Алиевна унга қараб. Бир лаҳзадан сўнг яна бир марта "Яхши" деб тақрорлади. Негадир унинг кайфияти кўтарилиб кетганди.

Нафиса бу "билагон" аёлни ёқтирмади. — Намунча очкўз бўлмаса!" деб қўйди ичиди. У Шаҳноза Алиевнани ҳовли супуриб юрган кезлари кўп учратарди.



Ёши қирқлар атрофида, озгин, оқ — сариқдан келган бу жувон ҳар доим бир хил кийинар, оёғидаги ури — ниб қолган туфлисини пахта ёғи шимдирилган латта билан артиб ятиллатиб юрарди. Орқаворатдан ўқув — чилар уни "ёлка" деб аташлари ҳам бир — икки қуло — гига чалингандай бўлувди. Рўзғорида етишмовчи — лиги кўпдир — да, деб ўйлаганди ўшанда. Ростга ўх — шаёди...

— Бечорани бешта боласи билан эри ташлаб кет — ган, — деди Нафисанинг ўйларини ўқиб тургандай Санобар опа Шаҳноза Алиевна чиқиб кетгандан сўнг секингина. — Иккита болани эрим икковимиз базўр боқаяпмиз, ҳалиям бу шўрлик "дод" девормайди.

— Нега ташлаб кетган?

— Нега бўларди, опа бир вақтлар коммунист бўл — ган, қирқ соатлаб дарс олган, уйга эри қатори, балки ундан ҳам кечроқ борган... Рўзғор ишлари ўлда — жўлда, қозон вақтида қайнамаган, яна ярим кечагача ўтириб дафтар текширади, дарсга тайёрланади, эри — нинг кўнглини олишга вақт йўқ... Бунга ҳафсала ҳам бўлмаган. Ўша вақтлари ўқитувчи одмироқ бўлиш керак деган қонунми, қоидами бўларди. Сиз била — сизми — йўқми, ўқитувчи бечора ўқувчиларнинг кўзи очилмасин деб лабига помада ҳам суролмасди. Хул — лас, эри ўзи билан ишлайдиган бир аёлни севиб қолиб, ўшаникига кетиб қолади... Аммо лекин ўша пайтлари ўқитган ўқувчилари ҳалига довури келиб хабар олиб туришади. Бирини бир қоп картишка, бир қоп гуруч дегандай ташлаб кетишади. Шаҳноза Али — евна собиқ ўқувчиларидан ўша картишка — пиёзни олгани учун жуда уялади. Шунинг учун ўзи кўпроқ пул топишга, болаларини ўзи боқишга ҳаракат қила — ди. Алимент ҳақида — ку, эшитгиси ҳам келмайди...

Нафиса ҳалигина шарт — шурт гапириб чиқиб кетган аёлни кўз олдига келтираркан, юраги туз қуй — гандек ачишди...

* * *

Дарсдан кейин Матлуба Темировна уни ҳузурига чақиртирди.

— Нега исён кўтариб юрибсиз, Нафиса опа? — дея қарши олди у жувонни. — Комиссия келса ши — коят қиламан дебсизми?

"Оббо... — энсаси қотган Нафисанинг яна кай — фияти бузилди. — Буларга бир гап топилмасин экан!"

— Кеча Дилбар опам мани чақириб олиб анча уришдилар, — деди Матлуба Темировна жилмайиб. Овози бирам майин, ёқимли... Дилбар Юсуповна — нинг бутунлай акси. — Янги ўқитувчингизга ёрдам керак экан, сиз беҳабарсиз, энди ишлаётганлар би — лан тез — тез суҳбат ўтказинг, маслаҳат беринг, дарс жараёнини кузатинг деб кўрсатма бердилар. Опа — гинам, сиз билан келишиб олсак, бундан бу ёғига бирор савол туғилса, аввал албатта менга учрашинг. Хўпми? Дилбар опам сиз ҳақингизда жуда яхши фикрдалар, фақат янги иш жойига кўниқолмаяпти шекилли, ёрдам бериб туринг деб жуда қаттиқ тай — инладилар...

Матлуба Темировна табиатан бироз жиззаки эди. Уйда эри ё қайнонаси билан тез — тез айтишиб, ота — онасиникига неча марта кетиб, қайтиб келиб юрса — да, иш жараёнида жуда усталик билан ўзини босиб — меҳрибон тутар, шу қобилияти билан, кўпчиликнинг меҳрини ҳам қозонган эди. Ҳозир ҳам Дилбар Юсу — повнанинг гапларини эҳтиётлик билан, у ёқ — бу ёғини "тарашлаб" Нафисага етказаркан, аёлни мунгайиб ерга қараб ўтиришини кузатаркан, негадир гаши келди: "Намунча лаллайган бу шўрлик!"

Аслида эса...

Ўша куни Нафиса мулзам бўлиб чиқиб кетган за — хоти Дилбар Юсуповна завучни чақиртирган ва у

остонада кўриниши билан қўлини пахса қилиб ўш — кирган эди:

— Ўқитувчи деб кимни бошлаб келдингиз менинг олдимга? Фалчам, овсарми — одам билиб бўлмай — ди. Ҳовлини супуриб юравермасмиди?! Нега бошлаб келдингиз ўзи? Менда қасдингиз бормиди?...

Директор узоқ вайсади. Матлуба Темировна пинак бузмай обдон охиригача эшитди. Дилбар Юсуповна ҳолдан тойиб, креслога чўккандан кейингина му — лойим жилмайиб, меҳрибонлик билан деди:

— Дилбар опажон, шу арзимаган ишга ҳам аса — бингизни бузиб ўтирасизми? Қўйинг — э, ҳозир яна давлиянги кўтарилиб кетади. — Матлуба Теми — ровна графиндан сув қуйиб узатди. — Ўзи ёмон эмас, саккиз йилдан бери уйда ўтирган хотин... Кў — николмаяпти шекилли.

— Бунақалар ёмон бўлади, — деди Дилбар Юсу — повна ҳамон қовоғини очмай. — Ўзини овсарликка солиб юриб, тагинга сув қуяди.

— Йўғ — е.

— Ҳа, нечасини кўрганман бунақаларнинг... Сизга маслаҳатим, умуман ходимларингизнинг бош кўта — ришига имкон берманг. Ишга кўмиб ташланг, ҳеч қачон бирлашмасин улар. Собиқ дворникни мунта — зам кузатиб боринг. Кунора дарсига кириб, камчи — ликларини айтиб туринг. Бирор ғаламисликни сез — сангиз дарҳол етказинг, думини тўтворамиз! Ҳалиги, бир гап бор — у, кучук болани кўзи очилмай туриб каттароғига талатсангиз ўша кучук сўлоқмондай бўл — ганида ҳам бировга "вов" дея олмайдиган бўлади. Тушундингизми?

Матлуба Темировна одоб юзасидан директорнинг гапларини маъқуллаб ўтирар, аммо айтилаётган фик — рларга қўшила олмасди. Зеро, бу борада унинг ўз услуби, ўз қараши бор эди. Бироқ эҳтиёт шарт де — гандек, Дилбар Юсуповнанинг "Дарсларига кириб, кузатинг" деган кўрсатмасини эслаб қолганди. Шу — нинг учунми, Нафиса билан хайрлашаётди:

— Эртага дарсингизни кузатаман, тайёрланиб келинг, — дея огоҳлантирди.

Матлуба Темировна кунора бўлмаса — да, ҳафтада бир — икки марта дарсга кириб, кузатар, таҳлил этар экан, ҳар гал кўнгли тўлмай чиқаётганини яшириб ўтирмасди.

— Бўшсиз, жудаям бўшсиз, — дерди у. — Били — мингиз бор, лекин шу билимни болаларга етказол — маяпсиз. Уларнинг эътиборини ўзингизга жалб қила олмаяпсиз. Бошқа ўқитувчиларнинг дарсига кириб, тажриба орттиринг.

Шундай қилиб, Нафисани кексароқ бир ўқитув — чига "бириктириб" қўйишди. Энди Нафиса бўш вақ — тларини ўша ўқитувчининг дарсларини кузатишга сарфларди. Тажриба ўрганиш жараёнида у шунга амин бўлдики, бошқаларда ҳам аҳвол мақтанарли даражада эмас, муаллим шўрликлар ўқувчиларни тинчлантириб олгунча анча вақт ўтиб кетар, нати — жада дарснинг асосий қисмига фурсат тўла етмай қоларди. Ўқитувчиларнинг ҳаммаси, жисмоний тар — бия муаллимидан ташқари, аёллар эди. Баъзилари — нинг бошида фақат рўзғор ташвиши, ейиш — ичиш, кийиниш, уйда қолган боласини эмизиб келиш учун пайт пойлаб юриш...

Дарс вақтида писта чақиб ўтирган, кроссовка би — лан савдо қилаётган, машқ дафтарига уят расмларни чизиб партадошига кўрсатаётган болаларни, қизларни кўриб Нафисанинг юраги орқасига тортиб кетарди. "Булар мени тириклайин ютиб юборишдан ҳам той — ишмайди". — деган ваҳимали ўй хаёлини тарк эт — масди. Бир неча марта ишдан бўшаб кетишга қарор қилди. Аммо оиласини ўйлаб... Асилбек ҳамон бе — корчи эди... Тўғри, кейинги пайтларда собиқ ишхо —



насидан аллакимлар келиб, йўқлаб турадиган бўлишди, аммо Асилбек шопилмасди. Нафиса эрининг одатини яхши билади. Шу пайтгача жонини жабборга бериб ишлади, аммо арзимаган баҳона ҳаммасини бир пул қилиб ташлагани унга қаттиқ таъсир қилган, шу боис ҳамкасбларини ҳамон кечиролмасди...

Нафисанинг эзилиб юрганни сезганми:

— Азизим, юринг бизникига бориб бир пиёла чой ичиб келамиз, — дея таклиф қилиб қолди бир куни Шаҳноза Алиевна.

Уй уч хонали экан. На бир тузукроқ жиҳоз бор, на мебель... Деворлардаги гулқоғозлар эскирганидан сарғайиб кетган, у ер — бу ерида йиртилган жойлари кўзга шундоқ ташланиб турибди.

— Сиз билан анчадан бери гаплашмоқчи бўлиб юрардим — у, ҳеч мавридини тополмасдим, — деди Шаҳноза Алиевна уни ошхонасига бошларкан. — Кеча кечқурун сомса қилгандим, ажойиб чиқибди. Бир маза қиламиз. Гурунглашиб...

— Болаларингиз кўринмайдими?

— Маникилар ҳаммаси ўқишда, уйда қоладигани йўқ... Ҳу ўша машмашадан кейин опангиз билан келишолмаяпсиз шекилли, а? — Шаҳноза Алиевна маъноли қараб қўйди.

— Унчалик эмас — у, дарсимга киравериб безор қилиб юборишди.

— Киритманг. Ҳаққингиз бор бунга... Хўш, аввал тамадди қилиб олайлик — чи, кейин сизга баъзи бир сирларни ошкор қиламан...

Шу пайт телефон жиринглаб қолиб, суҳбат узилди.

Шаҳноза Алиевна сомсани столга қўясала йўлак томон шовди. Йўл — йўлакай унинг:

— Нафисахон, сиз сомсадан олаверинг, совуб қолмасин, — дегани эшитилди.

"Ҳар тугул телефони бор экан — ку, — деб ўйлади Нафиса. — Визда шуюм йўқ..."

Йўлақдан Шаҳноза Алиевнанинг қаттиқ — қаттиқ гапиргани эшитилди:

— Жасур телефон қилибдими? Қачон? Ўлай агар беҳабарман... Хўп, хўп... кўчада қолмадингиз — ку ҳар қалай. Нима?... — Аёл йиғламсиради. — Ман ўр — гатганим йўқ. Нега ишонмайсиз?... Ўқитувчилигимга тил теккизманг! Ҳалиям қарз эмассиз... Уйни ташлаган бўлсангиз болаларингиз учун ташлагансиз... — Бўлди, бас қилинг!... — Гўшакни отиб юборган Шаҳноза Алиевна деворга беҳол суяниб қолди. Нафиса чопқилаб келиб тутиб қолмаганида йиқилиб тушиши аниқ эди. Аёлнинг юзи бўздек оқариб, кўзлари олайган, оғзидан кўпик чиқа бошлаганди...

— Кенжатоим кеча дадасига телефон қилган экан, — деди хушига келгандан сўнг Шаҳноза Алиевна хирқироқ овозда. — Хабарингиз бордир... аж — рашиб кетганмиз. Сан ўргатгансан деб манга ёпи — шяпти... Сандан қарзим йўқ, энди безовта қилма, уйни ташлаб чиқдим — ку санларга деб миннат қилавериб еб қўйди бу одам мани. Имконим бўлса эди уй — пуйи билан қўшиб бетига урардим... Сизга айтмоқчи бўлганим, бу дунёнинг куйикларига куйманг, куйин — манг...

Аёл пиқиллаб йиғлаб юборди...

...

Чорак охирлай бошлади. Ўқитувчилар орасида ҳар хил миш — мишлар оралаб қолди. Кимдир "тест", кимдир "зачёт" ошаётганмиш... Ахир буям ўқувчилар билимини оширишнинг бир йўли — да, дея бир — бирларининг гапини маъқуллаб қолишарди улар.

Шундай кунларнинг бирида, дарс маҳали йўлакда шанғиллаган овоз эшитилиб қолди. Нафиса эътибор бермасликка ҳаракат қилди. Аммо ўқувчиларнинг қулоқлари динг бўлганди. Бир — иккитаси алақачон

йўлакка мўралаб ҳам келишди.

— Драка бўлаяпти, — дейишди улар кулимсираб.

— Анави "ёлка"ни биттасининг онаси дабдала қила — япти.

Нафисанинг юраги шувиллаб кетди. Болаларга сир бермаслик учун доскага ўгирилиб алланиманиларни ёза бошлади. Худди шу пайт эшик бирдан очилиб, остонда Шаҳноза Алиевна кўринди.

Юзи қордек оппоқ...

— Мумкинми, Нафисахон, — аёлнинг овози ба — зўр эшитилди.

Нафиса ялт этиб ўқувчиларга қаради. Улар диқ — қат билан томоша қилиб туришарди.

— Нима гап, тинчликми? — Нафиса йўлакка чи — қиб, эшикни қаттиқ ёпди. — Мазангиз йўқми?

Шаҳноза Алиевна синф томон ишора қилди — да, бу ёққа юринг, дегандек енгидан тортди.

Шаҳноза Алиевнанинг синфи олдида тўладан келган, басавла т аёл гердайиб турарди. Нафиса «дра — ка»нинг маъносини тушингандай бўлди.

— Кеча ўқувчилардан зачёт олгандим, — дея ту — шинтира бошлади Шаҳноза Алиевна. Унинг овози борган сари бўғилиб борарди. — Буларни ўғиллари топширолмади. Сиз ҳам бор эдингиз — ку, — Шаҳноза Алиевна «бор эдингиз — ку» деган сўзини ургу билан айтди. — Нега ўғлимга баҳо қўймадинг деб тўполон қилаяптидар...

— Ўғлингиз жудаям бўш, билими ҳам саёз. биз қандай қилиб унга баҳо қўя оламиз, — дея олди На — фиса базўр. У сираям бунақа вазиятга тушмаган эди, довдираб қолди.

— Мен тўполон қилаётганим йўқ, ўргилай, — деди аёл зарда билан. — Талаб қилаяпман! Тўққиз йилдан буён синфдан синфга кўчиб юрган бола энди са — водсиз бўлиб қолдими? Баҳона қидирмай, очиғини айтаверинглар, нима олиб берай? Бемалол айтаве — ринглар, кучим етади.

Шаҳноза Алиевнанинг жон — пони чиқиб кетди.

— Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз? Оғзингизга қараб гапиринг!

Бироқ жанжалкаш аёл паст тушмади, аксинча, унинг кўзларида шундай бир совуқ ифода бор эди — ки, бамисоли баданни тешиб юборарди.

— Кўшнимизнинг ҳеч вақони билмайдиган қизига қўйиб берибсиз — ку! Арабский духи совға қилгани учун... Меникидан ҳазар қилиб қолдингизми?... — Аёл яна бор овозда шанғиллашга ўтди. Бошқа синфлардан ҳам ўқитувчилар чиқиб кела бошлашди. — Сенга ўхшаганлар ўқитувчи деган улуг номни булгаб юриб — ди. Садқаи устоз кет! Тфу... — Аёлнинг балғам ара — лаш сарғиш тупуги Шаҳноза Алиевнанинг юзига сач — ради.

Қолгани бир зумда рўй берди.

Шаддод аёл тарс — турс юриб кетди.

Шаҳноза Алиевна чап кўксини ушлаганча шилқ этиб йиқилди.

...

Шаҳноза Алиевнани эртаси куни чошгоҳда жойига қўйиб келишди. Шўрликнинг қариндош — уруғи ҳам йўқ ҳисоби экан. Барча оғирликни собиқ ўқувчи — ри кўтаришди. Мактаб ўқитувчилари икки юздан йиғишди.

— Шаҳноза Алиевна энг яхши ўқитувчиларимиз — дан эди, — деди Дилбар Юсуповна кўпчилик ичида. — Белимдон, меҳнатсевар, ўз ишининг устаси эди. Афсуски, умри қисқа экан, пешонамизга сиймади. Энди унинг табарруқ ишини ўқувчилари, ўғиллари, қизлари давом эттирсин...

Маросимдан кейин директор барча мактабнинг мажлислар залига тўплансин, деб буюрди. Шоши —

линч "педсовет" эмиш.

— Тавба қилдим деб айтай, — дея сўз бошлади Дилбар Юсуповна йиғилишда, — ер етказиб бормасин — у, очигини айтадиган бўлсам, Шаҳноза Алиевна ўқитувчи деган юксак номга доғ туширди. Ахир шунчалик ҳам бўладими?! Ниманга етмаяпти? Мактаб берган маошга қаноат қилмасанг, ана, бозорга чиқ, савдо билан шуғуллан. Ўлган ўлиб кетди боши — ни олиб... Балога қолган биз бўламиз, аниқроғи мен. Ҳали бу иш учун РайОНОга бориб сўроқ бераман. Огоҳлантириш ҳам олсам керак. Айтгандек, — у ёни — дағи завучга юзланди, — Шаҳноза Алиевнанинг қизи техникумни битирган эмиш. Мабодо иш сўраб келиб қолса менга рўбарў қилманг. Онасининг кўрсатган каромати ҳам етади менга.

Дилбар Юсуповна одатдагидек узоқ сўзлади. Аммо Нафиса бу ёғини эшитмади, эшитолмади. Шаҳноза Алиевнанинг рангпар чеҳраси кўз олдига келиб, ўп — каси тўлиб кетаверди.

Нафиса шу куни қоронғу тушгандагина уйига кириб келди. Ҳар хаёлга бориб, жони ҳалқумига келиб ўтирган Асилбек хотинини кўриши билан ўшқира кетди:

— Қаёқларда санғиб юрибсан? Ишлаяпман деб жа ўзингдан кетиб қолдинг! Уй, бола — чақа эсингда ҳам йўқдир. Агар шунақа қиладиган бўлсанг жавобинг — ни бераман!

Нафиса шошилмасдан кийимларини алмаштир — ди. Ваннада ювиниб, бир оз ўзига келгач, ошхонага ўтди. Асилбек ҳамон жаврар эди.

— Бўлдими? — деди Нафиса эрига тик қараб. Унинг нигоҳи асабий — қаҳрли эди. Асилбек алла — нималар деб гўлдирай бошлади. Аммо Нафиса уни эшитиб ўтирмади. — Сиз бола боғча бўлиб уйда ўтиргандан кейин мен юраман — да кўчада. Энди орингиз келиб қолдими? Жавобингни бераман эмиш! Қўлингиздан келганини қилмайсизми!.. Осмонни ушлаб турган бўлсангиз ташлаб юбора қолинг. Бир босиб қолсин...

Бўғзига тошдек бир нима тиқилган Нафиса ортиқ гапиролмай қолдию, ҳўнграб йиғлаб юборди... Болалар ҳайрон... Асилбек тек қотган...

Йиғлай — йиғлай сал кўнглини бўшатиб олгандай бўлди. Аммо бутун қалбини чирмаб олган қайғули ҳисдан қутула олмади.

Бир оздан кейин:

— Нима бўлди? Биров хафа қилдими? — дея оҳиста сўради Асилбек. — Яна ўша можароми?

Нафиса киприк қоқмай эрига тикилиб ўтирди, ўтирди ва бирдан уйқудан уйғонгандек сесканиб кетди.

— Жавобингни бераман дедингизми? — дея сўради у ҳайрат билан. — Сиз — а? Мени кун кўролмайдидеб ўйлаясизми? Ялинади, ёлворади дейсизми? Оввора бўласиз! Мен сизсиз ҳам яшай оламан, болаларимни боқа оламан...

— Сенга нима бўлди?

Нафиса юзини ўтириб олди...

Шу оқшом у тонггача киприк қоқмади. Асилбекни ҳам ҳол — жонига қўймади: жавобимни бер, сенсиз ҳам яшай оламан, болаларимни боқа оламан, дерди у тинмай йиғламсираб...

Хамроқул АСҚАР

ЯНТОҚНИНГ БАНДИДА АНОР КЎРИНАР

Дўстлар бошга қарармиш
Душман эса оёққа
Дўстмисан сан, душманмисан
Қараяпсан қаёққа.

Икки ораликда чарчадим, толдим
Икки ораликда қийналди жоним.
Бир — бирин тан олмас бу икки тараф
Кимники бўлурсан энди иноним.

Энг оғир чоғда ҳам бир паноҳ топдим,
Фанимлар ичра ҳам хайрихоҳ топдим.
Дедим: қолдим беимкон, ҳориб —
Шунда ҳам ҳолимдан бир огоҳ топдим.

Бу дунё аслида кичик бир бозор,
Хўрлик, ҳақоратга кўксимиз мозор.
Тилимни суғуриб олгин, розиман —
Фақат сен дилимга бермагин озор.

Билсайдим қанотим қайрилмоғини
Сал пастлаб учардим қараб райингга.
Билсайдим, аввалроқ ёрилмоғини —
Бошимни урардим сенинг пойингга.

Инсонлар бор, гўё шўр тупроқ
Хато излар Она ибодатидан.
Улар севиш бахтидан йироқ
Йироқдир севилиш саодатидан.

Кўзларим зулматга ўрганган нурлардан қамашади,
Қўлларим қуллуқга ўрганган таъзимга талашади.
Бошни сал кўтарсам агёр муштидан ғурра —
Фанимлардан қутулсам дўстларим савашади.

Бошга тушганини кўрдинг — ку, кўзим,
Жонимга тилайман Оллоҳдан тўзим.
Ота йўқ, Она йўқ эрка етиммиз —
Ўзимнинг бошимни силайман ўзим.

Бадавлатни суяр омонат дунё
Аҳли маддоҳ борки унинг соясида.
Мазлумдан эҳтёт бўлгин сен дўстим,
Чунки, у Тангрининг ҳимоясида.

Кўзимга шувоқлар чинор кўринар,
Лойсувоқ кулбалар минор кўринар.
Киндик қоним томган овулим жаннат —
Янтоқнинг бандида анор кўринар.

Ҳаёт устахона кўҳна, гаройиб,
Ямаб, ясқалади бунда имкёнлар.
Келиб, кетаверар мажруҳи, майиб —
Ҳар кун туғилмайдидеб комил инсонлар.

Қўрқоқнинг қиличи занг ичра қолди
Бу танг дунё яна жанг ичра қолди.
Шеърят тулпори бир силкиндию,
Маддоҳ шоирларинг чанг ичра қолди.





ТУШ ИҶЛАКЛАРИ

1

Тушимда, майсалари қовжираган яйловда,
жони узилаётган филни кўриб қолдим мен —
қуйуққина туман, қудранг тутун парчаси кезинар эди,
тикилмоқ мушкул эди бу манзарага —
ҳа, яна икки телескоп, ичида мужжасам жамики буржлар,
тўрға ўхшаган ола—була ёғдулари ҳам бор.
Ўша тўр ила ушланган бир митти балиқ
самовий тошга бориб урилмоқда эди,
самовий тош Ерга тушаётган маҳалда,
чунки ўша тош оловлангирган эди фил танасини,
сайёралар аро сарҳадларни бузиб чиққан эди бирма — бир,
тушни ўз сарҳадларидан мосуво этган эди у,
филни андуҳ ёлқинига айлангириб қўйган эди ҳам,
озод ришпа ила кўкка тақиб томоша қилган эди
Ерга хос бўлмаган ҳаёт шаклини.

2

Қоғоздан ясалган туш ила шамолда шивирлашди сўзлар —
Оқ япроқнинг мудроқ алфоздаги ташбеҳи —
сассиз овозингни талаффуз қилганида шаффоф шер,
бу товуш якунига етмаган битикни эслатди бир зум.
Ва ниҳоят ов саҳнаси.
Ярадор шер мен ташлаб кетган тахта битик юзасига
қараган — у тополмаган леккин
Бу тахлитдаги мавжудлигига бирорта асос —
Ана шунинг учун ҳам нина тирнаганда ўлгану қолган,
қоғозда акси пайдо бўлмаган бунинг устига,
қўриқчи шаклига эврилган ноиложликдан,
"Улар қуйламоқда" сатрини ёзаётганим чоғ
театрга киргану опера тинглаган берилиб:
имо — ишорани такрорлаганда соялар кечикар эди сал — пал,
овозлар эса илдамроқ эди лабларнинг ҳаракатидан,
шунда отлар сукут сақлашар эди,
итлар акилламай қўйган эдилар,
шамол жимгина силкитарди чизилган дарахтларни.
Улар ҳаёт ва ўлим ҳақида қуйлар эдилар,
вақтни билдирарди учиб келаётган найзалар,
қўриқчи шер кўксига тегаётганда хусусан,
шер эса унутган эди илк ўлимини ва
янги ўлимларни кутиб олмоқда эди,
ҳайрат зухур этарди қорачиқларига.

3

Ўшанда, айнан ўшанда ўйингоҳда биз
Туш ичидаги каби уйғондик новдалар ўрмонида,
Филларнинг баҳайбат оёқларидек.

Биз рақсга тушдик,
сен эса янги эрмаклар ўйлаб топардинг,
сўзлардан, бутуқлардан, қуроқлардан ясалган
ҳайвонларнинг турли — туман ниқобин кийиб.
Биз ўйлаб топган дарахтларинг панасида эдик.
Сой бўйига борардик — шарқираб оқаётган,
Овозингдан томган сувни ичар эдик ҳовучлаб,
Сойнинг қумлоқ тубига тушган изимизни кўриб сен
қувониблар кетардинг ва биз эса
Тубсиз хаёлларинг гирдобига чўкиб борардик
Бўз тусдаги бутуқларнинг қуршовида оҳиста.
Шунда улар жонланиб қолар эди банотоҳ,
Филлар подаси
устимиздан шарпасизгина босиб ўтдилар,
улар сойдан сув ичаётганда музларни ёриб
уфқда чакмоқдан ясалган булутлар пайдо бўларди
бўм — бўш ялангликлар тепасида нақ.
Биз юлдузлар остида сочилган зарраларни илғадик.
Иккита ой бор эди,
Кўкимгир кўланкага эвриларди иккитаси ҳам,
Ўша сенинг теран боқадиган кўзларинг янглиг.
Шунда чиқаётган қуёшни пайқамганимизда,
уфқда булутлар музлаб бораётганини кўрганимизда,
бир — биримизга қарадик — қўрқув ичида титраб — қақшаб,
бутуқларни юлиб жунга айлантираётган
қўриқчидан фақат чўл ҳиди анқиб турарди.
Биз қочилдан ўзга чора топмадик,
Бизнинг назаримизда — булут ҳам, уфқ ҳам қочиб борарди.
Намчил ва тунд ўрмон қўйнига кираётганимизда
Кўрдик тиниқ сой тубидаги изимизни ювиб кетибди,
Изларимизни қўшиб қўйибди овозинг оқимиға,
Исмимиз қулоққа чалинганда чўчиб уйғондик
Пайпаслаб ҳайвонларнинг турли — туман маскаларини
Ўша сен ясаган бир маҳаллар
Сўзлардан, бутуқлардан ва қуроқлардан.

4

Қора салтанатлар йилномасини варақлай туриб,
Маскани ўлчагандек тусмоллаб кўрасан,
Сен ўз қиёфангни сфинкснинг тош ёноғига қиёсан,
Тош кўзлар чангини артасан нигоҳинг ила.

Сен талаффуз этсанг тўкилиб кетади сўзлар,
Сатрларни ўқисанг синишар чил — чил,
Аралаш — қуралаш бўлиб қолади матн,
Шунда бузилади вақт андозаси ҳам,
Келажакка интилиш сезгиси қолади фақат:

Мен сенга Нил тубидан қараб тураман,
Оқимлар бошим устига
юлдузларни секин туширади
Ўртаер денгизда.

Менинг оппоққина сфинксим,
Ой ёрунида хаста киши кўринишидай,

Йўқ, сени жонлантормоқчи эмасман.
Нил ўзида акс эттиради,
сенинг юзингни юлдузлар ила
аралашиб сузиб бораётган
Ўртаер денгизида:
Мен ва улар оралигидаги масофа
Сфинкс жумбоғи билан баробар.

Кўришни истамайман тер томчилашини
Унинг тош пешонасидан,
Балки қимирлашга уринганида
Кўпчиб кетган кукундир шунчаки.
Кўришни истамайман залворли қанотлар титроғи
қуруқ ерда тўзон кўтарганини.
Саҳронинг жамики йўлбарсларини
Бир жойга йиққанини ажал ҳамласи.

Аммо акс этаман ўз сфинксимда
Тош мускулларин гизлай билар у.
Сфинкс, сен қумга айланасан аввало
Нафасинг бўғзингни йиртмаса агар.
Энди йилномани ёпсалар — да сенга барибир
"al sod" сўзининг маъносини билмасанг — да сен
йилномага сувратингни муҳрлаб қўйдинг,
ҳақиқатни яширгувчи сеҳру жодусан.

Тупроқ ўз шаклидан мосуво бўлди,
Ойнинг оппоқ шуғлалари ичида,
Юлдузлар ила қўшилиб оқди
такрорлади сойнинг шалдирашини:
денгиз бўлагига айлансак фақат
вақт бизни оқимдан улоқтиради.

Рус тилидан Шермурод Субҳон ва Баҳром Рўзимухаммад таржимаси

Лариса Дабижани мамлакатимизга мағрибу машриқ тасвирий санъат усулларини ўзаро уйғунлаштирган рассом сифатида яхши танийдилар. У авангард йўналишининг жиддий намояндаларидан бири, жаҳон ангазасига мос сувратлар чизаётган мусаввира. Ҳозирги кунда "Меҳнат" нашриётида ишламоқда.

Лариса ўзини шоира деб билмайди. Шу боис шеърларини матбуотда чиқаришга унчалик ҳам интилавермайди. У картиналарида акс эттирмаган тасвирларни сўзга кўчиради, холос. Л. Дабижанининг фикрича, бу йўсиндаги шеърини туркумлар ўша картиналарнинг узвий қисмидир.

Унинг учта шеъри "Ёшлик" журналининг 1989 йилги 5-сонига дунё юзини кўрган.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИ- НИНГ ЎЗИГА ХОС ТАМОЙИЛЛАРИ

Хитой ва Америка муносабатлари мисолида

Давримизнинг бугунги кундаги муҳим хусу-сиятларидан бири бу — глобаллашув жараёнидир.

Маълумки, глобаллашув жараёни натижасида "миллий хавфсизлик" ва "халқаро хавфсизлик" каби тушунчалар кўп жиҳатдан янгича маъно ва моҳият касб этмоқда. Янги жамиятларнинг барқарор ривожланишига у ёки бу тарзда таъсир қилувчи ташқи омилларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Шу жиҳатдан олиб қараганда жаҳон жамиятида ўзининг улкан салоҳияти билан ажралиб турувчи, шарқу ғарбнинг икки йирик давлатлари бўлмиш Хитой ва АҚШ давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос кечиши умумжаҳон ва минтақавий жараёнларда муҳим ўрин тутаяди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари, қизиқишлари нуқтаи назаридан АҚШ ва Хитой ўртасидаги муносабатларнинг ХХ аср сўнгги йилларида ҳамда янги минг йиллик бошларида шаклланаётган ўзига хос муносабатлар тизимини таҳлил қилиш долзарб илмий ва амалий вазифалар қаторига киради.

Маълумки, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатининг

асосий тамойилларига содиқ қолган ҳолда бугунги кунда АҚШ билан ҳам, Хитой Халқ Республикаси билан ҳам ўзаро тенг ҳуқуқли дўстона ҳамкорликни йўлга қўйишга доимо интилиб келмоқда.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек:

"Америка Қўшма Штатларидек улкан сиёсий, иқтисодий, харбий — техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган мамлакат билан ҳар томонлама муносабатларни бундан кейин ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш — биз учун ўта муҳим ақамиятга эга...

Қўшнимиз ва дўстимиз бўлган буюк давлат — Хитой Халқ Республикаси билан алоқаларимиз тобора мустаҳкамланаётгани бизга катта мамнуният бахш этади".

Бу ўринда яна шуни алоҳида зўр мамнуният билан таъкидлаш лозимки, АҚШ ва Хитой давлатлари ўз ўрнида мустақил ва тинчликсевар ички ва ташқи сиёсат юргизаётган мамлакатимизга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромга асосланган муносабат билдирмоқдалар.

Бевосита Америка — Хитой муносабатлари ва



алоқалари тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, бугунги кунда мавжуд бўлган ахборот тизими ва илмий манбалар, адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўтган аср поёнида ҳамда янги минг йиллик бошланишига келиб, Америка – Хитой алоқалари ва муносабатларида гарчанд мураккаб ва анча зиддиятли томонлари сақланиб қолаётган бўлса ҳам, аммо сифат жиҳатдан янги ўзгаришлар рўй берганлигини кузатамиз.

Аслини олганда Америка – Хитой муносабатларида илиқлик томон "музнинг кўчиши" 1972 йилдан бошланган эди. Деярли йигирма уч йил давомида, яъни 1949 йилда юз берган Хитой инқилобидан бошлаб Америка учун Хитой душман мамлакат ҳисобланиб келаётган эди.

АҚШнинг ўша даврдаги президенти Р.Никсоннинг Хитойга 1972 йилда расмий ташрифи ҳар иккала мамлакатнинг ўзаро алоқаларини қайта тикланишида муҳим аҳамият касб этган эди. Маълумки, мазкур ташриф натижаси ўлароқ, 1979 йилнинг қишида Америка ва Хитой ўртасида дипломатик алоқалар тўлиқ асосда ўрнатилди. Энг муҳими, АҚШ Хитойнинг Тайван борасидаги тутган сиёсатини, яъни фақат битта Хитой давлати мавжуд, Тайван эса унинг бир қисмидир, деган сиёсатини тан олди.

Америка – Хитой муносабатлари эволюциясида президент Клинтоннинг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Маълумки, 1997 – 1998 йиллар ўртасида Олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтди. Кўп йиллик танаффусдан кейин Хитойнинг биринчи раҳбари Цзян Цзэмининг Вашингтонда бўлиши катта шов-шувларга сабаб бўлган эди.

Б.Клинтон томонидан Хитойга нисбатан илгари сурилган "жалб қилиш" сиёсати икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда пайдо бўлган янгилик эди.

Америка – Хитой муносабатларидаги илиқлашув Хитойнинг иқтисодий тараққиётидаги кескин силжишларга сабаб бўлди. Аср сўнигида ХХР иқтисодиётининг деярли барча тармоқларида юқори даражадаги ўсиш юз бера бошлади.

Натижада Хитойнинг минтақадаги мавқеи ниҳоятда ошиб кетди. Бундан ташқари Хитойнинг иқтисодий жиҳатдан бақувватлиги эвазига унинг АҚШ билан савдо алоқаси юксалиб борди. Масалан, Хитойнинг АҚШга товар экспорти 14,3 млрд.долларни ташкил қилди.

Мазкур сиёсат натижасида Америка – Хитой муносабатлари барқарорлашди. Америка ва Хитой савдо ва иқтисодий алоқалари янги асосга, яъни ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлана бошлади.

Масалан, бугунги кунда Хитой АҚШга товар экспорт қилувчи мамлакатлар орасида тўртинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди.

"Жалб қилиш" асосида шаклланаётган ўзаро муносабатлар натижасида умуман бутун жаҳоннинг тинч тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ракета ва ядро қуроли технологиясини тарқатмаслик масаласи ҳам икки томонлама алоқаларнинг диққат марказидан жой ола бошлади. Бу ўринда Хитойнинг ядро технологиясини тарқатмаслик борасидаги янги ташаббуслари, жумладан, МАГАТЭ билан очиқ ҳамкорликни кучайтириш борасидаги хатти-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хўш, янги минг йилликнинг бошланишида Америка – Хитой муносабатларида қандай йўналишлар устунлик қилади ва уларнинг асосида нималар ётади?

Биринчидан, Хитой Халқ Республикасида бугунги кунда сезиларли муваффақиятлар билан кечаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, тараққиётнинг бундан кейинги янада муваффақиятли бўлиши учун албатта Хитой ўз ташқи сиёсатини очиқлик, халқаро муносабатларга чуқур интеграциялашув томонига мунтазам йўналтириши керак бўлади. Ва бунда АҚШ билан фаол ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий муносабатларни ушлаб туриш катта аҳамият касб этади.

Иккинчидан, гарчанд қайси бир даражада АҚШ ядровий потенциалга эга бўлган, ўта кучли Хитойнинг мавжуд бўлишлигидан унчалик "рози бўлмаса" ҳам, лекин Хитойдаги сиёсий барқарорлик, ўзаро ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий алоқалар учун очиқлик вазияти Америка учун ижобий вазият ҳисобланади. Яъни Осиё минтақасида вазиятнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин бўлган Хитойдаги беқарор вазиятдан кўра, тинч осуда тараққиётга асосланган барқарорлик ҳолати АҚШ сиёсати учун кўпроқ зарур эканлиги бутун тан олинмоқда.

Демак, юқоридаги фикрлардан ва ҳолатлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, асримиш бошларида жаҳоннинг икки йирик мамлакат бўлган АҚШ ва Хитой ўртасидаги муносабатларда ижобий анъаналар устунлик қилиб боради. Бу эса ўз навбатида умумсайёрамизнинг, хусусан бизнинг Марказий Осиё минтақамизнинг сиёсий мўътадиллигини мустаҳкамланишида етакчи омил бўлиб хизмат қилади.

Зеро жаҳондаги сиёсий мувозанатнинг мустаҳкам бўлишлиги халқлар, мамлакатлар келажагининг гаровидир.

Андрей ГИДАСПОВ.

Ўғилой УСМОНОВА

ҚИЗГАЛДОҚНИНГ БАРГИ ТЎКИЛДИ

Шеър – шоирнинг сўнги хати, ҳукм этгани шоир Пауф Парфи. Дунёни яшил атиргуллар орқали кўраётган поктийнат қалбнинг покиза туйғулари мисраларга тўкилиб улгурмай сўнги хатларга айланиб қолди. Орзуларга кўмилиб яшаган, одамларга пайғамбарга қарагандай боққан дилнинг маъсум қўшиқлари кўнглингизга эш бўлса ажаб эмас!

Дилдора АБДУЛЛАЕВА

Қизгалдоқнинг барги тўкилди,
кейин лоланинг.

Сўнгра атиргулнинг, хризантеманинг
Қачон тўкиласан, Юрагим?

Салтанатнинг эски номи топилди
Кейин шоҳининг.

Сўнгра шаҳарларнинг, қишлоқ, овулнинг
Қачон топиласан, Юрагим?

Аввал Мансур Ҳаллож дорга осилди,
Кейин шоҳ Машраб.

Сўнгра осилмади, ноҳақ отилди,
Қачон ёриласан, Юрагим?

Аввал Искандарнинг сири очилди,
Кейин чўпоннинг.

Сўнгра Сталиннинг, Усмон, Чўлпоннинг,
Қачон очиласан, Юрагим?

Дунёга келсанг ва йўл бошлаб
Дудулнинг белида сой кечсанг.
Булутранг булутга ён бошлаб,
Ёмғирнинг сувидан чой ичсанг.

Бошингдан юлдузлар тўкилса,
Ховучлаб ҳидласанг мириқиб.
Юрагинг чоклари сўкилса,
Ҳилолга айлансанг тиниқиб.

Сўнг ҳинду қизининг кечанинг
Сочига қолсангу илиниб.
Термулиб яшаса неча минг,
Санамлар юраги тилиниб.

Ундасанг, уларни адолик,
Сўнгидан ой каби тўлишга.
Ўшанда арзийди бу дунё,
Келишга, яшашга, ўлишга.

Мен кўпдан йўлдаман, йўлдаман,
Изн йўқ ортимга қайтишга.
Оловдан кўрққандай кўрқаман
Исмингни шивирлаб айтишга.
Мен тақир чўлдаман, чўлдаман,
Оҳу йўқ сир айтиб қайтишга.

Оч қумлар ютар деб кўрқаман,
Исмингни баралла айтишга.

Мен ёмон бир ёмон уйдаман,
қолдимми ё бирор қарғишга?
Билсанг мен кўрқаман, кўрқаман,
Исмингни хаёлан айтишга.

Балки сен тушда, мен ўнгдаман,
Ишониб юрибман ҳар тушга?!
Балки тан олишдан кўрқаман
Исмингни, исминг! кўп айтишга!

*Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгли!
Ж. Румий*

Кулиб туриб, кулдириб туриб
Кўзларимни ўйиб оласиз.
Кейин кўзим косаларидан
Гулоб ичиб тўйиб оласиз.

Мен бир куни пайқаб қоламан
Кўзларимнинг ўйилганини.
Ва ўрнига фаройиб яшил,
Атиргуллар қўйилганини.

Сўнг тушуна бошлайман нега,
Ҳаёт менга бунча нашъали.
Мен дунёни кўряпман ахир
Яшил атиргуллар орқали!

КЕЛ, ЭЙ ШЕЪР!

Кел, эй шеър, кўнглимга тўл яна,
Сен ўзинг дилтортар ҳамдамим.
Умр тин билмас бир пўртана,
Сен тилло балиқ, сен гавҳарим.

Алаҳлар телба руҳ, кел, эй сен,
Мангайин ўп, олсин у ором.
Бир лаҳза шаҳаншоҳ бўлай мен,
Сен бўлгин Самарқанд, Бухором.

Кел, эй шеър, кўнглимни эт гўша,
Мен юрай, ҳақ олов тўшасин.
Оловда ёнмаган ҳув ўша,
Самандаркуш менга ўхшасин.

Шогмон СУЛАЙМОН



ХОСИЯТЛИ КУН

Пешвоз чиққан шодликни бекам
Баҳам кўргум Сиз билан албат.

Тарк этаман ёлғиз хонамни
Фурсат топсам, мушфиқим, бир пас.
Суйиб, суяб хаста онамни
Йўлларимга кўз тиксангиз, бас.

НОМУТАНОСИБЛИК

Қаранг чархнинг ўйинин:
Йўлимиз ўхшамайди.
Ҳатто ёмғиру қору
Дўлимиз ўхшамайди.

Фарқлидир кўз ёшимиз,
Кулгумиз еру осмон.
Замин ҳайратда ўнгу
Сўлимиз ўхшамайди.

Аслимиз obu гилдур,
Наслимиз кўҳна Ҳавво.
Ажбким, баҳру дарё
Кўлимиз ўхшамайди.

Ўзга – ўзга йўллардан
Кириб келдик бу юртга,
Уйимиз турфа – турфа,
Кўнглимиз ўхшамайди.

"Минорага мазза. Дунё ташвишларидан ҳоли,
бир жойда қотиб тургани турган!"
(Йўловчилар суҳбатидан)

Йўқ, ёлғон, минора ухلامас,
Ўйлайди дунёнинг ишларин.
Минг йиллик изгирин қўйнида
ғишлари қалтирар, ғишлари.

Йўқ асло минора йиғламас,
Кўз ёши эмас бу томчилар:
Манглайи терлайди ҳар нафас,
Елкада қон томган қамчилар!

Йўқ, ёлғон минора мудрамас,
Пойида юз мингта чумоли:
Юз мингта ўзидан маст – аласт,
Юз мингта қайнаган заволи!

Йўқ, асло, минора қаримас –
Минг йиллик душмани рўёнинг.
У мағрур яшайди қасда – қасд
Кўзини очмоқ – чун дунёнинг!

Ҳали
Еру осмон бир бўлиб,
Туғилгайдир бир малак.
Кўнглимдан сув ичгайдур
Чанқаб кетган камалак.

Ҳали
Офтоб бўлар парвона
Оймомонинг бошида
Шунда сени топгайман
Кўзларимнинг ёшидан.

Ҳали
Йиғлаб – Йиғлаб ёзгайман
Дардим мотамсарога.
Юзларимни босгайман
Биз тўймаган дунёга.

Ҳали
Икки дарё топишгай,
Ирмоқлар ўйнар майин.
Шеърлар ўқиб бераман
Ҳол – жонингга қўймайин.

Ҳали
қутлуғ қадамларингдан
Ёришгайдир остонам,
Рўмолингни кўтариб
Энтикиб қўяр онам.

Ҳали!

ОТАМГА

Мени ўйлаб тунлари бедор
Таъм қолмади еганингизда.
Ота, нима билдингиз илк бор
"Ўзинг асра", – деганингизда.

Орзуларим армоним неча,
Дардларимни Сизга айтаман.
Олис йўлга чиқдим – ку кеча
Сиз ишонинг эрта қайтаман.

Бир кун менинг юрагимга ҳам
Ёғду солгай замин, табиат.

Шогмон СУЛАЙМОН, 1975 йилда Бухорода туғилган. Бухоро Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. Ҳозирги пайтда шу университет аспиранти. Шеър ва мақолалари вилоят ҳамда Республика вақтли матбуотида эълон қилинган. Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинарининг совриндори (1998). "Ёшлик"да илк бор чиқиши.

**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШКЕРАК!****Муассислар:****Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон
Республикаси ёшларининг “Камолот”
жамғармаси****Жамоатчилик кенгаши раиси:**

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:Алланазар АБДИЕВ
Ўрол АБИЛОВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ
Кахрамон ҚУРОНБОЕВ**Бош муҳаррир**

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Масъул котиб:

Акбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусайд КЎЧИМОВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муҳаммад ЮСУФ
Собир ЎНАР
Ғаффор ҲОТАМОВ
Шодиқул ҲАМРОЕВ
Луқмон, БЎРИХОН

Ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали 1982 йилдан чиқа бошлаган.

© “Ёшлик” № 2 (178) 2001 й.

Ушбу сон “Ёшлик” журнали таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:

Саодат ТЎЛАГАНОВА

Муқовамизда:.

2-бет. Истеъдодли ёш хонанда

Диёрбек МАҲКАМОВ

3-бет. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин ВОҲИДОВ

(А. ЖУМАЕВ фотолари)

Таҳририятдан: Журналга ҳомийлик ёрдами кўрсатган «Тадбиркорбанк» жамоасига миннатдорчилигимизни билдирамиз

МУНДАРИЖА**МУСТАКИЛЛИГИМИЗНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ**

Абдулла УЛУФОВ. Улғайиш фалсафаси..... 1

НАСР

Муҳаммаджон УЗОҚОВ. Каромат.

Тарихий ҳикоя..... 2

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ. Тимсоҳнинг кўз ёшлари.

Қисса..... 18

Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи. Икки ҳикоя..... 34

НАЗМ

Ибодат РАЖАБОВА. Кўзмунчоқ кўзидан дунёга

бокдим..... 3

Фароғат МУСУЛМОН қизи. Мангуликка йўл..... 16

Ҳабиб АБДИНАЗАР. Қайғунинг эврилиб тушдим

пойига..... 32

Ҳамроқул АСҚАР. Янтоқнинг бандида анор

кўринар..... 42

Лариса ДАБИЖА. Туш йўлақлари..... 43

ТАДҚИКОТ

Қобил КЎБАЕВ. Истиқлол фидойилари..... 17

Назира ТОШПЎЛАТОВА. Шакл ва мазмун

мутаносиблиги..... 30

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Анрей ГИДАСПОВ. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг

ўзига хос тамойиллари..... 44

БЕВАҚТ СЎНГАН ЮЛДУЗЛАР

Ўғиллой УСМОНОВА. Қизғалдоқнинг барги

тўкилди..... 46

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Шодмон СУЛАЙМОН. Хосиятли кун..... 47

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-уй, Телефон: 133-40-83

Босишга 26. 04. 2001 йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 6,0.
Индекс 822 ISSN 0207-9137 Буюртма №

Журналдан кўчириб босилганда “Ёшлик” дан олинди деб изоҳланиши шарт.

“Янги аср авлоди” нашриёт маркази. Тошкент, Қатор-тол кўчаси, 60-уй.